**А.И.ТОШПЎЛАТОВ**

# ЁЛҒОН ГУВОҲЛИК

**(жиноят ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар)**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**
**И.МЎМИНОВ НОМИДАГИ**
**ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ**

**ТОШПЎЛАТОВ АКРОМ ИКРОМОВИЧ**

# ЁЛҒОН ГУВОҲЛИК

**(жиноят ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар)**

**Тошкент-2009**

**Масъул муҳаррир**: юридик фанлар доктори, профессор
**Абдурасулова Қ.Р.**
**Тақризчилар:** юридик фанлар доктори
**Гулямов З.Х.**
юридик фанлар номзоди, доцент
**ХаҚбердиеваР.Т.**

**Тошпўлатов А.И.** Ёлғон гувоҳлик (жиноят ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар) –Т.: ЎзР ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – 150 б.

Ушбу тадқиқот одил судловга қарши жиноятлардан бири бўлган ёлғон гувоҳликнинг жиноят ҳуқуқий тавсифи ва унинг криминологик жиҳатларига бағишланган. Монографияда ёлғон гувоҳлик учун жавобгарлик белгиланган қонунларнинг ривожланиш тарихи ва умумий тавсифи, ёлғон гувоҳликнинг жиноят ҳуқуқий тавсифи ҳамда унинг криминологик жиҳатлари таҳлил қилинган.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

# СЎЗ БОШИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий мақсади суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ўрнини юксалтиришдан иборат. Одил судловнинг муваффақиятли амалга оширилиши нафақат мазкур органлар томонидан ҳуқуқ нормаларига риоя этилишига, балки гувоҳлар, шунингдек, одил судлов фаолиятига жалб этилган бошқа шахсларнинг фуқаролик бурчини беғараз ва холис бажаришига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Бугунги кунда жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб боришда гувоҳ кўрсатувларининг аҳамияти беқиёс, зеро ҳозирги замон жиноят процессида гувоҳ кўрсатувлари исботлашнинг ўта муҳим воситаси ҳисобланади. Республикамизда гувоҳ кўрсатувлари ҳаққонийлигини таъминлаш жиноят ҳуқуқий таъқиқларни ўрнатиш орқали махсус муҳофаза остига олинган, мазкур ҳуқуқий муҳофаза механизми барча даврда, хусусан, мамлакатимизнинг бугунги ва келажакдаги жиноятчиликка қарши кураш сиёсати учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур турдаги жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, ёлғон гувоҳлик фуқаролик, жиноят ва хўжалик ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлашни қийинлаштиради, одил судлов органларини чалғитади ва қонуний, адолатли ва асосли қарор чиқаришга тўсқинлик қилади. Мазкур ҳолатларнинг мавжудлиги суд ва тергов органлари амалиётида ёлғон гувоҳлик беришга оид жиноят-ҳуқуқий нормаларни қўллашда жиддий қийинчиликлар туғдиради, натижада мазкур қилмишни квалификация қилишда хатоларга олиб келади. Шу билан бирга, амалиётда ушбу жиноят таркиби аломатлари бўлмагани ҳолда, баъзан гувоҳни ёлғон кўрсатув берганлик, экспертнинг нотўғри хулоса берганлиги ёки нотўғри таржима қилганлик учун асоссиз равишда жавобгарликка жалб қилиш ҳолатлари ҳам

мавжуд. Шундай экан, гувоҳлик бериш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, тадқиқотчи А.И.Тошпўлатовнинг илмий изланишлари самараси бўлган ушбу монографияҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бўлган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида одил судлов манфаатларини ҳимоя қилишнинг жиноят ҳуқуқий ва криминологик масалаларига бағишланади.

Ушбу тадқиқот иши мамлакатимиз жиноят ҳуқуқ назарияси ва криминология фанларида алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлигини ҳисобга олсак, ниҳоятда долзарб ва ўз навбатида мураккаб, комплекс ўрганишга муҳтож мавзулардан ҳисобланади. Шундай бўлса-да, тадқиқотчи ўз олдига қўйган мақсадга эришди десак, муболаға бўлмайди. Чунки, ёлғон гувоҳлик беришга қарши кураш масалаларини ўрганиш нафақат жиноят-ҳуқуқий ва криминологик, балки процессуал жиҳатларга ҳам эга бўлиб, уни илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, амалий мисоллар ёрдамида ёритиш ўзига хос истеъдод ва катта меҳнат талаб этади.

Монографияда ёлғон гувоҳлик беришнинг ҳуқуқий мазмунини тадқиқ қилиш, ёлғон гувоҳлик беришни ўхшаш жиноятлардан ажратиш, ёлғон гувоҳлик беришнинг ҳолати ва динамикасини, ёлғон гувоҳлик берувчиларнинг ижтимоий-демографик хусусиятларини ўрганиш, мазкур жиноятни белгиловчи омилларни аниқлаш, ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олиш ҳолатига баҳо бериш ва мазкур ишни яхшилаш чора-тадбирларини белгилашга оид илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқилган.

Ишда ёлғон гувоҳлик бериш жиноятлари учун жавобгарлик белгиланган қонунларнинг ривожланиши тарихи ҳамда умумий тавсифи, ёлғон гувоҳлик беришнинг ижтимоий хавфлилиги, унга қарши курашишнинг зарурлиги, ёлғон гувоҳлик жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан амалиёт материаллари асосида таҳлил қилинган,унинг айрим ўхшаш жиноятлардан фарқ қилувчи хусусиятлари очиб берилган, амалиётда ушбу жиноятларни

квалификация қилишдаги хато ва камчиликларнинг аниқланган ва уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар асослаб берилганлигиўқувчи эътиборини ўзига жалб қилади.

Шунингдек, ёлғон гувоҳликнинг криминологик жиҳатлари суд амалиёти материалларини таҳлил қилиш асосида ёритилганлиги, мамлакатимизда мазкур жиноятнинг динамикаси, ушбу жиноятни содир қиладиган шахсларнинг хусусиятлари, ёлғон гувоҳлик беришга қарши курашнинг жиноят ҳуқуқий, процессуал ва криминологик жиҳатлари тадқиқ қилинганлиги ва улар асосида олинган маълумотлар асосида ушбу жиноятнинг олдини олиш чоралари ҳақида илмий асосланган тавсиялар берилганлиги унинг нафақат илмий, балки амалий аҳамиятини ҳам белгилайди.

Бу китоб нафақат ҳуқуқшунос олимлар балки, амалиёт ходимлари томонидан қизиқиб ўрганилади ва ўзининг муносиб баҳосини олади деб умид қиламиз.

**Зуфаров Рустам Ахмедович**
**юридик фанлар доктори**

# МУҚАДДИМА

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишдан кўзланган асосий мақсад инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини умуминсоний демократик тамойиллар асосида таъминлашдир.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “1993 йили қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги биринчи Қонунда, айбсизлик презумпцияси, ҳимояга бўлган ҳуқуқ, суд жараёнидаги тортишув ва ошкоралик каби умумэътироф этилган тамойиллар белгилаб қўйилган эди. Ушбу тамойиллар жиноят, жиноят-процессуал ва бошқа қатор кодекс, қонунларда ривожлантирилди. Ислоҳотларнинг мана шу босқичида судлов иш юритишнинг, том маънодаги мустақил ва фақат қонун олдида жавоб берувчи суд тизимининг қонуний асослари яратилди”[1].

Суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири фуқароларда суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига жазоловчи орган эмас, балки шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган органлар сифатида қарашни шакллантиришдир. “Яна бир муҳим масала – суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг масъулиятини кучайтириш ҳақида алоҳида тўхталишни ўринли, деб биламан. Такрор-такрор айтишга тўғри келади, бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди[2]” деган фикрлари юртбошимизнинг ушбу масалага давлат миқёсида қанчалик эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

Одил судловни амалга оширувчи органлар фаолиятининг муҳимлиги одил судловни жиноий тажовузлардан қўриқланишини тақозо этади. Шу

---

[1]Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10-Т.: «Ўзбекистон», 2002.- 29 б.
[2]Каримов И.А.Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13 – Т.: « Ўзбекистон», 2005. – 109 б.

боис Жиноят кодексининг алоҳида бобида одил судловга қарши жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган.

Одил судловнинг муваффақияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг самарали фаолияти фақат бу органлар томонидан қонун нормаларига риоя этилишига эмас, балки одил судлов фаолияти соҳасига жалб қилинган ва унга ёрдам кўрсатишга бурчли бўлган барча шахслар: гувоҳлар, экспертлар, жабрланувчилар, таржимонлар ва бошқаларнинг ўз фуқаролик бурчини виждонан бажаришига ҳам боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 238-моддасида назарда тутилган ёлғон гувоҳлик бериш одил судловга қарши жиноятлар ичида энг кўп содир этилмоқда.

Гувоҳлар, жабрланувчиларнинг кўрсатувлари, экспертнинг хулосалари одил судловни қонуний ва тўғри амалга ошириш, жиноят, фуқаролик ва бошқа ишлар бўйича объектив ҳақиқатни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Гувоҳларнинг кўрсатувларидан далил сифатида фойдаланилмаган бирорта ҳам жиноят иши мавжуд эмас.

Жабрланувчи, гувоҳларнинг ёлғон кўрсатув, экспертнинг нотўғри хулоса бермаслигини ва таржимоннинг нотўғри таржима қилмаслигини таъминлаш фуқаролик, жиноят ёки хўжалик ишлари бўйича қонуний, адолатли ва асосланган ҳукм, қарор, ажрим чиқаришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мазкур тадқиқот ишининг мазмунини ҳуқуқ тартиботнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи, шунингдек, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг обрўсига путур етказаётган ёлғон гувоҳлик учун жиноий жавобгарлик ва ёлғон гувоҳлик беришга қарши кураш муаммолари ташкил этади.

Афсуски, юридик адабиётларда ёлғон гувоҳлик беришга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари ниҳоятда кам ёритилган. Ушбу тадқиқот иши жиноят ҳуқуқи ва криминология фанларидаги мавжуд бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят, жиноят-процессуал қонунлари, махсус юридик адабиётларни ўрганиш, суд амалиётининг таҳлили ва уларни умумлаштириш асосида ёлғон гувоҳлик берганлиги учун шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва мазкур жиноятларнинг олдини олишда қуйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланди:

- сўнгги йилларда рўй берган ва кўпгина ижтимоий институтларнинг мазмун моҳиятини ўзгартириб юборган ижтимоий воқеликлар жиноятчиликка қарши кураш борасидаги илгариги назарий криминологик категорияларни қайтадан кўриб чиқилишини тақозо этади;

- ёлғон гувоҳлик беришга оид расмий статистика юритилмайди, бу эса ўз навбатида мазкур жиноятларнинг вужудга келиш қонуниятларини аниқлаш, уларга асосланган ҳолда криминологик прогнозлар қилиш имконини бермайди;

- ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмаган;

- ёлғон гувоҳлик берганлик учун жиноий жавобгарликни қўллашга оид нормаларнинг ҳозирги кун талабига жавоб бермаётганлиги сабабли уларнинг олдини олишга қаратилган чоралар кутилган самарани бермаяпти;

- ёлғон гувоҳлик беришнинг бошқа ўхшаш жиноятлардан фарқлари тадқиқ қилинмаганлиги боис тергов ва суд амалиётида мазкур жиноятлар турлича квалификация қилинмоқда;

- ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олиш тизими ишлаб чиқилмаган, ёлғон гувоҳликка қарши курашнинг процессуал воситалари ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Мазкур муаммоларнинг мавжудлиги суд ва тергов органлари амалиётида ёлғон гувоҳлик беришга оид жиноят-ҳуқуқий нормаларни қўллашда жиддий қийинчиликлар туғдиради, натижада мазкур қилмишни квалификация қилишда хатоларга йўл қўйилмоқда, ушбу жиноят таркиби аломатлари бўлмагани ҳолда, баъзан гувоҳни ёлғон кўрсатув берганлик,

экспертнинг нотўғри хулоса берганлиги ёки нотўғри таржима қилганлик учун асоссиз равишда жавобгарликка тортиш ҳолатлари ҳам мавжуд.

Ёлғон гувоҳлик беришни тадқиқ қилиш масаласига миллий юридик адабиётларимизда етарлича эътибор берилмаган. Ғ.Абдумажидов, Ю.Каракетов, М.Х.Рустамбоев, М.Усмоналиев, З.Ҳ.Ғуломов, Қ.Абдурасулова, И.Исмоилов, Ю.Рахимовнинг асарларида бу муаммонинг айрим жиҳатлари тадқиқ қилинган, холос.

Умуман ўрганилаётган муаммога оид тадқиқотлар мавзу ва унинг тушунчасига нисбатан тўғри ёндашувларни белгилаш имконини беради. Чунончи, Россия ва бошқа ёндош мамлакатларда И.С.Власов, А.А.Закатов, С.С.Кузьмина, И.М.Тяжкова, О.А. Зайцев, С.НЩерба, А.АЭйсман, М.А.Якуб, Н.А.Сартаева каби олимларнинг асарларида ёлғон гувоҳлик беришнинг жиноят-ҳуқуқий муаммоларини ўрганишга эътибор берилган, С.С. Кузьмина, А.А. Ратинов, Ю.П. Адамов, М.Х.Хабибулин,В.С Фельдблюм, Ю.Н. Адамовлар ёлғон гувоҳлик беришни алоҳида тадқиқ қилган.

Л.Брусницын, М.Н Новикова, А.Д. Бойков, И.А. Воробьев, Ф.Г. Григорьев, Э.Р.Аберхаевлар эса ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олишгаоид жиноят процессуал масалаларни В.Бахин, М.Когамов, Н.Карпов, А.А.Шмидт, М.А.Нагимов, А.И.Костров, Н.И.Гавриловлар криминалистик жиҳатларини ўрганганлар.

Мустақилликка қадар ва ундан кейинги даврда республикамизда ёлғон гувоҳлик беришнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларига бағишланган монографик тадқиқотлар олиб борилмаган.

Мустақилликка эришилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига МДҲ давлатлари ичида биринчи бўлиб инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган гувоҳлик иммунитети тўғрисидаги қоиданинг киритилганлигига қарамасдан, ушбу мавзу ҳанузгача тадқиқот объекти бўлмаганлигини таъкидлаш лозим.

Биз ушбу монографияда ёлғон гувоҳлик учун жиноий жавобгарлик муаммоларини ўрганиш, унга жиноят-ҳуқуқий ва криминологик таъсир кўрсатишнинг илмий асосларини, жиноят қонуни нормаларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Ушбу мақсадга эришиш учун:

- ёлғон гувоҳлик беришнинг объектив ва субъектив белгиларини таҳлил қилиш;

-ёлғон гувоҳлик беришнинг ўхшаш жиноятлар: туҳмат, ёлғон хабар бериш, жиноят процесси иштирокчиларинингўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши, жиноятларни яшириш ёки жиноят ҳақида хабар бермасликдан фарқларини аниқлаш;

- ёлғон гувоҳлик учун жиноий жавобгарлик муаммоларини таҳлил қилиш;

- ёлғон гувоҳлик беришнинг криминологик жиҳатларини ўрганиш;

- мазкур жиноятларни вужудга келтирувчи ижтимоий омилларни назарий-ҳуқуқий жиҳатдан асослаб бериш;

- ушбу жиноятларни содир этган шахсларнинг хусусиятлари ва улар содир этган жиноятларга оид маълумотларни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

- мазкур жиноятларга қарши курашнинг қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий базаси, унинг олдини олиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қаратилган дастурларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олиш чораларининг бугунги ҳолатига баҳо бериш ва мазкур тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар бериш вазифа сифатида белгиланди.

Тадқиқот ва таҳлил натижасида қуйидаги хулосаларни қайд этишимиз мумкин бўлади:

- ёлғон гувоҳлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган қонунларнинг ривожланиши тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилди, хусусан, бу каби

қилмишлар учун жавобгарлик масалаларига оид илк ғоялар маънавиятимиз сарчашмаси бўлмиш “Авесто”да, муқаддас динимизнинг табаррук манбаи “Қуръони карим”да, “Мухтасар”, “Ҳидоя” каби шариатнинг ишончли манбаларида, шунингдек қатор саҳиқ ҳадисларда ўз ифодасини топганлиги, Ўзбекистоннинг 1926, 1959 ва 1994 йиллардаги Жиноят кодексларининг мазкур қилмиш учун жавобгарлик белгиланган нормалариқиёсий таҳлил қилинди;

- амалдаги Жиноят кодексида ёлғон кўрсатув ва экспертнинг нотўғри хулоса бериши ҳамда нотўғри таржима қилганлик учун битта моддада жавобгарлик белгиланганлиги тўғри эмаслиги ва уларни алоҳида моддаларида бўлиши зарурлиги асослаб берилди;

- ёлғон гувоҳлик беришга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини ташкил этишнинг моҳияти ва мазмуни комплекс тарзда ўрганилди;

- тадқиқот олиб бориш жараёнида ёлғон гувоҳлик беришнинг сабаблари аниқланди;

- ёлғон гувоҳлик беришни олдини олишнинг тарбиявий, умумижтимоий аҳамияти асослаб берилди;

- жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процесснинг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий тизими яратилиши зарурлиги, унинг таркибий қисмлари асосланди;

- жабрланувчи ва гувоҳлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида суд-тергов амалиётида аудио ва видео техникалардан фойдаланишни жорий қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

- суд-тергов амалиётида ёлғон гувоҳлик беришнинг ўхшаш жиноятлардан фарқлашга эътибор қаратилмаётганлиги ва натижада ушбу қилмишларни квалификация қилишда хатоликларга йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб берилган ва уларни бартараф қилиш бўйича мулоҳазалар билдирилди;

- ёлғон гувоҳлик берганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган жиноят қонуни нормаларини такомиллаштириш ва уларни суд амалиётида тўғри қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

Илмий ишнинг натижалари, назарий хулосалардан жиноят ҳуқуқи ва криминология фанларини ўқитишда, жумладан, суд-тергов ходимларининг малакасини ошириш тизимида фойдаланиш мумкин. ЎзР ЖК 238-моддасини қўллаш ва ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олиш, жиноят қонуни нормаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар амалий аҳамиятга эга бўлиб, улар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қўлланилиши мумкин.

# 1-БОБ. ЁЛҒОН ГУВОҲЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН ҚОНУНЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ВА УМУМИЙ ТАВСИФИ.

## 1.1. Ёлғон гувоҳлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган қонунларнинг ривожланиш тарихи

Ёлғон гувоҳлик бериш ва умуман ёлғон гапириш барча мамлакатларда қадим замонлардан бери қораланиб келаётган салбий иллатлардан биридир. Ушбу қилмиш тарихан узоқ даврлардан бери турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда таъқиқлаб келинмоқда. Дунё давлатлари тарихидан маълумки, турли даврларда турли-туман ҳуқуқий ҳужжатларда ёлғон гувоҳлик бериш жамият учун зарарли, шахс манфаатларига зиён етказувчи қилмиш сифатида баҳоланиб келинган. Масалан, зардуштийларнинг муқаддас китоби саналмиш “Авесто”нинг 10-Яштида (Меҳр Яшт) “Шафқатсиздир гар кимда-ким ёлғончидур”[1], деб ёзилган. Бундан кўриниб турибдики, зардуштийларда ёлғон сўзлаш, айниқса, бошқа litera бировни била туриб ёлғондан айблаш, ёлғон гувоҳлик бериш кабилар оғир жиноятлардан бири саналган. “Авесто”да жиноятлар эзгу фикр, эзгу амал ҳамда эзгу сўзга қарши жиноятларга ажратилган. “Авесто”да бу каби ёлғон сўз билан боғлиқ жиноятлар “эзгу сўз”га қарши жиноятлар тоифасига киритилган. “Авесто”да ёлғон сўзлашнинг таъқиқланганлиги, унинг ижтимоий хавфли эканлиги ҳамда жамият ва инсон манфаатларига зид эканлигини исботловчи яққол ҳолатлардан бири эканлигига шак-шубҳа йўқ.

“Қуръони Карим”да ҳам тўғри гувоҳлик бериш, билан боғлиқ қатор суръалар мавжуд бўлиб, булар сирасига қуйидагиларни киритишимиз мумкин: Бақара, Нисо, Моида, Анъом, Аъроф, Наҳл, Ҳаж, Нур, Фурқон, Аҳзоб, Шўро, Ҳадид, Маориж ва бошқалар. Масалан, “Қуръони Карим” Бақара сураси 282-оятида қарз олинганда ёки берилганда унинг ёзиб

---

[1] Бобоев Ҳ., Дўстжонов Т., Ҳасанов С. “Авесто” – шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги. Т.: ТМИ, 2004 й., 20-б.

қўйилиши ҳамда гувоҳ тариқасида икки эркак (агар икки эркак топилмаса, бир эркак ва икки аёл) бўлиши мандуб (ихтиёр) этилган[1].

Нисо сурасининг 135-оятида Аллоҳ йўлида тўғри гувоҳлик бериш, шунингдек, ёлғон сўзламаслик ва гувоҳликдан бош тортмаслик лозимлиги баён этилган. Ҳаж сурасида (30-оятида) ёлғон сўздан четда бўлиш кераклиги ўз ифодасини топган. Нур сурасида эса, охиратда бўҳтонлари учун инсоннинг тили, қўл ва оёқлари уларнинг зарарларига гувоҳлик бериши ҳамда ушбу кунда Аллоҳ уларнинг ҳақиқий жазосини бериши ўз аксини топган.

Қуръони Каримнинг Фурқон сураси 72-оятида Раҳмоннинг суюкли бандалари ёлғон гувоҳлик бермасликлари зикр этиб ўтилган. Аҳзоб сураси 70-ояти мазмунидан англашилишича, мўминлар Аллоҳдан қўрқиши ҳамда тўғри сўзлаши лозим. Маориж сурасида эса намозхонлар ўз гувоҳликларида тўғри турувчилар бўлиши лозимлиги таъкидланган[2].

Қуроъони Каримдан сўнг шариатнинг муҳим манбаларидан бири Ҳадисларда ҳам ёлғон сўзлаш, ёлғон гувоҳлик бериш қораланиб келинган. Масалан, ал-Бухорий ва Муслим ривоятларига кўра, ҳақ талашиб, даъво қилинганда, сўзга усталик қилиб, ноҳақлик билан ўзгалар ҳақини ўзлаштириб олинган нарса дўзахнинг бир чўғидир[3].

Ғ.Абдумажидовнинг таъкидлашича ёлғон гувоҳлик ислом динида энг оғир еттита гуноҳлардан ҳисобланган: “бошқа динлар каби ислом ҳам ўлим жазосига маҳкум қилинадиган еттита гуноҳни таъқиқлайди: қотиллик, зўрлаш, зино, хоинлик, ёлғон гувоҳлик бериш, алкогол ва гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш, бировнинг мулкига дахл қилиш”[4].

Юқоридагиларга асосланиб, эътироф этишимиз мумкинки, диний меъёрларда ёлғон сўзлаш, ёлғон гувоҳлик бериш доимо таъқиқланган ҳамда қораланган. Динда ушбу жиноий қилмишнинг содир этилишининг

---

[1]Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. Маъсул муҳаррир Ҳ. Кароматов. Т.: ТИУ, 2001 й. 48-бет.
[2] Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. Маъсул муҳаррир Ҳ. Кароматов. Т.: ТИУ, 2001 й. 569-бет.
[3]Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. Маъсул муҳаррир Ҳ.Кароматов. Т.: ТИУ, 2001 й. 29-б
[4] Абдумажидов Ғ. Ўзбекистон ҳудудида жиноий-ҳуқуқий тафаккурнинг ривожланишидан лавҳалар // Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқнинг тарихий ривожланиши. Илмий семинар материаллари. ТДЮИ. 2007 й. 25-б

таъқиқланганлиги бу каби қилмишларга нисбатан ушбу динга эътиқод қилувчиларда нафрат каби салбий туйғуларни шакллантиришда, бу эса ўз навбатида ушбу жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ёлғон гувоҳлик бериш қадимий иллатлардан. Ушбу қилмиш билан бутун дунё судьялари тўқнашиб келганлар, бироқ унга нисбатан муносабат турлича бўлиб келган: бундай ҳаракат баъзи қонунларда таъқиб қилинса, баъзиларида ижтимоий хавфли қилмиш сифатида ўз аксини топмаган. Ёлғон гувоҳлик бериш ҳақидаги фикр Инжилда ҳам учрайди. Унда “ўз яқинингга нисбатан ёлғон гувоҳлик берма”, деб таъкидланган[1].

Ёлғон гувоҳлик бериш қадимда нафақат диний меъёрлар билан балки, илк норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам таъқиқланган бўлиб, мисол сифатида Хамураппи қонунларини келтириб ўтишимиз мумкин. Хамураппи қонунлари қатор меъёрлар гуруҳидан ташкил топган бўлиб, 1-гуруҳ (1-5-пунктлар)да оғир ҳуқуқбузарликлар: одам ўлдириш ёки афсунгарликда ёлғондан айблаш, ёлғон гувоҳлик бериш ва судья қарорини “ўзгартириш” учун жазолар белгиланган. Ёлғон гувоҳлик берган шахс, ёлғон айблаган каби “кўзга кўз, тишга тиш” қоидасига асосланган тамойил бўйича жазоланган, яъни агар айбланувчининг айби исботланганда унга нисбатан қандай чора қўлланилиши мумкин бўлса, айнан ушбу жазо чораси ёлғон гувоҳлик берган, шунингдек ёлғон айблаган шахсга нисбатан қўлланилган. Яъни бунда агар ёлғон гувоҳлик бераётиб шахсни айблаган жинояти учун шахс айбдор деб топиладиган бўлса, унга нисбатан давлат қўллайдиган чора, ёлғон гувоҳлик берган шахсга нисбатан қўлланилади.

Қадимги Ҳиндистон жиноят қонунчилигида ҳам ёлғон гувоҳлик бериш жиноят саналган. Бунда гувоҳ фақатгина ўз мақоми тенг бўлган шахсга қарши кўрсатув бера олган. Бироқ ушбу қоида оғир жиноятларга нисбатан тадбиқ этилмаган. Ёлғон гувоҳлик бериш юқорида таъкидлаб ўтганимиздек,

---

[1] Толковая Библия Т.1, Петербург 1904-1907. - С.338.

жиноят деб топилиб, даъво миқдорининг 10 баравари миқдоридаги жарима билан ёҳуд мамлакатдан қувиб юбориш (сургун) билан жазоланган[1].

Айни дамда таъкидлаб ўтиш жоизки, қадимда Арманистонда амалда бўлган Смбата қонунида судни хато йўлга бошлаш мақсадида ёлғон гувоҳлик бериш ушбу қонуннинг 160-моддасига асосан жуда қаттиқ жазоланган. Смбата қонунида (XI-XIV асрлар) ҳам ёлғон гувоҳлик берган шахс Хамураппи қонунларидаги каби жазога тортилган. Бунда айбланувчининг айби исботланмаган тақдирда унга қўлланилиши мумкин бўлган жазо чораси ёлғон гувоҳлик берган шахсга нисбатан қўлланилган. Бу каби жазо чораси қадимги Украина жиноят ҳуқуқида ҳам "потвар" номи билан машҳур бўлган. Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш лозимки, судланувчининг ёлғон гувоҳлик бериши жиноят ҳисобланмаган[2].

Турк ҳоқонлигида ҳам ёлғон гувоҳлик беришга нисбатан жиддий жазо чоралари қўлланилган. Туҳмат қилиш, ёлғон гувоҳлик бериш, оғир жиноятларни яшириш, кўра била туриб бу ҳақда хабар бермаслик дарралаш ёхуд мулкий жарима солиш тарзида жазоланган[3].

Октябрь тўнтаришига қадар бўлган Россия ҳуқуқий ҳужжатларида ҳам одил судловга қарши жиноятлар учун бир қатор жазо чоралари белгиланган эди. 1903 йилги Уложениеда, одил судловга қарши жиноятларга махсус, 22 моддадан иборат бўлган "Одил судловга қарши ҳаракатлар тўғрисида"ги боб мавжуд бўлиб, ушбу бобда қуйидаги: ёлғон хабар бериш, ёлғон гувоҳлик бериш, сохталаштириш ёҳуд судга сохта ҳужжатлар тақдим этиш, ёлғон қасам ичиш; гувоҳ, эксперт ёки таржимоннинг тергов жараёни ёки суд муҳокамасида узрли сабабларсиз ўз вазифаларини бажаришдан бўйин товлаши; озодликдан маҳрум этиш муассасасидан қочиш; озодликдан

---

[1] http://www.disser.law.edu.ru/

[2] Алексей Сукиасян — История Киликийского армянского государства и права (XI-XIVвв.). Ереван. Издательство «Митк», 1969.

[3] Абдурасулова Қ. Жиноий жазо институти тарихидан // Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқнинг тарихий ривожланиши. Илмий семинар материаллари. ТДЮИ. 2007 й. 28-б

маҳрум этиш муассасасида бўлган шахсни озод этиш ҳаракатлари учун жавобгарлик кўзда тутилган эди.

Ушбу бобга кирган кўпчилик жиноятлар кейинги қонунларда ўз аксини топган бўлсада, бироқ амалдаги жиноят-ҳуқуқий нормалардан ўзига хос хусусиятлари билан фарқланган. Масалан, ёлғон хабар бериш учун жавобгарлик Уложениенинг икки (156-, 157-моддалар) моддасида ўз ифодасини топган.

Ёлғон гувоҳлик берганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган моддада эса, тергов ёки суд иш юритувида гувоҳлар ёки “билимдон шахслар”, яъни эксперт, таржимон томонидан қасддан ёлғон кўрсатув бериши тушунилади (158-модда)[1].

Муайян ҳодиса тўғрисида тергов ёки суд муҳокамасида қасддан ёлғон кўрсатув бериш, шубҳасиз одил судлов учун хавф туғдиради. Шу сабабдан ҳам ёлғон гувоҳлик бериш – диний қасам ичиш билан боғлиқ бўлганлиги туфайли унинг диний жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган бобга киритилишига асос бўлиб хизмат қилсада, у авваламбор, одил судловга қарши жиноят бўлиб ҳисобланади. 1903 йилги Уложениеда “ёлғон қасам ичиш” эътиқодга қарши жиноятлар сирасига киритилган бўлсада, “ёлғон гувоҳлик бериш”жамоат тинчлиги ва тартибига қарши жиноятлар жумласига киритилган, шунингдек, кўрсатув беришни рад этиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг ёлғон гувоҳлик бериши жазоланмайдиган қилмиш сифатида белгиланган (158-модда, 2-қисми)[2].

1922 йилги РСФСР Жиноят кодексида эса одил судловга қарши жиноятлар алоҳида бобга ажратилмасдан, турли: революцияга қарши жиноятлар, бошқарув тартибига қарши жиноятлар, мансабдорлик жиноятлари, шахснинг ҳаёти, соғлиғи ва шаънига қарши жиноятлар, жамоат тартиби ва жамоавий хавфсизликни муҳофаза қилишга қарши жиноятлар бобларига киритилган эди. Ёлғон гувоҳлик бериш учун жавобгарлик

[1]Уголовное Уложение 22 марта 1903 г. Статьи, введенные в действия. Изд. Н.С.Таганцева СПб., 1911. С.491

[2]Уголовное Уложение 22 марта 1903 г. Статьи, введенные в действия. Изд. Н.С.Таганцева СПб., 1911. С.491

“Шахснинг ҳаёти, соғлиғи ва шаънига қарши жиноятлар” бўлимининг 178-моддасида назарда тутилган эди. 1926 йилги Жиноят Кодексида эса, ёлғон гувоҳлик бериш жинояти учун жавобгарлик белгиланган нормалар “Бошқарув тартибига қарши жиноятлар” бўлимига киритилган эди. Бу эса қонун чиқарувчи органнинг одил судлов манфаатларини ҳимоя қилиш заруриятини тан олганлигини анлатади.[1].

1959 йилги Жиноят кодексида эса илк бора одил судловга қарши жиноятлар ўз ичига 15 моддани олган алоҳида бобга ажратилди. Бу боб мансабдорлик жиноятлари ва бошқарув тартибига қарши жиноятлар орасида бўлган. Бунда ушбу жиноятлар тажовуз қилувчи муносабатлар, бу одил судлов органларининг нормал фаолиятини таъминлашга оид ижтимоий муносабатлардир.

Россиянинг 1959 йилги ЖКда илк бора ёлғон гувоҳлик беришга мажбур қилиш жинояти кўзда тутилган эди. Ушбу жиноят таркиби объектив томони жиноят қонунида ўлдириш, зўрлик ишлатиш, ушбу шахслар мулкини талон-тарож қилиш билан қўрқитиш, шунингдек, гувоҳ, жабрланувчи ёки экспертни сотиб олиш йўли билан уларни суриштирув, дастлабки тергов ёки судда ёлғон кўрсатув, ёҳуд ёлғон хулоса беришга мажбур этиш сифатида белгиланган эди. Бу таъриф бошқа иттифоқ республикалари қонунларидан фарқ қилади. Масалан, Украина ЖКда мажбурлаш усули сифатида қўрқитиш, яъни гувоҳ, жабрланувчи, экспертни шарманда қилувчи маълумотларни ошкор этиш билан қўрқитиш назарда тутилган. Молдавия ва Латвия ЖКларида эса, юқорида саналганлар билан бир қаторда, ёлғон кўрсатув беришга мажбур қилувчи бошқа қонунга хилоф усуллар ҳам кўзда тутилган. Эстония ЖКда эса мажбурлаш усули сифатида нафақат руҳий, балки жисмоний мажбурлаш ҳам назарда тутилган. Грузия ЖКда зўрлик ишлатиш ёки ўлдириш билан қўрқитиш тушунчаси билан биргаликда қўрқитиш ҳам диспозиция доирасига киритилган. Латвия ва Туркманистон

---

[1]Курс уголовного права. Том 5. Особенная часть / Под ред. доктора юридических наук, профессора Г.Н.Борзенкова, доктора юридических наук, профессора В.С.Комиссарова, М.: 2002. С.218.

ЖКларида “мажбурлаш” атамаси ўрнига “мажбур этиш” атамаси қўлланилган. Озарбайжон ва Тожикистон Республикалари ЖКларида эса, таржимон ва айбланувчи ҳам мажбурлов жабрланувчилари сирасига киритилган. Эстония ЖКда ёлғон гувоҳлик бериш усули сифатида гувоҳ, жабрланувчи ва экспертни пора эвазига оғдириб олиш кўзда тутилмаган бўлса, Грузия ва Литва ЖКларида у алоҳида модда диспозициясида назарда тутилган. Озарбайжон, Қирғизистон, Литва, Молдавия ҳамда Эстония ЖКларида жиноят мақсади - одил судловни амалга оширишга тўсқинлиқ қилиш ҳам ўз ифодасини топган[1].

Ўзбекистон жиноят қонуни ривожининг деярли барча даврларида одил судловга қарши жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутган. Хусусан, била туриб ёлғон кўрсатув бериш таркиби ЎзР Жиноят кодексининг “Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар” бўлимида “Одил судловга қарши жиноятлар” бобига киритилган. Тегишли нормалар мажмуи миллий қонунчилигимизда 1959 йили қабул қилинган ЎзССР Жиноят кодексида алоҳида бобга ажратилган эди. Ҳуқуқбузарликларга қарши кураш олиб борувчи органлар ролининг ошиши, уларга энг қаттиқ мажбурлов чораларини қўллашда қўшимча ҳуқуқлар берилиши, мазкур органлар фаолиятида қонунийликка қатъий риоя этиш зарурияти одил судловга қарши жиноятларни алоҳида гуруҳга ажратишни тақозо этди.

Мустақилликка эришишимиз билан “Одил судловга қарши жиноятлар” билан курашиш солномасида “янги саҳифа” очилди, десак адашмаймиз. Зероки, мустақиллик туфайли давлатимизда барча соҳаларда тубдан ўзгаришлар юз бериб, мамлакатимиз демократик-ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамияти қуриш йўлидан олға қадам ташлаб бормоқда. Бугунги кунда эса, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлиси одил судловнинг демократик асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга катта эътибор бермоқда.

---

[1]http://www.legislation.org.ru.

1992 йил 8 декабрда эса мустақиллик шарофати билан Республикамизда барча халқаро стандартларга тўлиқ жавоб бера оладиган янги Конституция қабул қилинди. Ушбу Конституциянинг қабул қилиниши демократик-ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлидаги илк қадамлардан бўлди, десак хато қилмаймиз. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида одил судлов фаолиятининг кафолатлари ҳақида шундай дейилади: "Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади. Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди" (106-, 107-моддалар).

Юқорида зикр этиб ўтилган қоида бугунги кунда суд фаолиятига ёш давлатимиз томонидан жиддий эътибор берилаётганлигидан далолат беради. Зероки, одил судлов фаолиятининг давлат томонидан кафолатланиши ҳамда ҳимоя қилиниши инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи судлов фаолиятининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашда муҳим мезон бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

## 1.2. Ёлғон гувоҳлик бериш жиноятининг ижтимоий хавфлилиги ва умумий тавсифи

Мамлакатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари суд, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ўрнини юксалтиришни тақозо этади. Одил судловнинг муваффақиятли амалга оширилиши нафақат мазкур органлар томонидан ҳуқуқ нормаларига тўлиқ риоя этилишига боғлиқ, балки гувоҳларнинг ҳамда одил судлов фаолиятига жалб этилган бошқа шахсларнинг фуқаролик бурчини беғараз ва холис бажаришига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Бугунги кунда жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб боришда гувоҳ кўрсатувларининг аҳамияти улкан. Чунки, ҳозирги замон жиноят-процессида

гувоҳларнинг кўрсатувлари исботлашнинг ўта муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади[1]. Ёлғон гувоҳлик бериш эса, кенг тарқалган, ўсишга мойил, ижтимоий хавфли ҳамда одил судловга қарши латент жиноятлардан бўлиб ҳисобланади. Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича объектив ҳақиқатни аниқлашда гувоҳ ва жабрланувчи кўрсатувлари жуда муҳим аҳамиятга эга[2]. Одил судловга қарши жиноятлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида алоҳида бобга ажратилишининг сабаби ҳам, одил судлов органлари фаолиятини давлат ҳамда жамият учун ўта зарурлиги ҳамда одил судловни жиноий тажовузлардан алоҳида муҳофаза этиш зарурияти билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XVI боби “Одил судловга қарши жиноятлар”, деб номланиб, жиноят ҳуқуқи назариясида ушбу жиноятлар одил судлов органлари нормал фаолиятига дахл этувчи жиноятлар сифатида белгиланган. Одил судлов Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, фақатгина судлар томонидан амалга оширилади. Юридик адабиётларда одил судловга қарши жиноятлар дейилганда, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, шунингдек, бошқа фуқаролар томонидан суриштирув, дастлабки тергов, суд иш юритуви ва жазони ижро этишни тартибга солувчи қонунларни бузиш йўли билан одил судлов ва шахс манфаатларига зарар етказадиган, ҳамда шу билан судга жиноят ёки фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш вазифаларига тўсқинлик қилувчи қасддан содир этиладиган ҳаракатлар тушунилади, деб таъриф берилади[3].

Бизнинг фикримизча, одил судловга қарши жиноятлар- суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, шунингдек, жиноят процессининг бошқа иштирокчилари томонидан суриштирув, дастлабки тергов ҳамда суд иш юритуви тартибига оид қонунларни бузиш йўли билан одил судлов ва шахс

---

[1]Григорьев Ф.Г. Право свидетеля и других участников уголовного судопроизводства на обеспечение их безопасности. Вестник Московского университета. Серия 11. Право. 2006. № 3 С-91

[2] Умархонов А. Ёлғон кўрсатма бериш // Ҳаёт ва қонун. № 3 2004. 23-24 б.

[3]Гулямов З.Х. Преступления против правосудия / / Под ред. и с предисловием д.ю.н., проф. У.Таджихонов. – Ташкент, 1997. – С.40.

манфаатларига зарар етказадиган, шу билан судга жиноят, фуқаролик ёки хўжалик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш вазифаларига тўсқинлик қилувчи қасддан содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишлардир.

Маълумки, жиноят қонунида жамият учун жиддий зарар етказувчи, инсон ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда қонуний манфаатларини қўпол тарзда бузувчи жиноий қилмишлар учун жавобгарлик ҳамда жазо чоралари белгиланган. Одил судлов манфаатларига қарши қаратилган жиноятлар ҳам шулар жумласига мансубдир. Жиноий тажовузларнинг бошқа гуруҳларидан фарқли равишда, одил судловга қарши жиноятларни уларнинг субъектларига қараб таснифлашимиз мумкин. Хусусан, юридик адабиётларда одил судловга қарши жиноятларни уч гуруҳга ажратилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин:

1. Одил судлов функциясини амалга ошириш маъсулияти юкланган шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлар.

2. Процессуал мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар

3. Одил судловни амалга ошириш мажбурияти фуқаролик бурчи бўлган ёки қонунан зиммасига юклатилган шахслар томонидан амалга оширилган жиноятлар.[1].

З. Х. Гулямов эса одил судловга қарши жиноятларни тўрт гуруҳга бўлиб тадқиқ этади:

1) Тергов ва суд ҳокимияти органлари обрўйи ва фаолиятига тажовуз қилувчи одил судловга қарши жиноятлар. Улар сирасига тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш (ЖК 236-моддаси), суд қарорини бажармаслик (ЖК 232-моддаси) моддалари киради;

2) Суриштирув олиб бораётган шахслар, терговчи, прокурор ёки судьялар томонидан содир этиладиган одил судловга қарши жиноятлар.

---

[1]Уголовное право Российской Федерации. Особенная часть: Учебник / Под ред. проф. Б.В.Здравомыслова. – Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Юристь, 1999. – С. 431-432.

Уларга қуйидагилар киради: айбсиз кишини жавобгарликка тортиш (ЖК 230-моддаси), адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш (ЖК 231-моддаси), қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш (ЖК 234-моддаси), қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш (ЖК 235-моддаси);

3) одил судловни амалга оширишга жалб этилган шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлар. Улар жумласига банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш (ЖК 233-моддаси), ёлғон хабар бериш (ЖК 237-моддаси), ёлғон гувоҳлик бериш (ЖК 238-моддаси), суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш (ЖК 239-моддаси) киради;

4) Бошқа шахслар томонидан содир этиладиган одил судловга қарши жиноятлар. Мазкур гуруҳ қуйидаги жиноятларни қамраб олади: жиноят ҳақида хабар бермаслик (ЖК 241-моддаси, 1-қисми), жиноятни яшириш (ЖК 241-моддаси, 2-қисми)[1].

Кенг тарқалган одил судловга қарши жиноятлардан бири бу гувоҳ ва жабрланувчиларнинг ёлғон гувоҳлик бериши бўлиб, улар учун жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238-моддасида белгиланган. Юқоридагиларга асосан таъкидлаш лозимки, ёлғон гувоҳлик бериш жиноятига қарши кураш муҳим аҳамиятга эга, чунки ушбу қилмиш нафақат одил судлов манфаатларига ва жиноятчиликка қарши курашга салбий таъсир кўрсатади, балки судлар ва одил судловга кўмаклашувчи бошқа органларнинг обрўйига ҳам путур етказади.

Ёлғон гувоҳлик бериш борган сари кенг тарқалиб бораётганлиги билан ҳам ижтимоий хавфлидир. У терговни мураккаблаштиради, ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилади, суриштирув ва тергов муддатларини чўзади, айбдорни жавобгарликдан қутулишига кўмаклашади, шунингдек, айбсиз кишини жавобгарликка тортилишига олиб келиши ҳам мумкин. Ёлғон

---

[1]Гулямов З.Х. Преступления против правосудия / / Под ред. и с предисловием д.ю.н., проф. У.Таджихонов. – Ташкент, 1997.-С.40-41.

гувоҳлик бериш жазодан қутулишга бўлган ишончини кучайтириб жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини бузади. Ёлғон гувоҳлик берувчилар суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг обрўйини туширади, фуқаролар кўз ўнгида қонунга ҳурматсизликни очиқ-ойдин намоён этади[1].

Ушбу жиноят жиноят ишини тўла, ҳар томонлама ва объектив тергов қилиниши ва одил судлов амалга оширилишига тўсқинлик қилибгина қолмай, қонуний ҳукм ёки фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича қонуний ҳал қилув қарори чиқарилишига ҳам тўсқинлик қилади[2].

Ушбу жиноятларнинг ижтимоий хавфи юқорилигига ҳамда жамиятда кенг тарқалиб бораётганлигига қарамай, ушбу жиноятларга қарши кураш етарлича фаол олиб борилмаяпти. Шу аснода юридик адабиётларда ҳам, ёлғон гувоҳлик беришнинг криминологик масалалари, ушбу жиноятлар учун жиноий жавобгарлик масалалари кўриб чиқилган махсус тадқиқотлар кам учрайди. Мазкур тадқиқот бу борада мавжуд бўшлиқни тўлдиришга қаратилган. Суд-тергов амалиётида ҳам ёлғон гувоҳлик берувчиларнинг шахси, ушбу жиноят латентлик даражаси, унинг олдини олиш чоралари механизмига оид маълумотлар етишмайди.

Ёлғон гувоҳлик бериш ижтимоий хавфли қилмиш сифатида ЖКда мустаҳкамланганлиги унинг жамият, аниқроғи, ҳокимиятлар тақсимланишининг мустақил бўғини, давлат ҳокимиятининг алоҳида тармоғи, фуқаролар ҳимоячиси бўлмиш – одил судлов институти манфаатларига жиддий зарар етказиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Ёлғон гувоҳлик беришнинг ижтимоий хавфлилиги шу билан белгиланадики, бу жиноят одил судлов обрўсига путур етказади, судлар объектив ҳақиқатнинг тагига етишига ва ишларни одилона ҳал қилишига монелик қилади. Ёлғон гувоҳлик бериш жиноятининг ижтимоий хавфлилиги ҳақида сўз борар экан, проф. М. Ҳ. Рустамбоев шундай ёзади: “Ёлғон

---

[1]Горелик А.С., Лобанова В.Л. Преступления против правосудия. СПб, 2005 –С 203

[2]Рустамбоев М.С. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. Т.: Ilm-ziyo, 2006. Б-667-668.

гувоҳлик бериш жиноятининг ижтимоий хавфлилиги шунда намоён бўладики, унинг содир этилиши дастлабки тергов ва суд органларини адашишига сабаб бўлади ҳамда ҳақиқий иш ҳолатларини аниқланиши учун ортиқча вақт ва сарф-харажатлар, шунингдек ортиқча куч сарфланишига олиб келади”[1].

Н. Говорков фикрича эса, ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги нафақат жиноят ишларини тергов қилиш (кўриб чиқиш)ни мураккаблаштиришида, балки ғайриқонуний ҳукм чиқаришга олиб келиши мумкинлигида ҳам намоён бўлади. Шу боис ҳам жамоат, ҳам шахс манфаатларига путур етади[2].

Ёлғон гувоҳлик бериш жиноятининг ижтимоий хавфлилиги яна шунда ҳам намоён бўладики, ушбу қилмиш натижасида нафақат, одил судловни амалга оширувчи (суд органлари) ҳамда унга кўмаклашувчи (суриштирув, тергов, прокуратура органлари) органлар фаолиятига путур етказилади, балки, бу қилмишни содир этишга мажбурлашда, гувоҳ, эксперт, таржимоннинг ёҳуд уларнинг яқин қариндошларининг соғилигига ҳам зарар етиши мумкин.

Ўтказилган тадқиқотлар ҳамда мавзуга оид жиноят ишларининг таҳлили этиш ёлғон гувоҳлик беришнинг қуйидаги зарарли оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги кўрсатди:

1) дастлабки тергов ва суддаишларни кўриш муддатларининг бузилиши (42%);

2) жиноят иши асоссиз қўзғатилиши, жиноий жавобгарликка асоссиз тортиш, қамоққа олиш ёки суд қилиш (17%);

3) айбсиз одамга жазо бериш ва жавобгарликни кучайтириш, адолатсиз, ҳаддан ташқари қаттиқ жазо тайинлаш (14%);

4) айбни асоссиз енгиллаштириш, ҳаддан ташқари енгил жазо тайинлаш (17%);

---

[1]Рустамбаев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Особенная часть / М.Х.Рустамбаев [Под общей ред. А.А. Палван-Заде] – Т.: ИПТД «O’qitucvchi», 2004. – С.758.

[2] Говорков. Н. Лжесвидетели /Н. Говорков.//Законность. -2005. - № 1. - С. 33 – 34.

5) айбдорни оқлаш (10%).

Ёлғон гувоҳлик бериш қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш, гувоҳлар ва жабрланувчиларни кўп маротаба сўроқ қилиш, ишни кўриб чиқиш муддатининг кечиктирилишига сабаб бўлади.

Юридик адабиётларда ёлғон гувоҳлик бериш дейилганда, нафақат гувоҳ ёҳуд жабрланувчи кўрсатувлари, балки экспертнинг нотўғри хулоса бериши ва таржимоннинг нотўғри таржима қилиши каби қилмишлар ҳам ушбу жиноят таркиби доирасида бўлиши ҳамда ЎзР ЖК 238-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилиши лозимлиги қайд этиб ўтилган[1].

Бошқа бир адабиётда эса, ёлғон гувоҳлик беришга асосан, қариндошлар, дўстлар ва айбланувчи, гумонланувчи, судланувчини жавобгарликдан озод бўлишидан манфаатдор бўлган бошқа тоифа шахсларнинг уриниши, деб таъриф берилган[2].

Ёлғон гувоҳлик масаласини тадқиқ қилишда гувоҳлик иммунитетига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Гувоҳлик иммунитети (лотинча *immunitas*-бирор нарсадан озод қилиш) – қонунда кўрсатилган шахсларни ўзига ва яқин қариндошларига нисбатан гувоҳлик бериш мажбуриятидар озод қилади. Мустақилликка эришганимиздан кейин МДҲга аъзо давлатлар орасида биринчи бўлиб, республикамиз Жиноят ва Жиноят процессуал кодексларида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки уларнинг яқин қариндошлари гувоҳлик бермаганликлари учун жавобгарликка тортилмасликларининг белгиланиши жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишда жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қоидага амал қилмаслик XX аср биринчи ярмидаги қатағонлар ҳамда ўтган асрнинг 80-йилларида “пахта иши” юзасидан қанчадан-қанча бегуноҳ кишиларнинг жавобгарликка тортилишига олиб келганлиги маълум.

---

[1] Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихоновнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Шарқ”, 2001. – 143-б.

[2] Дзаурова М. Лжесвидетельство - преступление против правосудия // Общенациональная газета Республики Ингушетия, № 140 (9661), 2005 год 15 ноября. С.2.

Ёлғон гувоҳлик алоҳида жиноят иши бўйича тергов ёки суд муҳокамаси жараёнида исботлаш аҳамиятига эга бўлган ҳар қандай фактик ҳолатларга тааллуқли бўлиши мумкин. Гувоҳ фуқаролик ёҳуд хўжалик ишлари бўйича ҳам ёлғон кўрсатув бериши мумкин[1].

Ушбу жиноятлар сонининг ошиб бораётганлиги юридик адабиётларда ҳам тан олинган. Масалан, Н. Говорков таъкидлаганидек, “Жиноят ишлари тергови ёки суд муҳокамаси жараёнида гувоҳ кўрсатувларининг ўзгартирилиши – ёлғон гувоҳлик бериш – кенг тарқалиб бормоқда”[2].

Ёлғон гувоҳлик бериш, одил судлов манфаатларига дахл этар экан, суд муҳокамасининг чўзилишига, қўшимча гувоҳлар чақирилишига, қайта экспертиза тайинланишига, жиноят ишининг қўшимча терговга қайтарилишига, айбдорнинг оқланишига, айбсиз шахснинг жазога ҳукм қилинишига ҳамда ишни бошқача тарзда нохолисона ҳал этилишига олиб келади. Бу каби ҳолатлар ушбу жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ифодалайди.

Олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, одатда ёлғон гувоҳлик берувчи шахслар ғайриижтимоий ҳаракатларга мойил бўлган, асабий, ташвишга ва хавотирга тушган, ўз бошидан руҳий зўриқишни кечираётган бўлади:

— ёлғон гувоҳлик беришнинг асосий детерминанти процесс иштирокчилари ўртасидаги қариндошлик ёки бошқа яқин муносабатлар, иш якунидан манфаатдорлик, манфаатдор шахс томонидан ўзига ёки қариндошларига куч ишлатилиши эҳтимолидан қўрқиш кабилар бўлади;

— ёлғон гувоҳлик бериш жиноятининг олдини олишда аҳоли ўртасида тарбиявий, ўқув характердаги умумий ижтимоий чораларни қўллаш, гувоҳлик мажбуриятини холисона бажарганлик учун моддий ва

---

[1] Рустамбаев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Особенная часть / М.Х.Рустамбаев [Под общей ред. А.А. Палван-Заде] – Т.: ИПТД «O’qitucvchi», 2004. – С.760., Корбеев А., Кулешов Ю., Уголовно-правовая зашита независимости правосудия.//М. Уголовное право. 2005 № 5 –С 4

[2] Говорков. Н. Лжесвидетели //Законность//. -2005. - № 1. - С. 33 – 34.

маънавий рағбатлантириш каби тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга;

— тергов ва суд муҳокамасида гувоҳларни сўроқ қилиш мобайнида сўроқ қилишнинг самарали психологик услубларидан, шунингдек, замонавий техник воситалардан фойдаланиш ҳам фойдадан холи бўлмайди;

— гувоҳ ва жабрланувчиларни ҳимоя қилиш давлат тизимини яратиш зарур. Бу гувоҳларнинг кўрсатув беришида манфаатдор шахслар томонидан тазйиқ ўтказилишининг олдини олиш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ёлғон гувоҳлик беришнинг умумий тавсифи ҳақида фикр юритар эканмиз, таъкидлаб ўтишимиз жоизки, ушбу жиноят бир қатор хусусиятлари билан характерланади, яъни ушбу қилмиш:

— одил судловнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилади;
— жиноий ҳаракат шаклида содир этилиши мумкин;
— қасддан содир этилади;
— моддий, маънавий ёки жисмоний зарар етказади;
— формал таркибли жиноят ҳисобланади;
— қонунийлик, одиллик ҳамда айб учун жавобгарлик принциплари қўпол тарзда бузилади;
— ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, айниқса суд органлари обрўйининг пасайишига сабаб бўлади.

Ёлғон кўрсатув бериш – бу ёлғоннинг кўринишларидан бири бўлиб, махсус субъект (гувоҳ, жабрланувчи) томонидан иш ҳолатларини аниқлаш жараёнида ҳамда қонунда белгиланган процессуал тартибда қайд этиш мобайнида амалга оширилади. Шу сабабдан ҳам ёлғон кўрсатувлар руҳий хусусияти ёлғоннинг хусусиятидан келиб чиқади[1].

Ёлғон кўрсатувлар мазмунини ёлғон ташкил этади. Ёлғон дейилганда, субъектнинг онгидаги объектив ҳақиқатга зид бўлган тушунчани

[1]Бобранов И. Проблемы квалификации принуждения к даче показаний (ст. 302 УК РФ) // Уголовное право. 2005 № 2. –С 8-10

тасдиқлаши, ёҳуд фикр билдириши, яъни онгли равишда хато маълумот бериш тушунилади[1]. Бироқ ҳар қандай ёлғон ҳам ёлғон гувоҳлик бериш жинояти таркибини ҳосил қилмайди. Фақатгина алоҳида иш бўйича аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар юзасидан суд-тергов органларига айтилган ёлғон, яъни исботланиши лозим бўлган ҳолатларга ҳамда қонунда далил сифатида фойдаланиш таъқиқланмаган фактларга тааллуқли бўлган ёлғонгина ушбу жиноят таркибини ҳосил қилади**.**

Ёлғон –ҳақиқатга зид, нотўғри, ҳақиқатни қасддан бузиб кўрсатиш; одатда, дарҳол текшириш мумкин бўлмаган ёки мушкул бўлган оғзаки маълумотлар беришда ифодаланади; ёлғон маълумот хабар беришда индивид, уларнинг нобарқарорлигини англайди ва гиперкомпенсацияга мурожаат қилади[2].

Ёлғон инсон ҳаётининг ажралмас қисмидан бири, турли вазиятларда намоён бўлиб, турлича талқин қилинади. Ёлғон худбинона мотивлар асосида ишлатилиши, бошқа шахслар ҳисобига бойлик орттириш каби ғаразли мақсадларни кўзлаши мумкин. Шунингдек, ёлғон олийжаноб мақсадларда ҳам ишлатилиши мумкин (масалан, шифокорнинг оғир касалга ёлғон сўзлаши), бунда у жамоатчилик томонидан оқланади, айтиш жоизки, инсон ҳаётини ёлғонсиз тасаввур этиш мумкин эмас, сабаби инсон баъзан шундай вазиятга тушадики, бундай ҳолатда ҳақиқатни ошкор этиш мутлақо мантиққа зид бўлади. Руҳий соғлом, ақли расо, эс-ҳуши жойида инсоннинг ёлғон сўзлаши, одатда, реал мотивлар билан белгиланади ҳамда аниқ мақсадларга эришишга йўналтирилган бўлади. Шу сабабдан ҳам доимо ҳақиқатни айтишнинг иложи бўлмайди. Мутлақо ҳақиқатгўй инсонлар йўқ экан, демак ёлғончи ва ҳақиқатгўй инсонлар орасидаги фарқ ҳам шартли хусусият касб этади. Ёлғон баъзан айбсиз шахснинг ҳимоя реакцияси ҳам бўлиши мумкин. Ноҳақ айбланишдан ва жазоланишдан хавотирга тушиб, гумонланувчи баъзан, ҳақиқатда бўлган фактларни рад этиб, ёлғон сўзлаши ҳамда ушбу

---

[1] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.1. М. Русскый язык. 1981. –С. 256

[2] Еникеев М.И., Кочетков О.Л. Общая, социальная и юридическая психология. Краткий энциклопедический словарь.-М.: Юрид. лит., 1997.-С. 101.

ёлғондан хато гумонлардан ҳимояланиш воситаси сифатида фойдаланиши мумкин.

Ёлғондан фарқли равишда жим туриш – бу ярим чин бўлиб, ишончли фактлардан хато хулоса чиқарилишига сабаб бўлади: шахс, баъзи ҳақиқий маълумотлар ҳақида ахборот бериб, қасддан бошқа муҳим бўлган фактларни айтмайди. Жим туриш ёлғон гувоҳлик бериш сифатида баҳоланиши мумкин эмас. Қонуний ва адолатли ҳукм чиқарилишига таъсир қилиши мумкин бўлган, суриштирув, тергов ва суд муҳокамаси жараёнида берилган ёлғон кўрсатувларгина жиноий деб топилиши мумкин[1].

---

[1]Новиков С.А. Наказание за лжиседетельство: дискуссионные вопросы // Российский следователь № 5 2006. -С 10-12

# II БОБ. ЁЛҒОН ГУВОҲЛИКНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ.

## 2.1. Ёлғон гувоҳликнинг объекти.

Одил судловнинг манфаатлари ёлғон гувоҳлик беришнинг махсус объекти ҳисобланади. Маълумки одил судлов деганда фақат суднинг конституциявий, фуқаролик, маъмурий ва жиноят ишларини юритиш бўйича фаолияти тушунилади. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXII боби “Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти”дан, Ўзбекистон Республикаси”Судлар тўғрисида”ги 1993 йил 2 сентябрь Қонуни ва 2000 йил 14 декабрдаги янги таҳрирдаги Қонундан келиб чиқади. Чунончи, мазкур Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат судлар томонидан амалга оширилади.

Аммо одил судловга қарши жиноятлар махсус объектининг мазмуни юқорида берилган одил судлов тушунчасидан анча кенгдир. Қонун чиқарувчи бу ерда мазкур жиноят махсус объектига нафақат суд фаолиятини, балки тергов, суриштирув, прокуратура органлари, суд ҳукми ва қарорларини ижро этувчи органлар фаолиятини ҳам киритган[1].

Суднинг ҳамда одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи органларнинг асосий мақсадлари (вазифалари) “Ўзбекистон Республикасининг судлар тўғрисида”ги Қонунида белгилаб қўйилган. Унга мувофиқ, одил судлов ижтимоий тузумни, унинг сиёсий ва иқтисодий тизимларини, фуқароларнинг сиёсий, меҳнат, турар жой ва бошқа шахсий ва мулкий ҳуқуқларини, давлат корхоналари, муассасалари ва жамоат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланувчи манфаатларини қўриқлаши шарт. Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида фаолият олиб борувчи барча органларнинг умумий вазифалари Ўзбекистон Республикаси

[1] Коробеев А., Кулешов Ю. Уголовно-правовая защита независимости правосудия // Уголовное право. № 5 (ноябрь-декабрь) 2005 С 4-7.; Гулямов З.Х. Общая характеристика преступлении против правосудия в Республики Узбекистан. // Ж. Российская права. -2002. -№4. –С. 122-130.; Брусницын Л. Посткриминальное воздействие-угроза правосудию XXI века // Государство и право. -2001. № 11. –С. 82-89.; Брусницын Л. Как обезопасить лиц, содействующих уголовному правосудию // Российская юстиция 1996 № 9 С 47-50.; Кузьмина С.С. Лжесвидетельство: уголовно-правовые и уголовно-процессульные проблемы.- СПб., Ин-т усовер. прокурор. и след. работников. 1995.-64 с.

ЖПК 2-моддасида белгиланган. Бу вазифалар жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри тадбиқ этилишини таъминлашдан иборат.

Шундай қилиб, прокуратура, тергов, суриштирув органлари ҳамда давлатнинг мажбурлов чораларини ижро этувчи органлар ўз фаолияти билан одил судловнинг мақсадларига эришишга, суднинг одил судловни муваффақиятли амалга оширишига кўмаклашадилар. Шу боис қонун чиқарувчи мазкур органларнинг одил судловга кўмаклашиши билан боғлиқ фаолиятига тажовуз этувчи жиноятларни одил судловга қарши жиноятлар қаторига киритгандир.

Айни вақтда шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, юқорида зикр этилган органларнинг ҳар қандай фаолияти ҳам одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш ҳисобланавермайди. Чунончи, ички ишлар органларининг фаолияти: 1) маъмурий; 2) одил судловни таъминлаш фаолиятидан таркиб топади[1]. Жамоат тартибини сақлаш, паспорт-виза режимини таъминлаш биринчи фаолият турига, милиция органлари томонидан амалга ошириладиган суриштирув ва тезкор-қидирув фаолияти иккинчи фаолият турига мисол бўлади. Шу боис ички ишлар органларининг маъмурий фаолиятига қилинган жиноий тажовузларнинг объекти бошқа ҳисобланади.

Биз тадқиқ этаётган жиноятнинг махсус объекти - одил судлов манфаатлари, суд ва бошқа органларнинг ижтимоий муносабатларни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган фаолияти, деб таърифлаш мумкин. Бу фаолият жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал ва жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари билан қатъий белгиланган ва тартибга солинган. Юқорида зикр этилган махсус объект бир-бирига ўхшаш, лекин бир хил бўлмаган ижтимоий муносабатлар гуруҳини

---

[1]Горелик А.С., Лобанова В.Л. Преступления против правосудия. СПб, 2005. –С.67.

бирлаштиради. Мазкур муносабатларнинг яқинлиги шунда намоён бўладики, турли органлар фаолиятини ягона умумий манфаат: бундай ҳуқуқбузарликларга қарши кураш ва уларнинг сабабларини бартараф қилиш, ижтимоий муносабатларни қўриқлаш, конституциявий вазифаларни бажаришга қаратилгандир.

Юқоридагилар одил судловнинг ҳам асосий, бош манфаатидир. Мазкур умумий манфаат негизида ҳар бир давлат органи учун алоҳида манфаатлар юзага келади ва шаклланади. Улар одил судлов вазифаларини бажарувчи органлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ва алоҳида жиҳатларини белгилаб беради[1].

Юқорида зикр этилган ҳолатлар била туриб ёлғон кўрсатув беришнинг бевосита объекти одил судловга қарши жиноятларнинг махсус объекти билан мос келмайди, деган хулоса чиқариш имконини беради. Адабиётларда кенг тарқалган ёлғон гувоҳлик беришнинг бевосита объектини махсус объект билан бир хил, деб қараш амалдаги ҳолатни акс эттирмайди, зеро, била туриб ёлғон кўрсатув бериш одил судлов манфаатларининг фақат бир қисмига дахл этади[2]. Шундай экан кўриб чиқилаётган махсус объектидан қайси манфаатларни ажратиш мумкин?

биринчидан, бу жиноят, фуқаролик ва бошқа ишларни қонуний, холисона ва одилона кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш билан боғлиқ манфаатлар (бу манфаатларга ЎзР ЖК 231-, 236-, 237-, 238- моддаларида назарда тутилган жиноятлар тажовуз этади);

иккинчидан, бу ЎзР ЖК 230-, 234-, 235-, 239- моддаларида назарда тутилган жиноятлар тажовуз этувчи манфаатлар;

учинчидан, бу ЎзР ЖК 241 - моддасида назарда тутилган жиноят бўлиб, уларни тез ва ўз вақтида топиш манфаатлари;

---

[1]Умархонов А.Ш. Одил судловга кўмаклашувчи шахслар хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий чоралари. Ўқув қўлланма. –Т.: ИИВ Академияси, 2005. - Б. 12.

[2]Айдаров Т. Ёлғон хабар бериш ва ёлғон гувоҳлик бериш // Ҳаёт ва қонун. № 1 2005. 58-60 б; Брусницын Л. Как обезопасить лиц, содействующих уголовному правосудию // Российская юстиция 1996 № 9 С 47-50; Лазовицкая Г.П. Правовые и криминологические аспекты борьбы с преступлениями, посягаюшими на участников правосудия // Российский следователь № 3 2006. С 30-33; Новиков С.А. Наказание за лжиседетельство: дискуссионные вопросы // Российский следователь № 5 2006. -С 10-12.

тўртинчидан, бу ЎзР ЖК 240-моддасида жавобгарлик белгиланган қилмиш учун давлатнинг мажбурлов чораларини амалга ошириш манфаатларини фарқлаш мумкин.

Бинобарин, таҳлил қилинаётган модда (ЖК 238-м)диспозициясидан суд ишларни тўғри кўриб чиқиш ва ҳал қилиш манфаатлари ҳамда жиноят ишларини қонуний ва объектив тергов қилиш манфаатлари ёлғон гувоҳлик беришнинг бевосита объектидир деган хулоса келиб чиқади. Кўриб турганимиздек, одил судлов манфаатларининг бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган икки гуруҳи мазкур жиноятнинг объекти ҳисобланади. Била туриб ёлғон кўрсатув бериш махсус объект таркибига кирувчи бошқа манфаатларга тажовуз қилмайди.

Ёлғон гувоҳлик беришнинг бевосита объекти ижтимоий муносабатларнинг алоҳида таркибий қисми эмас, балки ижтимоий муносабатлар гуруҳи ҳисобланади, шу боис мазкур жиноят туфайли етказиладиган зарарга қараб ҳар доим бевосита объект аниқланади. Шу сабабли ёлғон гувоҳлик беришнинг объекти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ишончли далилларнинг келиб тушиши[1] деган фикрга қўшила олмаймиз, чунки бу шарт била туриб ёлғон гувоҳлик бериш объектининг аломатларидан биридир. Бундай таърифда ёлғон гувоҳлик бериш туфайли етказилган зарар бевосита объект доирасидан ташқарида ётади. Бундан ташқари, нотўғри таржима қилишда юқорида айтилган ишончли далилларнинг келиб тушиши зарурлиги каби шарт бузилмайди.

Ёлғон гувоҳлик беришда суднинг одил судловни амалга оширишдек манфаатларига тажовуз қилиниб, суд мажлисининг чўзилишига олиб келиши, қўшимча гувоҳларнинг чақирилиши, экспертизалар тайинланиши, жиноят ишини қўшимча терговга қайтарилиши, айбдорнинг оқланиши, айбсиз шахснинг жазога ҳукм этилиши ва ишнинг бошқача тарзда нотўғри ҳал қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

---

[1]Власов И.С., Тяжкова И.М. Ответственность за преступления против правосудия. М.: Юридическая литература. 1968. С.47.

Тергов жараёнида била туриб ёлғон кўрсатув бериш ҳам тергов ёки суриштирув органларининг жиноят ишларини қонуний ва объектив тергов қилишдек манфаатларига тажовуз қилади. Тергов органларининг асосий мақсади жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш, иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив ўрганиш учун қонунда назарда тутилган барча чора-тадбирларни кўриш, айбланувчини фош этувчи далилларни аниқлашдан иборатдир. Ёлғон гувоҳлик бериш мана шу манфаатларга жиддий зиён етказиши; жиноятчига нисбатан қўзғатилган жиноят ишининг асоссиз тугатилиши; айбсиз шахснинг ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилишига, унинг қамоққа олинишига ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин.

Ёлғон гувоҳлик бериш – бир объектли жиноят[1], лекин аксарият ҳолларда мазкур жиноят ёлғон гувоҳлик беришнинг факультатив объектлари[2] сифатида амал қилиши мумкин бўлган бошқа муҳим ижтимоий муносабатларга зиён етказади ёки зиён етказиш хавфини келтириб чиқаради. Шахснинг турли манфаатлари била туриб ёлғон кўрсатув беришнинг энг кўп учрайдиган факультатив объектндир. Чунончи ёлғон кўрсатув, айблов хусусиятига эга бўлган хулосалар ҳар доим шахснинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига (кўпинча шахс эркинлиги) зиён етказишга қаратилган бўлади. Худди шунингдек, айбсиз одамни жиноят содир этганликда ёлғон айблаш унинг шаъни ва қадр-қимматини қаттиқ таҳқирлайди ва унга жуда катта маънавий зарар етказади. Ўта оғир ва оғир жиноят содир этишда айблаш билан боғлиқ ёлғон гувоҳлик бериш шахс манфаатларига жуда катта зарар етказиши мумкин. Юридик адабиётларда “Ушбу жиноятнинг объекти одил судловни амалга оширувчи прокуратура,

---

[1]Айрим олимлар бу қилмишни икки объектли жиноят деб ҳисоблайди. Иккинчи объект сифатида шахснинг манфаатлари кўрсатилади. Комментарий к УК РФ Особенная часть. Под общей ред. Ю.И.Скуратова и В.М.Лебедева. - М., Инфра-М-Норма. 1996. С. 378; ; Кульберг Я.М. Преступления против правосудия. М.,1962. С.43; Ахмедов Ш.Г. Уголовная ответственность за заведомо ложное показание // Уголовно-правовые меры борьбы с преступностью. –Ташкент., Фан. 1987 С.154-157.

[2] **Қаранг:** Воробьев И.А. Защита свидетелей как одно из ключевых условий борьбы с организованной преступностью // Журнал Российского права. 1999 №2 С 134-138; Гулямов З.Х. Общая характеристика преступлении против правосудия в Республики Узбекистан. // Ж. Российская права. -2002. -№4. –С. 122-130.

.

суриштирув ва дастлабки тергов идораларининг фаолияти ҳисобланади. Шу билан бирга, жиноят қонунчилиги билан қўриқланадиган яна бир объекти – бу ёлғон гувоҳлик беришга мажбурлашда гувоҳнинг, жабрланувчининг, экспертнинг, таржимоннинг ёки уларнинг яқин қариндошларининг соғлиғи ҳамдир"[1], деган фикрлар ҳам учрайди.

Б.В. Здравомысловнинг фикрига кўра "Ёлғон гувоҳлик бериш жиноятининг объекти суд-тергов органларининг нормал фаолияти, қўшимча объекти эса – суд процесси иштирокчиларининг манфаатларидир"[2].

М.Х. Рустамбоев эса "Ёлғон гувоҳлик беришнинг объекти суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органларининг суд ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича нормал фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар, шунингдек фуқаро, ташкилот ва муассасаларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларидир"[3], деб таъкидлайди.

Ёлғон гувоҳлик бериш фуқароларга моддий зарар етказиш, давлат ва жамоат ташкилотларининг мулкий манфаатларига тажовуз қилиш (масалан моддий зиённи қоплашдан асоссиз бош тортиш) билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Бундан ташқари ҳатто, оқлов хусусиятга эга бўлган ёлғон гувоҳликр ҳам жиноятдан жабр кўрган шахсга маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин.

Шундай қилиб, ёлғон гувоҳлик беришнинг асосий объекти ҳар доим биттадир, айни вақтда, факультатив объектлар сифатида ҳар доим муайян ҳолатда турли-туман ижтимоий муносабатлар амал қилиши мумкин.

Одил судловга етказилган зарар даражаси муайян шахснинг берган кўрсатувлари аҳамиятига боғлиқ бўлади. Жабрланувчи ва гувоҳларнинг ёлғон кўрсатувлари одил судловга, айниқса, катта зарар етказади. Далиллар етарли бўлмаган жиноят ишларида ёлғон гувоҳлик беришнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ортади.

---

[1] Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихоновнинг умумий таҳририда. – Т.: "Шарк", 2001. –143 б.

[2]Уголовное право Российской Федерации. Особенная часть: Учебник / Под ред. проф. Б.В.Здравомыслова. – Изд. 2-е, перераб. и доп. – М.: Юристь, 1999. – С. 457.

[3]Рустамбаев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Особенная часть / М.Х.Рустамбаев [Под общей ред. А.А. Палван-Заде] – Т.: ИПТД «O’qitucvchi», 2004. – 758-б.

Тадқиқот жараёнида фаол ёлғон гувоҳлик бериш (бировни айблаб ёлғон кўрсатув бериш) пассив ёлғон гувоҳлик бериш (ишнинг бирор бир ҳолати тўғрисида тўлиқ маълумот бермаслик)га қараганда оғирроқ оқибатларга олиб келиши аниқланди. Фаол ёлғон билан боғлиқ ҳолатларнинг 50% дан ортиғи судлар ёки дастлабки тергов органлари томонидан янглиш қарор чиқарилишига сабаб бўлган. Пассив ёлғон эса аксарият ҳолларда суд иш юритуви ва ҳақиқатни аниқлашда муайян қийинчиликлар туғдиради, лекин янглиш қарорлар қабул қилинишига олиб келмайди[1]. Шу боис жазога ҳукм этилганлар орасида фаол ёлғон гувоҳлик берганлар кўпчиликни ташкил этади.

А. Ратинов ва Ю. Адамов ўтказган тадқиқотларда ёлғон гувоҳлик беришнинг қўшимча зарарли оқибатлари аниқланган, яъни сўроқ қилинаётганлардан бирининг ёлғон гувоҳлик бериши қоида тариқасида, айбланувчилар, шунингдек бошқа гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг ўз кўрсатувларини ўзгартиришига сабаб бўлган. Ўрганилган ишлар бўйича бундай ҳолатлар айбланувчиларнинг 56%да, гувоҳларнинг 31%да ва жабрланувчиларнинг 11%да қайд этилди. Бундай ҳолат, айниқса, маиший жиноятлар, мансабдорлик жиноятлари, ўғирлик ва безорилик учун хосдир[2].

Юқоридаги фикрларни ўрганиб, ўз нуқтаи назаримизни баён этар эканмиз, бизнингча, ёлғон гувоҳлик беришнинг объектини белгилашда бевосита ЎзР ЖК 238-моддаси диспозициясидан келиб чиқиш лозим, ушбу модданинг 1-қисми бўйича объект бу – одил судлов (суд) ва уни амалга оширишга кўмаклашувчи (прокуратура, дастлабки тергов ва суриштирув) органларнинг нормал фаолияти бўлса, 2-қисми бўйича объект бу – жабрланувчи, гувоҳ, эксперт, таржимон, шунингдек уларнинг яқин қариндошлари (ЖК 8-бўлимига мувофиқ: қариндошлар ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, неваралар, шунингдек эр-

[1]Лазовицкая Г.П. Правовые и криминологические аспекты борьбы с преступлениями, посягающими на участников правосудия // Российский следователь № 3 2006. С 30-33.
[2]Ратинов А., Адамов Ю. Лжесвидетельство. М., 1976. С.49.

хотиннинг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари)нинг соғлиғи ҳисобланади. Ушбу жиноятнинг асосий объекти одил судлов органларининг нормал фаолияти, уларнинг манфаати бўлса, мазкур жиноятдан жабрланганларнинг манфаати эса факультатив объект бўлади.

## 2.2. Ёлғон гувоҳликнинг объектив томони

Ёлғон гувоҳлик бериш "формал" таркибли жиноятлар сирасига киради, яъни уларни квалификация қилишда зарарли оқибатларнинг рўй берганлиги талаб қилинмайди. "Формал таркибли жиноятларда келиб чиққан зарарли оқибат жиноят таркиби доирасига жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида киритилмаган ва Махсус қисм моддаси диспозициясида кўрсатилмаган бўлади"[1].

Юридик адабиётларда ҳам ёлғон гувоҳлик бериш формал таркибли жиноят бўлиб, ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этилгандан бошлаб оқибат юзага келган ёки келмаганлигидан қатъий назар тугалланган ҳисобланадиган жиноятлар гуруҳига кириши[2] таъкидланган.

У ёки бу жиноят таркибининг "формал" шакли жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражасига баҳо беришга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Шу боис А.Ратинов ва Ю.Адамовнинг ёлғон гувоҳлик бериш ижтимоий хавфлилик даражасининг юқорилиги қонунда эътироф этилиши яна шу билан изоҳланадики, жавобгарлик юзага келиши учун қонун айбдорларнинг ҳаракати билан одил судлов манфаатларига ҳамда шахснинг қонун билан қўриқланувчи ҳуқуқлари ва манфаатларига амалда зиён етишини тақозо этмайди[3], деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Қонун чиқарувчи бунда етказилган зарар оқибатларининг хусусиятидан, уларни ўлчаш ва аниқ баҳолаш имкониятидан келиб чиқади. Н.Ф.Кузнецова таъбири билан айтганда, оқибатсиз жиноятлар бўлмайди[4]. Бу демак, ҳар қандай жиноят

[1]Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дасрлик. Т.: "Янги аср авлоди", 2005 й., 146-бет.
[2]Новиков С.А. Наказание за лжиседетельство: дискуссионные вопросы // Российский следователь № 5 2006. -С 10-12; Умархонов А. Ёлғон кўрсатма бериш // Ҳаёт ва қонун. № 3 2004. 23-24 б.
[3]Ратинов А., Адамов Ю. Лжесвидетельство. М., 1976. 52-бет.
[4]Кузнецова Н.Ф. Значение преступных последствий. М., 1958. С.15.

қонун билан муҳофаза этиладиган объектларга муайян зарар етказади ёки зарар етказиш хавфи остида қолдиради.

Юридик адабиётларда ушбу жиноятларнинг ҳаракатсизлик билан ҳам содир этилиши ҳақидаги қарашлар мавжуд. И.С. Ной, А.Т. Гужин бу турдаги жиноятларнинг ҳаракатсизлик орқали амалга оширилиши мумкинлигини айтиб ўтганлар.[1] Бошқа бир гуруҳ олимлар эса бу жиноятларни ҳаракатсизлик орқали содир этиш мумкин эмас[2], деб ҳисоблайдилар. Биз ҳам, ёлғон гувоҳлик бериш ҳаракатсизлик билан содир этилиши мумкин эмас деган фикрга қўшиламиз, чунки ҳаракатсизлик билан ёлғон гувоҳлик бериш мумкин эмас, субъектнинг ўзи бераётган маълумотлари ёлғонлигини англаши ва уни тақдим қилиши ушбу жиноятни фақат ҳаракат билан содир этилишини билдиради.

Ёлғон гувоҳлик бериш-фаол ҳаракатлар натижаси бўлиб гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, таржимоннинг суриштирув, дастлабки тергов, суд жараёнида била туриб ёлғон гувоҳлик, хулоса беришларида, иш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни нотўғри таржима қилишлари ва сўроқ баённомасига, эксперт хулосасига имзо қўйишларида ифодаланади[3].

ЎзР ЖК 238-моддасининг биринчи қисми диспозициясида тўртта жиноят турининг аломатлари тавсифланади:

1) гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатув бериши;

2) жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши;

3) экспертнинг била туриб нотўғри хулоса бериши;

4) бир тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима қилиш.

Бундай тасниф М.Х. Рустамбаев[4] томонидан ҳам кўрсатиб ўтилган. Юқорида зикр этилган жиноят таркибларининг ҳар бири ўзига хос

[1] Ной И.С. Борьба с клеветой по советскому уголовному праву// Учен. ЗапискиПермского университета. Т.8. Вып.2.-Пермь. 1952;Гужин А.Т. Уголовно-правовая борьба с посягательствами на социалистическое правосудие: Автореф дисс. канд. юрид.наук.-Ростов-на-Дону. 1958.-С.6.

[2] Рашковская Ш.С. Преступления против правосудия. М., 1978 С-56

[3] Гулямов З.Х. Преступления против правосудия. Т. 1997 С-168

[4]Рустамбаев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Особенная часть / [Под общей ред. А.А. Палван-Заде] – Т.: ИПТД «O’qituvchi», 2004. – 759-б.

аломатларга эга. Бу аломатлар уларнинг объектив томони ва субъектларини бир-биридан фарқлашга хизмат қилади.

Қуйида ЎзР ЖК 238-моддаси биринчи қисмида тавсифланган ҳар бир жиноятнинг объектив томонини кўриб чиқамиз. Улардан асосийси ва энг кўп содир этиладигани жиноят процессида гувоҳ ёки жабрланувчиларнинг била туриб ёлғон кўрсатув беришидир.

ЎзР ЖПК 65-моддасига биноан, жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида кўрсатув бериш учун чақирилиши мумкин. Ёлғон кўрсатувнинг, ёлғон хулосанинг ҳам мазмунини ёлғон ташкил этади. Ёлғон деганда, субъектнинг онгида тўғри акс этган объектив воқеликка зид фикрни онгли равишда билдириши, яъни муайян шахсга онгли равишда ёлғон ахборот бериш тушунилади. Лекин била туриб ёлғон кўрсатув бериш таркибини ҳар қандай ёлғон эмас, балки муайян иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар бўйича суд-тергов органларига маълум қилинган, яъни исботланиши лозим бўлган фактларга оид бўлган ёлғон ташкил этади.Жиноят ишлари бўйича исботлаш предмети ЎзР ЖПК 82-моддасида ва бошқа бир қанча моддаларида белгиланган.

Жиноят процессуал қонунига мувофиқ, исботлаш предметига қуйидаги ҳолатларни киритиш мумкин: 1) жиноятнинг объекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчи шахсини тавсифловчи ҳолатлар; 2) содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек ЖКда кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлар орасидаги сабабий боғланиш; 3) жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги; 4) жиноятнинг тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаб ва мақсадлари; 5) айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар (ЎзР ЖПК 82-моддаси).

Гувоҳ фуқаролик процессида ҳам исботлаш предметига кирувчи ҳар қандай ҳолатлар юзасидан сўроқ қилиниши мумкин (ЎзР ФПК 36, 69, 71 ва

72-моддалари). Бинобарин, муайян жиноят ёки фуқаролик иши бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳар қандай ҳолатлар юзасидан ёлғон маълумот бериш ёлғон гувоҳлик бериш деб, квалификация қилиниши лозим. Муайян жиноят таркибининг аломатлари, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори, айбдорнинг шахсини тавсифловчи маълумотлар, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, айбланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар ва ҳ.к. жиноят иши бўйича мана шундай ҳолатлар бўлиши мумкин. Масалан, ЎзР ЖК 238-моддаси 1-қисми бўйича айбланувчи П. тергов ва судда ЖКнинг 97- ва 164-моддалари билан айбланган Б.нинг жиноят содир этилган кун унинг уйида бўлганлиги ҳақида ёлғон кўрсатув берди. Бу маълумот Б.га нисбатан “алиби” яратар эди. Шу боис П.асосли равишда била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик белгиланган модда билан жиноий жавобгарликка тўғри тортилган[1].

Ўз шахси ҳақида ёлғон маълумот бериш, агар бу маълумотлар гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилишдан аввал аниқланган бўлса, ёлғон гувоҳлик бериш ҳисобланмайди. Анкета маълумотлари деб аталувчи бу маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи ва ҳ.к.) кўрсатув ҳисобланмайди ва уларнинг аксарияти ҳужжат билан тасдиқланиши лозим. Агар юқорида зикр этилган маълумотлар муайян иш бўйича аҳамиятли бўлса, улар гувоҳ кўрсатувларининг предмети бўлиши мумкин.

Гувоҳ ва жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув беришининг объектив томони чегарасини тўғри белгилаш учун далилнинг мақбуллигига тегишли айрим талаблар эътиборга олиниши зарур. Процессуал қонунда белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда, шу жумладан қонунда назарда тутилган манбалардан олинган далилларгина мақбул далиллар, деб эътироф этилади[2].

---

[1]Тошкент вилояти Ангрен шахар жиноят ишлари бўйича судининг жорий архиви. 2006 й № 1-605 сонли жиноят иши

[2]Иномжонов Ш.Х. Жиноят процессида далилларни тақдим қилиш ва улардан фойдаланиш муаммолари. (Монография 2-нашр). –Т.: ТДЮИ, 2006. –Б 23-24.; Комментарий к УПК РСФСР / под ред. В.Т.Томина. М.: Вердикт, 1996. С.128.

Манбаси номаълум бўлган далил номақбул далил ҳисобланади. “Далилларнинг мақбуллиги қуйидагиларни назарда тутади: маълумотларнинг келиб чиқишини билиш ҳамда уларни текшириш имконияти, ушбу маълумотлар тўғрисида хабар бераётган шахс томонидан уларни қабул қилиш имконияти, исбот қилишнинг ҳам умумий қоидаларига, ҳам муайян турдаги ахборотни тўплаш ва қайд этиш қоидаларига риоя этиш (ЖПКнинг 17, 18, 20, 22, 87-92, 110, 111, 198-202, 208-м. ва ҳоказо), процесснинг муайян босқичини тартибга соладиган ҳамда жиноят ишини юритаётган шахснинг ваколатларини белгилайдиган қоидаларига риоя этиш. Қонунда белгиланмаган манбалардан олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди (ЖПКнинг 81-м. 2-қ.)”[1].

Далилларнинг мақбуллиги билан боғлиқ бошқа қоидаларнинг чунончи: баённома тузиш, уни таништириш ва имзолатиш, гувоҳ ёки жабрланувчини чақириш қоидаларини бузиш, сўроқ олиб боришда нотўғри усулларни қўллаш ва ҳ.к.да ёлғон гувоҳлик бериш таркиби мавжуд, чунки бундай қоидабузарликлар иш бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар юзасидан берилган ёлғон кўрсатувларнинг ижтимоий хавфлилигини бартараф этмайди ва олинган маълумотларнинг далиллик аҳамиятининг йўқотилишига доим ҳам олиб келавермайди.

Айрим муаллифлар гувоҳ ёки жабрланувчининг ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмаганлиги ёлғон гувоҳлик бериш таркибини истисно этмайди, бу шунингдек мазкур модда бўйича экспертлар ва таржимонларни огоҳлантирилишига ҳам тааллуқли[2]дир деб, ҳисоблашади. Бизнингча, гувоҳ ва жабрланувчиларни ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги ёлғон гувоҳлик бериш учун жавобгарликка тортишнинг зарурий шарти ҳисобланади, шу сабабли ҳам биз С.С.Кузьмина ва Р.Д.Рахуновнинг ёлғон гувоҳлик берганлик учун жиноий жавобгарлик

---

[1] Жиноят процесси. Дарслик. (Муал. Ҳамкор.). Т., Янги аср авлоди. 2002. Б.121

[2] Фельдблюм В.С. Уголовная ответственность за заведомо ложное показание. Канд.дисс. М., 1972. С.48.

тўғрисида шахснинг огоҳлантирилганлиги била туриб ёлғон кўрсатув бериш таркибининг зарурий аломатидир[1], деган фикрига қўшиламиз.

ЎзР ЖК 238-моддасига кўра жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантириш, гарчи жиноят эмас, балки процессуал қонунда билан белгиланган бўлсада, кўрсатувларнинг аниқлигини таъминлаш, ёлғон кўрсатувлар берилишининг олдини олишга қаратилгандир. Шу боис жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириш била туриб ёлғон кўрсатув бериш таркибининг элементи ҳисобланади ва мазкур жиноят содир этилган ҳолатни тавсифлайди.

Ёлғон гувоҳлик бериш объектив томондан муайян вазият билан ҳам тавсифланади. Яъни жиноят ёки фуқаролик ишлари бўйича иш юритувини амалга ошириш ваколатига эга бўлган органларга берилган ёлғон маълумотларгина ёлғон гувоҳлик таркибини ҳосил қилади. Суд, дастлабки тергов ва суриштирув органлари мана шундай ваколатли органлар ҳисобланади. Мазкур органлар фақат қонунда белгиланган вақтда: дастлабки тергов ва суриштирув органлари жиноят иши қўзғатилган вақтдан бошлаб, суд – ишни кўриш вақтида сўроқ қилиш, тергов ва суд ҳаракатларини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари фуқаролик ишлари бўйича гувоҳлик кўрсатувлари суд томонидан иш судда кўрилгунга қадар суд топшириғи тартибида, шунингдек, суд ёки нотариал идоралар томонидан далилларни таъминлаш тартибида олиниши мумкин.

Бинобарин, бир қанча процессуал ҳаракатларни амалга оширишга ваколатли органлар орасида қонунда нотариат ҳам тилга олинган ва шу боис давлат нотариусига била туриб ёлғон кўрсатув бериш (ЎзР ЖК 238-моддасида бу орган тилга олинмаганлигига қарамай) ёлғон гувоҳлик бериш таркиби аломатлари билан қамраб олинади. Фикримизча, ЖК 238-моддаси диспозициясига нотариусни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

---

[1]Кузьмина С.С. Лжесвидетельство. Уголовно-правовые и уголовно-процессуальные проблемы. М., 1995. С.10-11; Рахунов Р.Д. Свидетельские показания в советском уголовном процессе. М.: Госюриздат, 1955. С.50.

Шундай қилиб, ижтимоий хавфли ҳаракат ҳамда муайян ҳолатнинг мавжудлиги объектив томоннинг ёлғон гувоҳлик бериш таркибини тавсифловчи зарурий элементларидир.

Ҳар қандай ҳаракат сингари, ёлғон гувоҳлик бериш ҳам маълум усулларда ифода этилади. Ёлғонни ростдан фарқлаш учун бу усулларни билиш муҳимдир. Лекин ёлғон гувоҳлик бериш усулларини кўриб чиқишдан олдин, бу жиноят ҳаракатсизлик билан содир этилиши мумкин эмаслигини яна бир бор қайд этиб ўтмоқчимиз. Шу боис айрим ҳуқуқшуносларнинг ёлғон гувоҳлик бериш гувоҳнинг ўзига маълум фактларни яширишида акс этиши мумкин[1], деган фикрига қўшила олмаймиз. И.С.Власов, И.М.Тяжкова, М.Х Хабибулинлар бу саволга жавоб беришдан ўзларини четга олади ва “ёлғон кўрсатув бериш ҳолларида биз аниқ ифода этилган жисмоний ҳаракатларга эмас, балки инсоннинг онгли фикрлаш жараёнига тўқнаш келамиз, шу боис ёлғон гувоҳлик беришнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали содир этилганлигини аниқлашнинг ҳожати йўқ”[2], дейдилар.

Фикримизча, мазкур жиноят содир этилиши шаклларини аниқлашдан воз кечиш совет жиноят ҳуқуқи фанида умумий қабул қилинган одамнинг фақат ижтимоий хавфли ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги жазога лойиқлиги тўғрисидаги қоидадан воз кечишни ва «фикрлаш жараёни»ни жиноий жазога лойиқ қилмиш, деб эътироф этишни англатади.

Тил воситасида (оғзаки ёки ёзма нутқ шаклларида) ифодаланувчи ёлғон кўрсатув бериш жисмоний ҳодиса, инсон иродасининг фаол кўринишидир[3].

Ташқи муҳитда ўз ифодасини топган ёлғонгина шу маънода қабул қилиниши мумкин. Ёлғон кўрсатувлар ташқи муҳитда уйдирма, ҳаққоний маълумотларни бузиб кўрсатиш ва инкор этиш тарзида ҳам ифодаланиши

---

[1]Кузьмина С.С. Лжесвидетельство. СПб., 1995. С.9; Порубов И.И. Тактика допроса на предварительном следствии. - М., Бек. 1998.-С. 98. Щерба С.Н., Зайцев О.А. Охрана прав потерпевших и свидетелей по уголовным делам. - М., Спарк. 1996.-С. 18-19.

[2]Власов И.С., Тяжкова И.М. Ответственность за преступления против правосудия. М., 1968. С.87; Хабибулин М.Х. Ответственность за заведомо ложное донос и заведомо ложное показание по советскому уголовному праву. Казань, 1975. С.32-33.

[3]Аберхаев Э.Р. Свидетельский иммунитет как гарантия право на неприкосновенность частной жизни. // Российский следователь. № 4. 2006. С 8-12.

мумкин. Бинобарин, маълум фактларни яшириш ёлғон гувоҳлик беришнинг мустақил шакли ҳисобланмайди, лекин ёлғоннинг шакли бўлиши мумкин.

М. Ҳ. Рустамбоев ҳақли равишда «Гувоҳ ёки жабрланувчи кўрсатувлари, агар улар суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси олиб борилаётган вақтда иш бўйича ҳақиқатни аниқлашда исботлаш аҳамиятига эга бўлган иш ҳолатини тўлиқ ёки бир қисмини қасддан бузиб кўрсатса, ёлғон деб ҳисобланиши лозим. Ўйлаб чиқарилган, бузиб кўрсатилган фактлар ҳақида хабар берадиган кўрсатувлар ёлғон ҳисобланади»[1], деб ёзади.

Ёлғонкўрсатувларнинг қуйидаги шаклларини қайд этиш мумкин: а) ҳаққоний маълумотни яшириш; б) ҳаққоний маълумотни инкор этиш; в) уйдирма маълумот бериш; г) ҳаққоний маълумотни яшириш ва уйдирма маълумот бериш; д) айрим ҳаққоний маълумотни яшириш ва бошқа ҳаққоний маълумотни инкор этиш; е) уйдирма маълумотларни тасдиқлаш[2]. Лекин бу мазкур жиноят ҳаракатсизлик билан содир этилиши мумкин, деган маънони англатмайди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб ёлғонни шартли равишда фаол ва пассивга ажратиш мумкин. Фаол ёлғон амалдаги ҳодисани қайта ишлаб, уни жиддий бузиб кўрсатувчи маълумотлар беришни назарда тутади, пассив ёлғон эса муайян маълумотларни яшириш, ҳаққоний маълумотларни инкор этишда намоён бўлади.

Маълумотларни яшириш деганда маълум ҳодиса тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ ёки қисман яшириш тушунилади. Маълумотларни қисман яшириш уйдирма маълумот бериш, ҳаққоний маълумотларни бузиб кўрсатиш ва инкор этиш орқали била туриб ёлғон кўрсатув бериш, хулоса бериш ёки нотўғри таржима қилишда учрайди. Умуман маълумот бермаслик орқали ёлғон гувоҳлик берилиши мумкин эмас, зеро ёлғон кўрсатув

---

[1]Рустамбаев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Особенная часть / М.Х.Рустамбаев [Под общей ред. А.А. Палван-Заде] – Т.: ИПТД «O'qitucvchi», 2004. – 759-б.
[2]Алламуратов А.Т. Свидетельские показания. // Ёш олимлар тўплами. –Т.: ТГЮИ, 2004. –С. 98-103; Новиков С.А. Наказание за лжиседетельство: дискуссионные вопросы // Российский следователь № 5 2006. -С 10-12

беришнинг моҳияти маълум ҳодиса ҳақида била туриб нотўғри хабар бериш, ёлғон ахборот беришдан иборатдир.

Амалда бўлмаган нарсалар ҳақида маълумот бериш, яъни уйдирма маълумот бериш ёлғон гувоҳлик беришнинг энг ошкора шаклидир. Бундай ёлғон гувоҳлик бериш усулига Б. томонидан берилган кўрсатувлар мисол бўлади. Чунончи, у учта милиция ходимлари уни рангли металл савдоси билан шуғулланишда айблаб, 500000 сўм пул талаб қилганликлари ҳақида прокуратурага арз қилади ва ушбу кўрсатувларини суриштирув ва дастлабки терговда ҳам қайтаради. Дастлабки тергов даврида ушбу маълумотлар ўз тасдиғини топмаганидан кейин Б. берган маълумотлари уйдирма эканлигини тан олади.[1]. Биз томонимиздан ўрганилган жиноят ишларининг 22 %да, гувоҳлар ва жабрланувчилар уйдирма шаклидаги ёлғон кўрсатувни берган.

Ёлғон кўрсатув бериш амалда мавжуд фактни тўлиқ ёки қисман бузиб кўрсатишдан иборат бўлиши ҳам мумкин. Бу ёлғоннинг энг кўп тарқалган ва яширин туридир. Амалда мавжуд фактларни бузиб кўрсатиш воситаси сифатида ёлғон ҳолатларни қўшиш, маълум ҳолатлар, жиҳатлар ва қилмишларни яшириш қўлланилади. Бу воситалар ҳодиса мазмунини ўзгартиради, мақбул жиҳатларини ошириб кўрсатади, ҳодисанинг нохуш томонларини камайтириб кўрсатади ёки йўққа чиқаради. Р. иши бўйича гувоҳ Х. берган ёлғон гувоҳлик мана шундай ёлғон кўрсатув беришга мисол бўлади. Мазкур гувоҳ суд мажлисида Р. от арава устида турган О.ни уриб, унинг бўйнидан тирсаги билан бўғиб пастга аравадан туширганида у Р.нинг тиззасига тушди деб кўрсатув берган. Аслида О. Р.нинг тиззасига эмас ерга йиқилиб оғир тан жароҳати олган эди, Х. Р.га айбини камайтириб кўрсатиш орқали ёрдам бераман деб ўйлаб, ушбу ҳолатга ёлғон маълумотни қўшган[2].

Бошқа бир ишда экспертлар М. ва У. берган нотўғри хулоса, амалда содир бўлган фактни камайтириб кўрсатишда намоён бўлган: улар

[1]Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Охангарон туман судининг жорий архиви. 2006 йил 43-сонли жиноят иши.

[2]Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг жорий архиви 2006 йил 21-266/118 сонли жиноят иши

автоҳалокат содир этиб вафот этган А.нинг қонидаги алкогол миқдори 0.8 промилле бўлганини кўрсатган эксперт хулосасини ўзгартириб, алкогол миқдорини 0,4 промилле деб тўғирлашган.[1].

Амалда бўлган ҳолатларни инкор этиш ёки шахснинг иш бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни билишини инкор этиш ёлғон гувоҳлик беришнинг яна бир усулидир. Бундай инкор этиш кўпинча дастлабки кўрсатувларни ёлғон кўрсатувларга ўзгартиришда намоён бўлади.

Айрим ҳуқуқшуносларнинг фикрича, шахснинг ҳеч нарса билмаслиги ҳақидаги кўрсатуви ёлғон кўрсатув ҳисобланмайди[2]. Лекин, фикримизча, бундай кўрсатувда ёлғон кўрсатув бериш билан ишнинг мавжуд ҳолатлари бузиб кўрсатилади. Бунда гувоҳ ёки жабрланувчининг ҳеч нарса билмаслиги ҳақидаги ёлғон кўрсатуви улар ўзларига маълумлигини инкор этаётган фактга эмас, балки сўроқ предметига таалуқлидир. Бинобарин бундай кўрсатувлар ёлғон кўрсатув, сўроқ қилинаётган шахснинг саволига берилган ёлғон жавоб ҳисобланади. Масалан, судда айбланувчи жабрланувчини қандай уриб-дўппослаганини кўрмаганлиги ҳақида ёлғон гувоҳлик берган шахс ЎзР ЖК 238-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилади. Биз ўрганган жиноят ишларида, гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг 14% инкор этиш шаклидаги ёлғон кўрсатув берган.

Била туриб ёлғон кўрсатув беришнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳар хил бўлиши мумкин. Бу бир қанча омилларга боғлиқ. Бунда ёлғон кўрсатувларнинг муайян жиноий натижага йўналтирилганлиги омили муҳим рол ўйнайди. Табиийки, жиноят процессида берилган ёлғон кўрсатув ва хулосалар айниқса хавфлидир, чунки улар ҳар хил жиноий натижаларга эришишга йўналтирилган бўлиши мумкин. Мазкур белгига қараб, жиноят процессида учрайдиган ёлғон кўрсатувларнинг қуйидаги гуруҳларини ажратиш мумкин: айбдорни оқловчи, содир этилган қилмишнинг таснифини

---

[1] Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Пскент туман судининг жорий архиви 2006 йил 92-сонли жиноят иши

[2]Власов И.С., Тяжкова И.М. Ответственность за преступления против правосудия. М., 1968. С. 100; Попов В.В. Некоторые формы появления правового нигилизма и пути его преодоления // Юрист.-2002. №1.- С.10-13.

енгиллаштирувчи ва айбдорга берилувчи жазони енгиллаштирувчи ёлғон кўрсатувлар; айбсиз шахсни жиноят содир этганликда айбловчи, шахсни амалдагидан оғирроқ жиноят содир этганликда айбловчи ёлғон кўрсатувлар; “аралаш”, яъни айбсиз одамни айбловчи ва айни вақтда, айбдор шахсини оқловчи ёлғон кўрсатувлар.

Айблов мазмунида била туриб ёлғон кўрсатув беришнинг ижтимоий хавфлилик даражаси анча каттадир. Бу жиноят ҳар доим иккита объектга: одил судловнинг ишларни тергов қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал қилиши билан боғлиқ манфаатларига ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахл этади. Жиноят содир этган шахслар фойдасига ёлғон кўрсатув бериш суд амалиётида айниқса, кенг тарқалган.

Суд амалиётида ёлғон гувоҳлик беришнинг “аралаш” тури ҳам учрайди: ёлғон гувоҳлик берувчи айбдорни оқлаш ниятида бу жиноятни содир этишда бошқа шахсни айблайди. Масалан, гувоҳ А. дастлабки тергов жараёнида жиноятни Б. эмас, Т. содир этганини кўрсатади. Айбланувчи Б.ни оқлаш учун Т.ни ноҳақ айблади[1].

Тергов ёки ишни судда кўриш жараёнида бировнинг айбини ўз бўйнига олиш ёлғон гувоҳлик беришнинг ўзига хос турларидан биридир. Бировнинг айбини ўз бўйнига олиш деганда, ўз устига ноҳақ айб олиш тушунилади. В.С.Фельдблюмнинг фикрича, бировнинг айбини ўз бўйнига олиш жиноий жазога лойиқ қилмиш деб, амалда содир этилмаган ёки бошқа шахслар томонидан содир этилган жиноятни  ўз устига олинган ҳолатлар эътироф этилиши лозим. Бундай бировнинг айбини ўз бўйнига олишда ёлғон гувоҳлик беришнинг барча аломатлари мавжуд, чунки бу ҳаракат одил судлов манфаатларига тажовуз этиши, суд, тергов ва суриштирув органлари фаолиятини нотўғри йўлга йўналтириши ва нафақат айбсиз одамнинг жазога ҳукм қилинишига, балки ҳақиқий жиноятчилар қонуний жавобгарликка тортилмай қолишига ҳам олиб келиши мумкин[2]. Бировнинг айбини ўз

[1]Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар жиноят ишлари бўйича судининг жорий архиви 2005 йил 55-сонли жиноят иши

[2]Фельдблюм В.С. Уголовная ответственность за заведомо ложное показание. М., 1972. С.51.

бўйнига олиш мавжудлигини суд амалиёти тасдиқлайди. Суд хатолари сабабларини олимлар томонидан ўрганиш “айбланувчилар”нинг ўз устига айбни олиши бундай хатоларнинг анча кенг тарқалганлигини кўрсатди[1].

В.С. Фельдблюмнинг фикрига А.Ратинов ва Ю.Адамов қарши чиқди. Улар, “Агар гувоҳ айбдорни жазодан озод қилиш учун айбланувчи (судланувчи)га қўйилган айбни ўз бўйнига олса, у ўз устига ноҳақ айб олгани, яъни айбига ёлғондан иқрор бўлгани учун эмас, балки айбдорнинг ҳаракатлари, жиноят содир бўлган вақтда бўлган жойи ва ҳ.к. юзасидан ёлғон кўрсатув берганлиги учун жавобгарликка тортилиши лозим»[2], дейдилар. Аммо бу муаллифларнинг фикрлари бир-бирига зид. Юқорида келтирилган фикрда улар бировнинг айбини ўз устига олган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мумкинлигини эътироф этадилар. Лекин сўзларининг давомида «бундай шахс ўз устига ноҳақдан айб олган пайтдан бошлаб, унинг мазкур кўрсатувлари текширилгунга қадар гумон қилинувчи мақомига эга бўлади»[3]деб қайд этадилар.

Лекин, улар янги ҳуқуқий муҳит  нуқтаи назаридан ҳақдирлар, зотан, гувоҳлик иммунитети, агар шахс ихтиёрий тарзда ўз устига ноҳақдан айб олган бўлса, у гувоҳ ҳисобланмаслигини англатади. Шунга қарамай, бировнинг айбини ўз бўйнига олиш, умуман олганда, жиноий қилмиш деб топилмаслиги ҳам мумкин. Қонун чиқарувчи томонидан айбдорнинг айбсизлиги аён бўлган шахсни айбли деб кўрсатганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат, деб топмаганлиги ҳам буни тасдиқлайди.

Бировнинг айбини ўз бўйнига олишни квалификация қилиш масаласи юзасидан юридик адабиётларда бошқача қарашлар ҳам мавжуд. Айрим криминалистлар бировнинг айбини ўз бўйнига олишни жиноят деб ҳисоблаб, уни ЖК Махсус қисмининг жиноятни яширганлик учун жавобгарлик назарда

---

[1]Кузьмина С.С. Самооговор: правовые и процессуальные аспекты / / Правоведение, 1989. №6. С.63.
[2]Ратинов А., Адамов Ю. Лжесвидетельство. М., Всесоюзный ин-т по изучению причин преступности, 1976. С.12-13.
[3]Ратинов А., Адамов Ю. Лжесвидетельство. М., Всесоюзный ин-т по изучению причин преступности, 1976. С.13.

тутилган моддалари бўйича квалификация қилишни таклиф этадилар[1]. Фикримизча, бировнинг айбини ўз бўйнига олиш – мустақил қилмиш. Унга бошқа бирон-бир қилмиш - ёлғон хабар бериш, жиноятни яшириш, ёлғон кўрсатув беришнинг аломатлари мос келмайди. Бундай ҳодисани суд амалиётда ҳар хил талқин қилиш ва тадқиқотчиларнинг қарашларидаги жиддий қарама-қаршиликлар ҳам шундан далолат беради. Бу фикрни 1903 йилги Россия Жиноят Низомидаги бировнинг айбини ўз бўйнига олиш мустақил таркибли жиноят эканлиги тўғрисидаги модда ҳам тасдиқлайди. Мазкур Низомнинг 169-моддасига мувофиқ, қуйидагилар: 1) бошқа шахс томонидан қасддан содир этилган оғир жиноят ёки жиноятни ўз бўйнига олиш; 2) тергов ёки суд жараёнида оғир жиноят ёки жиноят содир этганликда айбланаётган шахснинг айбини ўз бўйнига олиш; 3) жазога ҳукм этилган шахс ўрнига озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташда айбдор деб топилган шахс қамоқ ёки 500 рублдан ортиқ бўлмаган микдорда жарима билан жазоланади[2], деб кўрсатилган. Н.С.Таганцев ҳам айбни ёлғондан ўз бўйнига олишга жиноятни яшириш таркибининг қонуний аломатлари мос келмаслигини қайд этади[3].

ЖКнинг жиноятни яширганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган нормасининг талқинларини ўрганиш мазкур норма жиноят ва жиноятчини яшириш билан боғлиқ жисмоний ҳаракатларни содир этиш маъносида талқин қилинганини кўрсатади[4].

Фуқаролик процессида ҳам ёлғон кўрсатув берилганида муайян жиноий натижага эришиш кўзланади. Бундай кўрсатувлар даъвогар ёки

---

[1]Бородин С.В. Квалификация убийства по дейтсвующему законодательству. М.: Юрид.лит., 1966. С.221; Комментарий к Уголовному кодексу РСФСР. М.: Юрид.лит., 1971. С.100; Кузьмина С.С. Лжесвидетельство. Уголовно-правовые и уголовно-процессуальные проблемы. СПб., 1995. С.24-26. разгильдиев Б.Т. Некоторые спорные вопросы квалификации заранее не обещанного укрывательства / / Проблемы предварительного следствия. Волгород, 1980. Вып.9. С.72.

[2]Уголовное Уложение 22 марта 1903 г. Статьи, введенные в действия. Изд. Н.С.Таганцева СПб., 1911. С.494.

[3]Уголовное Уложение. Изд. Н.С.Таганцева. СПб., 1911. С.503.

[4]Российское уголовное право. Особенная часть / под ред. В.Н.Кудрявцева и А.В.Наумова. М., 1997. С.412; Уголовное право РФ. Особенная часть / под ред. Б.В.Здравомқслова. М., 1996. С.474; Комментарий к уголовному кодексу РФ. Особенная часть / под ред. Ю.И.Скуратова, В.М.Лебедева. М., 1996. С.499; Комментарий к уголовному кодексу РФ. Особенная часть / под ред. В.И.Радченко. М., 1996. С.559. Комментарий к уголовному кодексу РФ. Особенная часть / под ред. А.В.Наумова. М., 1996. С.736 ва б.

аризачи фойдасига ёки унга қарши, жавобгар, учинчи шахслар ёки бошқа манфаатдор шахслар фойдасига ёки уларга қарши ёҳуд шахсий манфаатларда берилиши мумкин.

Гувоҳ ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши мазкур шахслар ваколатли шахслар томонидан ўтказилган сўроқ, юзлаштириш ва таниб олиш учун кўрсатиш вақтида ёлғон маълумот берган пайтдаёқ, ушбу органларнинг сўроқ, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш ёки суд мажлиси баённомаларида процессуал мустаҳкамлашга йўналтирилган кейинги ҳаракатларидан қатъи назар, тамом бўлган жиноят таркибини ҳосил қилади.

Юридик адабиётларда ёлғон гувоҳлик беришнинг тугалланган вақтини белгилашга оид қуйидаги фикрлар учрайди:

1) гувоҳлар ва жабрланувчилар сўроқ ёки дастлабки тергов пайтида улар томонидан берилган ёлғон гувоҳлик асосида кўрсатув бериб, сўроқ баённомасига имзо қўйган вақтда;
2) эксперт экспертиза тайинлаган органга била туриб ёлғон хулоса берган, ёки суриштирув, дастлабки тергов даврида сўроқ баённомасига ёлғон маълумотларни била туриб, унга имзо чеккан вақтда;
3) таржимон уни тайинлаган органга иш ҳолатларини баён қилувчи нотўғри таржима қилинган маълумотларни берган ёки иш жараёнида оғзаки шаклда қасддан нотўғри таржима қилган вақтда[1].

Биз В.С.Фельдблюмнинг гувоҳ ёки жабрланувчининг ёлғон кўрсатув бериши муайян ҳодиса ёки муайян масалани ёлғон тарзда ёритишга йўналтирилган сўз ёки сўзлар айтилган пайтдан бошланади[2], деган фикрига қўшиламиз. Демак, мана шу пайтдан жиноят тамом бўлган ҳисобланади, зеро тергов ва суд жараёнида кўрсатувлар оғзаки берилади. Кўрсатувларни баённомада қайд этиш ёки магнит лентасига ёзиб олиш ёлғон гувоҳлик

[1] Гулямов З.Х. Преступления против правосудия.-Ташкент. 1997.-С.165.
[2]Фельдблюм В.С. Уголовная ответственность за заведомо ложное показание. М., 1972. С.94-97.

берган шахсни жиноий жавобгарликка тортишнинг процессуал шарти ҳисобланади.

Кўриб чиқилаётган жиноятнинг тамом бўлган вақти тўғрисидаги масала юзасидан ҳуқуқшунослар ҳар хил қарашлар билдирадилар. Бундай ёлғон кўрсатув судда ёки дастлабки тергов жараёнида берилганига қараб, жиноятнинг тамом бўлган вақти ҳар хил таърифланади. Биринчи ҳолда ёлғон кўрсатув берилган вақтда жиноят тамом бўлган деб, иккинчи ҳолда эса гувоҳ ёки жабрланувчи сўроқ баённомасини имзолаган пайтдан жиноят тамом бўлган деб топилади[1]. Бундай фарқлаш асосли эмас, чунки у қонун мазмунидан келиб чиқмайди. Бунинг устига, гувоҳда дастлабки тергов босқичида муайян имтиёзлар бўлади, чунки баённомага имзо чеккунга қадар ёлғон кўрсатувни тўғрилаш, ўз кўрсатувларидан ихтиёрий воз кечиш жиноий жавобгарликдан озод этади. Фикримизча, ёлғон кўрсатувни ўз вақтида ҳаққоний кўрсатувларга ўзгартириш жиноят таркибини истисно этмайди, балки ёлғон гувоҳлик берувчининг айбини енгиллаштирувчи ҳолатлардан бири ҳисобланади. Агар гувоҳ ёлғон гувоҳлик беришдан ихтиёрий равишда қайтса, у ҳолда жавобгарликдан озод қилиниши лозим.

Экспертнинг ёлғон хулоса бериши қўйилган саволларга ёлғон жавоблар беришда намоён бўлади. Бу эксперт хулосаларида ифодаланган ёлғон маълумотларгина пировард натижада била туриб ёлғон хулоса бериш таркибини ташкил қилишини билдиради[2].

Ю.Х. Орловнинг фикрича “Фактлар қасддан нотўғри баҳоланганда, ёки муҳим ҳолатлар баҳоланмаганида, экспертнинг хулосаси ўрганилган материалларга асосланмаганда ва ҳ.к. ҳолатларда экспертнинг хулосаси нотўғри ҳисобланади”[3]. Адабиётларда эксперт хулосаси: кириш, тадқиқот ва

---

[1]Новиков С.А. Наказание за лжесвидетельство: дискуссионные вопросы. // Российский следователь. №5 2006 –С 10-12; Щерба С.Н., Зайцев О.А. Охрана прав потерпевших и свидетелей по уголовным делам. - М., Спарк. 1996.-С. 34.

[2] Гулямов З.Х. Общая характеристика преступлении против правосудия в Республики Узбекистан. // Ж. Российская права. -2002. -№4. –С. 123.

[3]Орлов Ю.Х. Заключение эксперта и его оценка по уголовным делам. М., 1995. –С. 43.

улоса қисмига ажратилади[1]. Хулосанинг кириш ёки тадқиқот қисмига ёлғон маълумотлар киритишнинг ўзиёқ била туриб ёлғон хулоса бериш таркибини ҳосил қилиши мумкин. Бу қуйидаги ҳолатлар билан изоҳланади.

Хулосанинг киришида экспертиза ўтказилган шароитларни тавсифловчи маълумотлар (қаерда, қачон, ким томонидан, қандай асосга кўра ўтказилгани, ким иштирок этгани), олинган объектлар ва материаллар, улардан фойдаланилиши ҳамда қўйилган саволлар тўғрисидаги маълумотлар ифодаланади. Бу маълумотларнинг барчаси ёрдамчи рол ўйнайди ва фақат хулосага баҳо бериш учун зарурдир. Улар махсус билимларга тааллуқли эмас, хулосанинг асосий мазмунини ташкил этмайди ва амалга оширилган тадқиқот натижаси ҳисобланмайди. Шу боис хулосанинг кириш қисмига ёлғон маълумот киритиш ўз ҳолича жиноят таркибини ҳосил қилмайди, лекин у ёлғон хулоса бериш воситаси ёки шарти сифатида қўлланилиши мумкин. Чунончи, экспертнинг ишга лаёқатсизлиги ёки ишдан манфаатдорлик яшириш воситаси бўлиб хизмат қилган ёлғон маълумотлар мана шундай шартлар деб топилиши мумкин.

Хулосанинг тадқиқот қисмида тадқиқотнинг умумий илмий қоидалари ва методлари, ўтказилган тадқиқотлар, уларнинг жараёни ҳамда тадқиқот жараёнида кузатилган аломатлар, хоссалар, сифатлар акс эттирилади, аниқланган фактлар ёки берилган материал таҳлил қилинади ва уларга баҳо берилади. Амалда хулосанинг тадқиқот қисмида эксперт олдига қўйилган саволларга берилган жавоблар ўз ифодасини топади. Ёлғон хулосалар чиқариш учун замин айнан тадқиқот қисмида яратилади. Тақдим этилган ёки топилган материални бузиб кўрсатиш ёки аниқланган фактлар, аломатлар, хоссаларни яшириш ёки ёлғон баҳо бериш ва асослаш ёҳуд тадқиқот олиб боришда нотўғри илмий қоидалар ва методлардан фойдаланиш йўли билан тадқиқот зарур хулосаларга мослаштирилади. Аммо фақат бузиб кўрсатилган тадқиқот қисмининг мавжудлиги ҳам ёлғон хулоса бериш таркибини ҳосил

---

[1]Суяров Қ., Анваров И. Эксперт хулосаси ва унинг жиноятни очиш ва олдини олишдаги аҳамияти // Илмий-амалий анжуман материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2002. –Б. 30-31.

қилмайди, чунки у тўлиқ эмас, процессуал талабларга жавоб бермайди ва тегишли органларга тақдим этилиши мумкин эмас. Бошқа томондан тадқиқот қисми бузиб кўрсатилгани ҳолда тўғри хулосалар берилиши мумкинлиги мантиққа ҳам, соғлом фикрга ҳам зиддир.

Бунинг устига, процессуал ҳуқуққа оид адабиётларда эксперт хулосаси тушунчасининг икки хил: тор ва кенг талқини мавжуд. Эксперт хулосаси кенг маънода “эксперт тадқиқоти жараёни ва унинг натижаларини қайд этувчи ҳужжатдир”[1]. Эксперт хулосаси тор маънода қўйилган саволларга экспертнинг асослантирилган жавобларидир[2]. ЎзР ЖПК 184-моддасига биноан, эксперт зарурий текширишларни ўтказиб бўлганидан кейин, ўз номидан ёзма хулоса тузади ва уни имзолаб тасдиқлайди. Фикримизча, ЖК 238-моддаси диспозициясида тор маънодаги эксперт хулосаси, яъни қўйилган саволларга жавоб тариқасидаги хулоса назарда тутилади. Зотан, бундай хулоса фақат хулосанинг процессуал шаклида ифода этилиши мумкин.

Лекин, ЎзР ЖПК 186-моддасига биноан, айрим ҳолларда эксперт ўзи берган хулосасини тушунтириши ёки унга қўшимча қилиши учун сўроқ қилиниши мумкин. Бу ҳақида сўроқ баённомаси тузилади. Шу боис экспертнинг ўзи берган хулосани ривожлантириши ёки унга қўшимча қилиши мақсадида ёлғон кўрсатув беришида била туриб ёлғон кўрсатув бериш таркибининг аломатлари мавжуд бўлади.

ЎзР ЖПК 172-моддаси 2-қисмига биноан, эксперт олдига қўйилган масалалар ва унинг хулосаси экспертнинг махсус билимлари доирасидан четга чиқиши мумкин эмас.

Экспернинг ўз ваколати доирасига кирмайдиган ҳуқуқий масалалар (масалан, ўзганинг мол-мулкини талон-тарож қилиш ёки камомад, одам ўлдириш ёки ўз жонига қасд қилиш мавжудлиги) юзасидан берган хулосаси

---

[1]Алимова Р., Отахўжаев С. Суд экспертизасини ташкил қилиш ва ўтказиш масалалари. Т., “Янги аср авлоди” 2001. –Б. 16.

[2]Джалолов Д.Д., Бахриев И.И, Жуманиёзов Э.Х, Хакбердиева Р.Т. Суд-тиббий экспертиза объектларини текширишда экспертнинг ҳуқуқий асослари. Т., ЎзМУ. 2004. –Б. 21.

далил сифатида қабул қилиниши мумкин эмас, зеро у ўз мазмунига кўра суд ва дастлабки тергов органлари учун мақбул бўлмайди. Шу боис экспертнинг ҳуқуқий масалалар юзасидан била туриб берган ёлғон хулосаси жиноят ҳисобланмайди.

ЎзР ЖПК 68-моддасига мувофиқ, агар ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар экспертнинг мутахассислигига оид бўлмаса ёки хулоса бериш учун унга тақдим этилган материаллар етарли бўлмаса, эксперт хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида ҳужжат тузиши мумкин.

Ёлғон кўрсатув бериш сингари, экспертнинг ёлғон хулоса бериши ҳам жавобларни тўқиб чиқариш ёки бузиб кўрсатиш ёҳуд хулосаларда топилган фактларни инкор этиш усулида амалга оширилади. Масалан, ҳужжатда қўшиб ёзиш ҳолатлари бўлсада, эксперт бундай ҳолатлар аниқланмагани тўғрисида ёлғон хулоса беради.

Ёлғон гувоҳлик беришнинг бошқа субъектларидан фарқли ўларок, таржимон ҳеч қандай далиллар тақдим этмайди. Таржимон ҳам жиноят ёки фуқаролик процессининг иштирокчисидир. У одил судловни амалга оширишга техник ёрдам кўрсатади. Таржимонни мутахассислардан бири деб ҳисоблаш мумкин, зеро, таржимон тил ва бошқа белгилар соҳасида махсус билим ва кўникмаларга эга шахсдир[1].

ЖПК 20-моддасига мувофиқ, иш юритилаётган тилни билмайдиган ёки етарли даражада тушунмайдиган процесс иштирокчиларига ўз она тилида ёки ўзи биладиган бошқа тилда оғзаки ёки ёзма арз қилиш, кўрсатув ва тушунтиришлар бериш, илтимоснома ва шикоятлар билан мурожаат қилиш, судда сўзлаш ҳуқуқи таъминланади. Бундай ҳолларда, шунингдек, иш материаллари билан танишиш вақтида процесс иштирокчилари қонунда белгиланган тартибда таржимон хизматидан фойдаланишлари мумкин. Айбланувчи, судланувчи ёки процессда иштирок этувчи бошқа шахсларга

---

[1]Никулина Х.А., Горбунова Н.А. Участники уголовного процесса с неопределенным положением // Уголовный процесс № 7 (19) 2006.-С 21-22.

тақдим этилиши лозим бўлган тергов ва суд ҳужжатлари уларнинг она тилига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилиб берилиши лозим.

Қонунга мувофиқ, ҳар қандай маълумотлар, ҳужжатлар, оғзаки маълумотлар ва бошқа материаллар таржима предметини ташкил этиши мумкин[1]. Бинобарин, ҳар қандай маълумотларни тақдим этилган материал ёки матнга мос келмайдиган тарзда нотўғри таржима қилиш юқорида зикр этилган жиноятнинг объектив томонини ташкил этиши мумкин, зеро ЎзР ЖПК 72-моддасига биноан, таржимон ўзига топширилган таржимани аниқ ва тўлиқ бажариши шарт. Бунда таржима қилинаётган материалнинг ҳаққоний ёки ёлғон эканлиги аҳамиятсиздир, шу боис қонун чиқарувчининг ёлғон таржима қилиш тўғрисида эмас, балки нотўғри таржима қилиш тўғрисида сўз юритгани бежиз эмас.

Била туриб ёлғон хулоса бериш ва била туриб нотўғри таржима қилиш ёзма шаклда берилган, суд-тергов органларига топширилган вақтдан бошлаб, нотўғри таржима оғзаки бўлганида эса - нотўғри таржима қилинган пайтдан бошлаб тамом бўлган жиноят ҳисобланади. Мазкур ҳужжатлар юқорида зикр этилган органларга топширилмагунича улар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти доирасига киритилмайди, чунки улар мазкур ҳужжатларда ифодаланган ахборотни ҳали олмаган ҳисобланади.

Ёлғон гувоҳлик бериш учун жиноий жавобгарлик белгиланган ЎзР ЖК 238-моддасининг 2-қисмида эса қуйидаги ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган:

а) ёлғон гувоҳлик бериш мақсадида пора эвазига оғдириб олиш;

б) ёлғон гувоҳлик беришга мажбурлаш мақсадида гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ёки таржимонга, ёки уларнинг яқин қариндошларига руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш.

Пора эвазига оғдириб олиш – айбдорга дастлабки тергов босқичида ёки суд муҳокамасида ёлғон гувоҳлик бериши (нотўғри хулоса бериши, нотўғри

[1]Уголовно-процессуальное право. Учебник.Под. Ред. П.А.Лупинской. М: Юрист, 1997. –С. 342.

таржима қилиши) учун шахсан ёки воситачи орқали пул, қимматбаҳо буюм, ёки бошқа мол-мулк топшириш, ёҳуд мулкий характердаги хизмат кўрсатишни таклиф қилишдир[1].

Ёлғон гувоҳлик берилишига эришиш мақсадида гувоҳ (жабрланувчи, эксперт, таржимон)га руҳий ёки жисмоний таъсир ўтказиш ЎзР ЖК 238-моддаси 2-қисми билан квалификация қилинади. Руҳий тазйиқ мазмуни соғлиққа шикаст етказиш ёки мол-мулкни нобуд қилиш билан гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ёки таржимонни, шунингдек уларнинг яқин қариндошларини қўрқитиб, ёлғон гувоҳлик ёки хулоса беришни, ёҳуд нотўғри таржима қилишни талаб этишда ифодаланади.

Жисмоний тазйиқ дейилганда, жабрланувчини уриш, дўппослаш, унга енгил тан жароҳати етказиш тушунилади. Агар ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилганда, ёҳуд ўлдириш билан қўрқитилганда, айбдорнинг қилмиши жиноятлар мажмуи сифатида квалификация қилинади.

Гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, таржимонга пора ёки зўрлик ишлатиб эмас, балки илтимос қилиб, кўндиришга ундаб, болалари борлигини рўкач қилиб ва ҳ.к. йўллар билан таъсир кўрсатилса, айбдорнинг қилмишлари ЎзР ЖК 238-моддаси 2-қисми билан эмас, балки далолатчи сифатида ЖК 28-моддаси орқали 238-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекснинг 238-моддаси учинчи қисмида ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган харакатлар уюшган гурух манфаатларини кўзлаб содир этилганида жиноий жавобгарлик белгиланган.

Фикримизча, мазкур норма ҳозирги давр талабига жавоб бермайди, чунки қилмишни ижтимоий хавфлилигига қараб дифференциация қилиш, келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатларни баҳолаш имконини

---

[1]Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик. Т. 2004. б 78; Алилов Г.А. Криминологический анализ подкупа или принуждения к даче показаний или уклонению от дачи показаний либо к неправильному переводу: региональный аспект. // Российский следователь. № 6 2006 – С 26-29, Бобранов И. Проблемы квалификации принуждения к даче показаний (ст. 302 УК РФ) // Уголовное право. №2 2005. –С 8-10.

бермайди. Шу сабабли ҳам, Ўзбекистон Республикаси Жиноя Кодекси 238-моддаси 3-қисми қуйидаги таҳрирда баён қилиниши керак:

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) айбловнинг сунъий далилларини келтирган ҳолда;

б) такроран содир этилса;

в) оғир оқибатларга олиб келган бўлса,

уч йилдан беш йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланади.

## 2.3. Ёлғон гувоҳликнинг субъекти.

ЎзР ЖК 238-моддаси биринчи қисмида фақат гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар ва таржимонлар ёлғон гувоҳлик бериш жиноятининг субъектлари бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Жиноят ва фуқаролик процессларида гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ёки таржимон сифатида иштирок этмайдиган бошқа шахслар мазкур моддага биноан бажарувчи сифатида жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Бинобарин, бу шахслар ЖК 238-моддаси биринчи қисмида жавобгарлик белгиланган жиноятнинг махсус субъектлари ҳисобланади ва шу боис, улар умумий аломатлар (16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахслар)дан ташқари, ўз касбий фаолиятининг турига мос келувчи махсус аломатларга эга бўлиши талаб қилинади. Бу аломатлар жиноят-процессуал ва фуқаролик-процессуал қонун ҳужжатларида очиб берилган.

Гувоҳ - ёлғон гувоҳлик бериш жиноятининг асосий субъектларидан бири бўлиб, ЎзР ЖПК 65-моддасига мувофиқ, гувоҳ – жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолат юзасидан кўрсатув бериш учун чақирилган шахс. Аммо мазкур таъриф гувоҳнинг ёлғон гувоҳлик бериш субъекти сифатидаги бир қанча муҳим, яъни гувоҳларни била туриб ёлғон кўрсатув бериш субъекти ҳисобланмаган шахслардан фарқлаш имконини берувчи аломатларини ўзида акс эттирмайди.

Содир этилган жиноий ҳаракатларга гувоҳнинг дахлдор эмаслиги унинг муҳим аломатларидан биридир[1]. Бу аломат сўроқ қилинаётган шахснинг тергов қилинаётган ва кўриб чиқилаётган жиноятга бевосита боғлиқ бўлган жиноят аломатлари мавжуд бўлган бирор бир ҳаракатларни содир этмаганлигини англатади. Шахснинг мазкур жиноятга ўзга тарздаги, ҳатто маъмурий, фуқаролик ҳуқуқбузарликлари ва ҳоказоларда ифодаланган жиноий бўлмаган алоқаси мазкур шахсни ёлғон гувоҳлик бериш субъекти, деб топишга монелик қилувчи ҳолат ҳисобланмайди.

Фуқаролик процессидаги била туриб ёлғон кўрсатув беришнинг субъекти бўлган гувоҳ тушунчасига келсак, гувоҳ тариқасида кўрсатув берувчи шахснинг судда кўрилаётган фуқаролик ишига дахлсизлиги аломати зарур бўлмайди, чунки бу ерда ёлғон кўрсатув берувчи гувоҳнинг кейинги қилмиши ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқбузарлигидан хавфлироқдир, зеро, у одил судловнинг вазифаларини амалга ошириш бўйича нормал фаолиятини издан чиқаришга қодирдир.

Гувоҳ – иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар юзасидан кўрсатув бериш учун чақирилган, иш якунидан юридик манфаатдор бўлмаган шахс[2], деган таъриф фуқаролик процессида айниқса кенг тарқалган. Юридик жиҳатдан манфаатдор эмаслиги туфайли гувоҳлар процессда тарафлардан бири ёки учинчи шахс сифатида иштирок этмайди. Аммо, амалда гувоҳнинг иш якунидан манфаатдорлигини инкор қилиб бўлмайди. ЎзР ФПКнинг 69-моддасига биноан эса, иш бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида кўрсатув бериш учун чақирилиши мумкин. Мазкур модданинг таърифи ЎзР ЖПК 65-моддасидаги таърифдан деярли фарқ қилмайди.

Хўш, жиноят процессида гувоҳнинг кўриб чиқилаётган жиноятни содир этишга дахлсизлиги аломати нимага асосланади? Биринчидан, жиноят қонунида жиноятга дахлсизлик тўғрисидаги нормаларни таҳлил қилиш

---

[1]Воробьев И.А. Защита свидетелей как одно из ключевых условий борьбы с организованной преступностью // Журнал Российского права. 1999 №2.-С 134.
[2]Логинов П.В. Свидетельские показания в советском гражданском процессе. М., Изд-во Московского ун-та, 1956. С.4; Гражданское процесс. Учебник. М., Век, 1996.

орқали жиноят содир этган шахс содир этилган жиноят ҳолатидан объектив келиб чиқувчи кейинги қилмишлар учун жазога тортилмаслиги тўғрисидаги қоидани аниқлаш мумкин. Жиноятни яширганлик учун жиноий жавобгарликни белгилар экан, қонун чиқарувчи ўзлари яшираётган жиноятни содир этишда иштирок этмаган шахсгина мазкур жиноятнинг субъекти бўлиши мумкинлигини назарда тутади. Худди, шунингдек, ЎзР ЖК 238-моддасида асосий жиноятни[1] содир этган шахслар бу моддаларда назарда тутилган қилмишларнинг субъектлари сифатида тилга олинмайди. Иккинчидан, жиноят процесси ҳуқуқи фани вакилларининг аксарияти гувоҳни тергов қилинаётган ёки кўрилаётган жиноятни содир этишга дахлсиз бўлган, суриштирув, тергов ёки суд органларининг талабига биноан ўзига маълум бўлган иш учун муҳим ҳолатлар тўғрисида маълумот берувчи шахс[2], деб таърифлайди.

Амалда содир этилган жиноятга дахлдор шахсларнинг уч тоифаси гувоҳ тариқасида сўроқ қилинади: 1) тергов жараёнида кейинчалик айбланувчи тариқасида жалб қилинувчи шахслар; 2) ЎзР ЖПКда назарда тутилган асосларга кўра, уларга нисбатан жиноий таъқибни тугатиш ёки жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарорлар чиқарилган шахслар; 3) жиноятнинг бошқа иштирокчиларига нисбатан алоҳида иш юритувига ажратилган жиноят ишлари бўйича сўроқ қилинаётган, судланган шахслар.

Юқорида зикр этилган шахслар била туриб ёлғон кўрсатув бериш учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. ЎзР ЖК 238-моддасининг диспозициясига мувофиқ сўроқ қилинишига сабаб бўлган жиноятни содир этишга дахлдор бўлмаган шахс-гувоҳ деб тушунилади. Бунинг акси эса

---

[1] Асосий жиноят деганда, уларни содир этган шахслар берган ёлғон гувоҳлик билан боғлиқ барча жиноятлар тушунилади.

[2] Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолатлари. // Илмий-назарий анжуман материаллари. –Т.: ТДЮИ, -2003. –Б. 71-73; Никулина Х.А., Горбунова Н.А. Участники уголовного процесса с неопределенным положением // Уголовный процесс № 7 (19). 2006.-С 20.

айбдор шахс ўзига қарши гувоҳлик бериши, жиноят содир этганини фош этишга юридик жиҳатдан мажбур, деган маънони билдирган бўлур эди.

Ўз табиатига кўра содир этилган асосий жиноят билан чамбарчас боғлиқ бўлган кейинги қилмишлар учун айбдор шахсни жиноий таъқиб қилишдан воз кечиш қуйидаги қарашлар билан асосланади: биринчидан, бундай қилмишлар жиноятчининг табиий равишда ўз-ўзини ҳимоя қилишга интилиши натижаси ҳисобланади[1]. Иккинчидан, қонун чиқарувчи жиноятни мумкин қадар фош қилиб бўлмайдиган тарзда содир этишга ҳаракат қилувчи айбдорнинг ҳолатини ҳамда “унинг ўзини-ўзи оқлашга интилиши”ни алоҳида эътиборга олади[2]. Бундай эътиборга олиш инсонпарварлик, адолат, шахснинг эркинлигини ҳурмат қилиш принципларига асосланади. Бунда инсон психологияси қонуниятлари ҳам муҳим ўрин тутади.

Учинчидан, мазкур қоида “адлия манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик руҳи билан суғорилган”, зеро адлия фаолияти шундай ташкил этилиши керакки, “айбланувчи қандай кўрсатув берганидан қатъи назар, унинг ёрдамисиз ҳақиқатни аниқлаш мумкин бўлсин”[3].

Тўртинчидан, айбдорнинг асосий жиноятга дахлдор қилмишлари учун жазога тортилмаслиги тўғрисидаги қоидани амалга оширмасдан туриб жиноят процессида фуқароларнинг ҳимояланиш ҳуқуқига эгалиги тўғрисидаги конституциявий принципини рўёбга чиқариш ҳам мумкин эмас. Бундан ташқари, мазкур қоида бошқа бир конституциявий принцип – айбсизлик презумпцияси принципида ҳам ўз аксини топган. Бу принципга биноан, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди (ЎзР Конституцияси 26-моддаси 1-қисми).

Била туриб ёлғон кўрсатув бериш жиноятининг субъекти бўлган гувоҳнинг яна бир аломати шундан иборатки, шахс муайян иш учун

---

[1] Лупинская П. Допустимость доказательств //Российская юстиция. № 11. 1998 С 34-36.
[2]Брусницын Л. Как обезопасить лиц, содействующих уголовному правосудию // Российская юстиция 1996 № 9 С 47-50.
[3]Аберхаев Э.Р. Свидетельский иммунитет как гарантия право на неприкосновенность частной жизни. // Российский следователь. № 4. 2006. -С 10.
.

аҳамиятли бўлган маълум ҳолатлар юзасидан ваколатли органлар томонидан сўроқ қилинади. Исботланиши лозим бўлган муайян ҳолатлар ёки иш учун аҳамиятли бўлган бошқа маълумотларнинг шахсга маълумлиги тўғрисидаги асосли тахмин шахсни гувоҳ тариқасида чақирилишига асос бўлиб хизмат қилади. Жиноят шоҳиди бўлган ёки иш билан боғлиқ муайян ҳолатлардан хабардор шахс процессуал нуқтаи назардан гувоҳ ҳисобланмайди. Фуқаро ваколатли органлар томонидан чақирилган ва гувоҳ тариқасида сўроқ қилинганидан кейингина гувоҳга айланади.

Исталган шахс гувоҳ тариқасида тергов органларига чақирилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида айбланувчининг қариндошларига, ҳимоячиларга – ўз вазифасини бажариши муносабати билан ишнинг ўзига маълум бўлган ҳолатлари тўғрисида; фуқаролик процессида – фуқаролик иши тарафларининг вакилларига кўрсатув беришдан бўйин товлаш ҳуқуқи берилган.

Бундан ташқари, ЎзР ЖПК 115-моддаси 3-банди ва ЎзР ФПК 69-моддаси 2-бандига биноан, ўз жисмоний ва руҳий камчиликларига кўра иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни тўғри идрок этишга ва улар тўғрисида тўғри кўрсатув беришга қодир бўлмаган шахс гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин эмас. Жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назардан, бундай ҳолатларнинг мавжудлиги юқорида зикр этилган шахсларнинг объектив ёлғон кўрсатув берганида ҳам айбининг йўқлигини, бинобарин, ёлғон гувоҳлик бериш таркиби ҳам мавжуд эмаслигини англатади. Шу боис ёлғон гувоҳлик бериш жиноятининг субъекти тушунчасида тўғри идрок этишга монелик қилувчи руҳий ёки жисмоний камчиликларга эга шахс таҳлил қилинаётган жиноят субъекти бўлаолмаслигини махсус қайд этиш шарт эмас[1]. Бинобарин, бундай шахс ёлғон кўрсатувни унинг ҳақиқатга зидлигини англаган ҳолда берган бўлса била туриб ёлғон кўрсатув бериш тўғрисидаги модда бўйича умумий асосда жавобгар бўлиши мумкин. Муайян юридик ҳолатлардан хабардор шахс–гувоҳ тушунчаси нафақат жиноят, фуқаролик ва

---

[1] Алламуратов А.Т. Свидетельские показания. // Ёш олимлар тўплами. –Т.: ТГЮИ, 2004. –С. 100.

хўжалик процессида, балки давлат ва жамият фаолиятининг бошқа соҳаларида ҳам амал қилади. Масалан, гувоҳлар муайян маълумот олиш учун меҳнат стажини аниқлаш комиссияслари, ҳакамлик судлари ва бошқа органларга чақирилади. Бундай гувоҳлар била туриб ёлғон кўрсатув бериш жинояти таркибининг субъектлари ҳисобланмайди, бинобарин, улар ёлғон гувоҳлик берганлик учун мазкур модда бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Бу гувоҳларнинг процессуал гувоҳлардан асосий фарқи шундаки, улар суд ёки тергов ва суриштирув органлари томонидан эмас, балки бошқа органлар томонидан, қонунда назарда тутилган айрим ҳолларда эса – нотариат томонидан чақирилади.

Жиноят прпоцессининг бошқа бир иштирокчиси–шунингдек фуқаролик процессида тарафлардан бири ёки учинчи шахс сифатида иштирок этувчи шахс ёлғон гувоҳлик бериш жиноятининг субъекти – гувоҳ бўла олмайди.

Шундай қилиб, ёлғон гувоҳлик беришнинг махсус субъекти – гувоҳнинг аломатларининг таҳлил қилиш асосида унга қуйидаги таърифни бериш мумкин.

Гувоҳ - ваколатли орган томонидан чақирилган ва иш учун аҳамиятли ҳолатлар юзасидан сўроқ қилинган, тергов қилинаётган ёки кўрилаётган жиноятга дахлдор бўлмаган, фуқаролик жараёнида эса – тарафлардан бири ёки учинчи шахс бўлмаган 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахсдир.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунида жиноятдан жабр кўрган фуқароларга жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун имконият берилган.

Шахс жабрланувчи деб топилиши учун, икки аломат: 1) жиноят оқибатида шахсга маънавий, жисмоний ва мулкий зарар етказилган бўлиши лозимлиги (бу объектив мезон); 2) шахс қонунда белгиланган тартибда жабрланувчи деб топилиши кераклиги (бу субъектив мезон) талаб этилади[1].

---

[1] Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолатлари. // Илмий-назарий анжуман материаллари. –Т.: ТДЮИ, -2003. –Б. 71-73.

Бинобарин, процессуал нуқтаи назардан, жабрланувчи объектив ва субъектив мезонлар (ёки мазмун ва шакл) бирлиги сифатида намоён бўлади. Мазкур мезон жиноят оқибатида етказилган зарарнинг мавжудлигини тақозо этади[1].

Жабрланувчи, иш якунидан манфаатдор ва бу маънода ишга дахлдор бўлгани ҳолда, тергов қилинаётган ёки кўрилаётган жиноят билан боғлиқ жиноий қилмишларни содир этишга дахлдор бўлмаслиги керак.

Хўш, ғайриқонуний ҳаракатлари натижасида жиноят содир этилган жабрланувчининг кўрсатувлари қандай ҳолларда ёлғон гувоҳлик бериш деб топилиши мумкин? Жабрланувчининг ўз ғайриқонуний ҳаракатлари ҳақидаги кўрсатувлари қилмишни квалификация қилиш, айбланувчининг айбдорлик даражасини аниқлаш ва жазони индивидуаллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга. Жабрланувчининг жиноят ҳисобланмайдиган ўз ғайриқонуний ҳаракатлари тўғрисида ёлғон кўрсатув бериши жиноий жазога сазовор ёлғон гувоҳлик бериш ҳисобланади. Айни вақтда, жабрланувчи баъзи бир ҳолларда жиноятни содир этган шахс ҳам ҳисобланади. Бундай ҳолат зарурий мудофаа чегараларидан четга чиқиш тўғрисидаги жиноят ишларида айниқса, кўп учрайди.

Жиноят қонунига мувофиқ жиноий тажовузни содир этиш вақтида жабр кўрган шахслар жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди. Агар жабрланувчининг айби “жиноий жазога сазовор қилмишни содир этишдан иборат бўлса, унинг ўзига ёки мол-мулкига зарар етказилганидан қатъи назар, у жиноий жавобгарликка тортилиши лозим”[2].

Бундан хулоса шуки, жиноий қилмиш содир этган “жабрланувчи” ўзини жиноят содир этганликда фош қилиши шарт эмас. Бинобарин, у, ҳатто бошқа қилмишлар учун муайян асосларга кўра жиноий жавобгарликка тортилган бўлмаса ҳам, ёлғон кўрсатув бериш учун жавобгар бўлмайди.

---

[1]Рахманова С.М. Жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. // Ж.. Ҳаёт ва қонун. -2002. -7-сон. –Б. 39; Бойков А.Д. Защита прав потерпевшего // Уголовный процесс. № 8 (20) 2006.–С. 60.

[2] Бояров С.А. Правовое положение потерпевшего // Уголовный процесс. № 7 (19) 2006. –С. 16.

Бундай “жабрланувчи”нинг кўрсатувларини айбланувчининг ҳаракатларига тегишли кўрсатувларга ва унинг ўз жиноий ҳаракатига тегишли кўрсатувларга ажратиш мантиққа эга эмас, зеро, у кўрсатувлар ҳам, бу кўрсатувлар ҳам бевосита боғлиқ бўлиб, уларга айбловдан ҳимояланиш воситаси деб қаралади.

Шундай қилиб, жабрланувчи, агар у тергов қилинаётган ёки кўрилаётган жиноят билан боғлиқ жиноий қилмишни содир этган бўлмаса, била туриб ёлғон кўрсатув бериш жиноятининг субъекти бўлиши мумкин.

Россия Жиноят-процессуал қонунида (собиқ иттифоқ даврида амалда бўлган ЎзССР Жиноят процессуал қонунида ҳам) хусусий ва хусусий-оммавий айблов ишлари бўйича жабрланувчи тўғрисидаги масала алоҳида диққатга сазовордир. Бундай ишлар қаторига қасддан баданга енгил шикаст етказиш, қийнаш, айбни оғирлаштирмайдиган ҳолатларда номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш, жазони оғирлаштирмайдиган ҳолатларда туҳмат қилиш, ҳақорат қилиш, қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш, рақобатчини обрўсизлантириш тўғрисидаги ишлар киради. Хусусий айблов тўғрисидаги ишларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бундай ишлар фақатгина жабрланувчининг аризасига биноан ва фақат суд томонидан қўзғатилади. Жабрланувчи билан айбланувчи ярашган ҳолларда бундай ишлар тугатилиши лозим. Бундан ташқари, жабрланувчи айбловни қўллаб-қувватлаш ҳуқуқига эга бўлади ва далилларни тўплаш вазифаси ҳам унинг бўйнига тушади. Хусусий-оммавий айблов ишларида эса жабрланувчи билан айбланувчи ярашганлиги туфайли иш тугатилиши мумкин эмас.

Хусусий айблов ишлари бўйича жабрланувчи айблов функциясини бажарса-да, у фақат ҳақиқатни сўзлашдек ҳуқуқий мажбуриятдан озод этилмайди. Шу боис у ёлғон гувоҳлик берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилади. Шунинг учун ҳам, қонунга кўра, жабрланувчининг айбланувчи билан ярашиши, уни била туриб ёлғон

кўрсатув берганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди, чунки ярашганлиги туфайли одил судловга қарши жиноят учун жавобгарлик бекор қилинмайди.

Судда қарши айбловнинг кўрилиши муносабати билан яна бир мураккаб жиноят-ҳуқуқий масала юзага келади. Қарши айбловлар бўлган ҳолларда жабрланувчи ҳам айбловчи (ўз шикояти бўйича), ҳам судланувчи (бошқа тарафнинг шикояти бўйича) тариқасида иштирок этади. Шикоятлар айни бир шахсларга, шунингдек, битта умумий ҳолатга (ҳодисага) ёки бир-бири билан чамбарчас боғлиқ турли ҳолатлар (ҳодисалар)га таааллуқли бўлган ҳолларда бир процессда қарши айбловлар қабул қилинади[1].

Бундай ҳолларда шахснинг жабрланувчи тариқасидаги ва айбланувчи тариқасидаги кўрсатувлари бир-бирига шундай боғланиб кетадики, ҳимоя воситаси бўлиб ҳам, айблов воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади. Шу боис жабрланувчи – айбланувчилар била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгар қилиниши лозим, деб ўйлаймиз.

Хусусий айблов ишлари бўйича жабрланувчилар ҳам қарши айблов бўлмаган ҳолларда, била туриб ёлғон кўрсатув бериш субъекти ҳисобланадилар. Жабрланувчи била туриб ёлғон айб қўйгани учун ёлғон гувоҳлик бериш тўғрисида эмас, балки ёлғон хабар бериш тўғрисидаги моддага кўра жавобгарликка тортилиши лозимлиги, ёлғон гувоҳлик ҳақида огоҳлантириш ўз маъносини йўқотади, деган маънони англатмайди, чунки мазкур огоҳлантириш ушбу моддага биноан айбланувчи фойдасига ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарликка тортиш имконини беради[2]. Лекин хусусий айблов ишлари бўйича бундай ёлғон кўрсатув бериш ҳоллари жуда кам учрайди, чунки жабрланувчи, айбланувчини жавобгарликка тортишни истамаган тақдирда, у билан ярашиши мумкин бўлиб, бу жиноят ишини тугатиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Дастлабки терговда ёки судда ўзини ёлғондан жабрланувчи қилиб кўрсатган шахсларни ҳам ёлғон гувоҳлик бериш тўғрисидаги моддага биноан жавобгарликка тортиш лозим деб

---

[1]Катькало С.И. О встречных жалобах по делам частного обвинения / / Вестник Ленинградского университета. №11. Вып. 2. 1970. С.122.

[2]Бояров С.А. Правовое положение потерпевшего // Уголовный процесс. № 7 (19) 2006. –С. 16.

ўйлаймиз. Чунки ўзини ёлғондан жабрланувчи қилиб кўрсатган шахс янглиш тарзда жабрланувчи деб топилиши натижасида била туриб ёлғон кўрсатув беради.

Пировард натижада била туриб ёлғон кўрсатув берганлик субъекти - жабрланувчи деганда қонун билан қўриқланувчи манфаатларига бевосита тажовуз қилинган, ваколатли органлар томонидан жабрланувчи деб топилган шахслар тушунилади.

Била туриб ёлғон хулоса берганликнинг субъекти – эксперт суд-тергов органлари томонидан фан, техника, санъат ёки муайян касб соҳасида махсус билим ва кўникмаларни тақозо этувчи масалалар юзасидан хулоса бериш учун тайинланган ва тергов қилинаётган ёки судда кўрилаётган жиноятга дахлдор бўлмаган шахсдир.

Процессуал қонунлар хулоса бериш учун зарур билимга эга бўлган, ишнинг якунидан манфаатдор бўлмаган шахслар эксперт сифатида иштирок этишини тақозо этади[1]. Лекин зарур билимга эгалик ҳамда иш якунидан манфаатдорлик аломатлари экспертнинг жиноятнинг махсус субъекти сифатидаги аломатларини кўрсатмайди. Шу боис ишнинг муайян тарзда ҳал бўлишидан экспертнинг манфаатдорлиги, шунингдек, унинг зарур билимга эга эмаслиги била туриб ёлғон хулоса берганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш мумкинлигини истисно этмайди.

Жиноят ва фуқаролик процессида эксперт мансабдор шахс ҳуқуқларидан фойдаланмайди, шу боис у ўзининг жиноятикорона бепарволиги натижасида ёлғон хулоса берганлиги учун мансабдорлик жиноятлари тўғрисидаги моддалар бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Эксперт ўзининг процессдаги иштироки хусусиятига кўра, яъни давлат органи номидан эмас, балки шахсан ўз номидан иштирок этиши туфайли, шунингдек эксперт процессда ташкилий-буйруқ ёки маъмурий-

---

[1] Суяров Қ., Анваров И. Эксперт хулосаси ва унинг жиноятни очиш ва олдини олишдаги аҳамияти // Илмий-амалий анжуман материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2002. –Б. 30-31.

хўжалик ҳуқуқларига эга эмаслиги туфайли учун мансабдор шахс, деб эътироф этилиши мумкин эмас.

Аммо, амалиётда экспертнинг қасддан нотўғри хулоса бериши, бу мақсадда хужжатларни сохталаштириши, хужжатларга сохта маълумотлар киритишида, хизмат ваколатидан фойдаланганида ЖКнинг 238-моддаси билан биргаликда мансабдорлик жиноятлари учун ҳам жавобгар қилиш ҳоллари учрайди. Қуйидаги ишни мисол тариқасида келтириш мумкин: Тошкент вилояти СТЭ бюроси булим мудири М. ва ушбу бюро эксперти У. экспертиза хулосасини ўзгартириб, унга сохта ёзувлар киритганликлари учун ЖКнинг 205- ва 209-моддалари билан жавобгарликка тортилганлар[1].

Процессуал ҳолати ЎзР ЖПК 69-моддаси билан тартибга солинувчи мутахассисни экспертдан фарқлаш зарур. Мутахассис билан экспертнинг умумий жиҳати шундан иборатки, улар махсус билим ва кўникмаларга эга бўлишлари ҳамда иш якунидан манфаатдор бўлмасликлари керак. Аммо мутахассис экспертдан икки жиҳати билан фарқ қилади. Биринчидан, тайинлаш белгисига кўра: мутахассис айнан мутахассис қилиб тайинланади. Иккинчидан, фаолият хусусиятига кўра: агар мутахассис далилларни топиш, мутаҳкамлаш ва олиб қўйишда терговчига кўмаклашса, эксперт йиғилган далиллар билан ишлайди ва унинг фаолияти натижаси фақат хулоса бўлиши мумкин.

Шахснинг ишда мутахассис сифатида иштирок этиши унинг эксперт сифатида ишни давом эттириш имкониятини бекор этади, мурдани кўздан кечиришда суд тиббиёт экспертизаси ходими иштирок этган ҳолатлар бундан мустасно.

ЎзР ЖПК 71-моддасига биноан, қуйидаги ҳолларда: 1) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёҳуд уларнинг вакиллари, гувоҳ, эксперт, мутахассис иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарли даражада билмаса ёинки кар ёки

---

[1] Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Пскент туман судининг жорий архиви. 2006 йил. 92-сонли жиноят иши

соқов бўлса; 2) бирор матнни бошқа тилдан таржима қилишга зарурат бўлса таржимон чақирилади. Бундан ташқари таржимонга тегишли қоидалар иш юритишда иштирок этиш учун таклиф қилинган, кар ёки соқовнинг имо-ишораларини тушунадиган шахсга ҳам тааалluқли. Иш якунидан манфаатдорлик ҳамда тилни билмаслик, ЎзР ЖПК 72-моддасига асосан, таржимонни рад этиш учун асос бўлади.

Лекин ишдан манфаатдор бўлган ёки ишга лаёқатсиз бўлган шахс томонидан қасддан нотўғри таржима қилинган бўлса, айбдор ЖК 238-моддаси бўйича жавобгарликка тортилади.

Ҳимоячи ҳам процессуал ҳужжатлар, аризалар ва кўрсатувларни таржима қилиш учун таржимон таклиф қилиши мумкин, лекин ҳимоячи томонидан таклиф қилинган шахс таржимон процессуал мақомини эгаллаши мумкин эмас, шу боис бундай таржимон нотўғри таржима қилганлик учун жиноий жавобгар бўлмайди.

Ўзи таржимон тариқасида иштирок этаётган ишдаги жиноятга дахлсизлик тўғрисидаги қоида таржимонга нисбатан ҳам амал қилади. Агар жиноятга дахлдор шахс ишда таржимон тариқасида иштирок этган ва нотўғри таржима қилган бўлса, у бунинг учун жиноий жавобгар бўлиши мумкин эмас[1].

Шундай қилиб, ЖК 238-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти – таржимон деганда бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш ёки кар ё соқов белгиларини тушунтириш учун суд-тергов органлари томонидан таржимон этиб тайинланган шахс тушунилади.

Фикримизча, Республикамиз ЖКнинг 238-моддасини 4-қисм билан тўлдириб, гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, таржимонларни жавобгарликдан озод этиш масаласи ҳам қўйилиши лозим. Биз бу борада З.Х.Гулямовнинг ЎзР ЖКнинг 238-моддасини қуйидаги мазмундаги қисм билан тўлдириш тўғрисидаги таклифини қўллаб қувватлаймиз:

[1] Никулина Х.А., Горбунова Н.А. Участники уголовного процесса с неопределенным положением // Уголовный процесс № 7 (19) 2006 С 19-27.

“Ўзига ёки яқин қариндошларига нисбатан жинсмоний ёки руҳий тайзиқ натижасида ёлғон гувоҳлик беришга мажбур бўлган шахслар ўз ҳаракатларидан афсусланиб виждонан бу ҳақда хабар берса жиноий жавобгарликдан озод қилинади”[1].

ЎзР ЖКнинг 238-моддасига ушбу қоиданинг киритилиши инсонпарварлик тамойилига мос бўлиб, жиноятдан ихтиёрий қайтганда жавобгарликдан озод этиш масаласини ёритиб беради. Бунда жавобгарликдан озод этишнинг икки шарти бажарилиши лозим:

1) илгари ёлғон кўрсатув, хулоса, нотўғри таржима берилганлиги ҳақида ихтиёрий арз қилиниши, яъни шахс ўз ташаббуси билан, бошқа бировларнинг мажбурловисиз, ёлғон одил судлов органларига маълум бўлишидан олдин амалга оширилиши лозим;

2) ушбу ариза ҳукм ёки қарор чиқарилгунга қадар берилиши керак.

## 2.4. Ёлғон гувоҳликнинг субъектив томони

Суд-тергов органларига била туриб ёлғон кўрсатув бериш, экспертнинг нотўғри хулоса бериши ҳамда нотўғри таржима қилишга нисбатан шахснинг руҳий муносабатини аниқлаш мухим аҳамиятга эга. Фақат қонунда талаб этилган айб шакли аниқланган тақдирда содир этилган қилмишда жиноят таркиби ҳамда жиноий жавобгарлик учун асос мавжуд, деб топилиши мумкин.

ЖК 20-моддасидаги айб шаклларининг таърифи ижтимоий хавфли қилмиш ва ижтимоий хавфли оқибатларга шахснинг руҳий муносабатини тавсифлайди. Лекин ёлғон гувоҳлик бериш формал таркибли жиноятлар гуруҳига мансуб бўлиб, уларнинг объектив томонига ижтимоий хавфли оқибатлар кирмайди.

Шу боис мазкур жиноятда айб шакли мумкин бўлган ёки содир бўлган оқибатларга шахснинг руҳий муносабатига боғлиқми ёки фақат ижтимоий қилмишга нисбатан руҳий муносабатни аниқлашнинг ўзи етарлими?, деган

[1] Гулямов З.Х. Преступления против правосудия.-Ташкент. 1997.-С.167.

савол туғилади. Бу масала юзасидан олимлар иккита қарама-қарши фикр билдирганлар. Айрим олимлар формал таркибли жиноятларда айб шакли шахснинг қилмишга руҳий муносабати билан белгиланади, бунда қилмишнинг оқибатларига муносабат аҳамиятсиз деган хулосага келдилар[1]. Бошқа олимларнинг фикрича, ҳар бир жиноят таркибида айб шакли қилмишга ва унинг оқибатларига нисбатан руҳий муносабатидан таркиб топади[2].

Фикримизча, биринчи қараш тўғрироқ ва ишончлироқдир, чунки айбнинг шакли сифат жиҳатидан аниқ бўлиши керак, бу эса фақат қонун чиқарувчи томонидан таърифланган жиноят таркиби аломатларига нисбатан руҳий муносабат билан белгиланади. Иккинчи қараш эса, барча жиноят таркиблари моддийдир, деган маънони англатади, ваҳоланки, бу қонунга зиддир; ёки бўлмаса, айбнинг шакли муайян жиноят таркибини эмас, балки амалда содир этилган жиноятни тўлиқ тавсифлайди, деган маънони англатадики, бу ҳам ўринли эмас, чунки бундай қарашда айбнинг шакли ўзининг сифат жиҳатидан аниқлигини йўқотади.

Била туриб ёлғон кўрсатув беришда айбнинг шакли унинг зарурий аломатлари–жиноят объекти, ижтимоий хавфли қилмиш ва жиноят субъектига нисбатан руҳий муносабат билан тавсифланади.

Формал таркибли жиноятларда айбнинг шакли шахснинг жиноий ҳаракат ёки ҳаракатсизлигига нисбатан руҳий муносабати билан белгиланишини аниқлагач, мазкур таркиблардаги қасднинг мазмунини кўриб чиқиш зарур, деб ўйлаймиз. Олимларнинг бу масала юзасидан фикрлари ҳам бир хил эмас. Формал таркибли жиноятларда қасд ва

---

[1] Бакунов П. Айб жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида. Т. «Адолат» 2006.-99 б; Ворошлин Е.В., Кригер Г.А. Субъективная сторона преступления. М.: МГУ, 1987; Рарог А.И. Проблемы субъективной стороны преступления. М.: МЮИ, 1991.

[2] Гаврилов С.Т., Покаместов А.В., Тямкин А.В. Проблемы квалификации отдельных видов преступлений. Воронеж. ВШ МВД 1997. –С. 49 с; Гаухман Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. М. Юринформ. 2001. –С. 115; Куликов А.В. Двойная форма вины: понятие, виды, конструкция составов, квалификация. Свердловск, 1990. С.7; Горелик А.С. Конкуренция уголовно-правовых норм. Красноярск ун-т. 1998.-С. 35.

эҳтиётсизликнинг мазмунига тафаккурий ва иродавий ҳолатлар киради[1]. деган қараш нисбатан кенг тарқалган. Бу демак, қасднинг тўғри ва эгрига, эҳтиётсизликнинг эса – жиноий бепарволик ва ўз-ўзига ишонишга бўлиниши мазкур тоифага мансуб таркиблар учун ўз аҳамиятини сақлаб қолади, аммо бунда иродавий ҳолат оқибатдан ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг ўзига кўчирилади. Бунга асосан, кўпгина формал таркибли жиноятлар, шу жумладан, ёлғон гувоҳликнинг ҳам субъектив томони қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини тушуниш, бундай хавфни олдиндан кўриш ва бундай қилмишлар содир этишни исташ ёки уларга йўл қўйиш тарзида тавсифланади.

Айрим муаллифларнинг фикрича, ёлғон гувоҳлик тўғри қасд билан ҳам, эгри қасд билан ҳам содир этилиши мумкин, яъни субъект суд-тергов органларига муайян фактлар ва ҳолатлар тўғрисида ёлғон маълумот бераётганини тушунади, мана шу йўл билан мазкур органларни адаштиришни истайди, ёки ўз ҳаракатларининг бундай натижасига онгли равишда йўл қўяди[2]. Авваламбор шуни қайд этиш керакки, суд-тергов органларини адаштиришга ёлғон гувоҳлик беришнинг натижаси деб қараш асоссиздир, чунки адаштириш ҳар қандай ёлғоннинг ажралмас хоссаси, ички сифатидир. Бинобарин, шахс судга, тергов ва суриштирув органларига ёлғон кўрсатув бераётганини тушунар экан, ёлғон адаштириш хоссасига эга эканлигини ҳам тушунади. Агар гувоҳ ёлғон кўрсатув бериш жараёнида ўз кўрсатувлари ёлғон эканлигини ва у шунчаки кўнгилхушлик учун ёлғон гапираётганини тан олса, бундай ёлғон ижтимоий хавф туғдирмайди, чунки ҳеч кимни адаштира ёки чалғита олмайди ва ҳазил ёки беҳурматлик, деб қабул қилинади.

---

[1]Костарева Т.А. Квалифицирующие обстоятельства в уголовном праве.-Москва., Юристь. 1999.-С. 112; Ларин А.М. Преступность и раскрываемость преступлений // Государство и право.-1999. № 4. –С. 83-89; Гаврилов С.Т., Покаместов А.В., Тямкин А.В. Проблемы квалификации отдельных видов преступлений. Воронеж. ВШ МВД 1997.-С. 34

[2] Российское уголовное право. Особенная часть / под ред. В.Н.Кудрявцева и А.В.Наумова. М., 1997. С.410; Лазовицкая Г.П., Винокурова Н.С. О некоторых криминологических и уголовно-правовых проблемах борьбы с посягательствами, совершенными в составе организованных групп и преступных сообществ, на участников правосудия // Российкий следователь. № 2. 2006 С 36-41.

Демак, алдаш, адаштириш, чалғитиш ёлғон гувоҳлик беришнинг ижтимоий хавфли оқибатлари деб топилиши мумкин эмас. Шу боис агар гувоҳ одил судлов органига ёлғон маълумот бераётганини тушунса, бу билан у мазкур органларни алдаш, адаштиришни истайди, ёлғоннинг мазкур ижтимоий хоссасини тушунади. Бу хосса, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, қилмиш – ёлғон кўрсатув беришнинг зарур ижтимоий жиҳати ҳисобланади.

Шундай қилиб, шахсни алдаш, адаштиришни хоҳлаши тўғрисида сўз юритиш – тавтология, яъни такрордир. Бошқача қилиб айтганда, шахс билдираётган маълумотлари ёлғонлигини, демак, содир этаётган қилмишини ижтимоий хавфли эканлигини ҳам тушунади.

Шу боис формал таркибли жиноятларда айбнинг шаклини аниқлаш учун тафаккурий ҳолатни, унинг фақат қилмишнинг ижтимоий хавфли эканлигини тушунган ёки тушунмаганлигини аниқлаш кифоя, деб ҳисобловчи олимларнинг қарашлари асослироқдир[1]. Фикримизча, формал таркибли жиноятни ҳосил қилувчи ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг иродавий ҳолатини, яъни қилмишни содир этиш истагини аниқлашнинг ҳожати йўқ. Зеро, Б.С.Никифоров қайд этганидек, “Агар шахс ўз қилмишининг оқибатини тушунса ва уни содир этишни истамаса, унинг бу қилмишни содир этиши мантиқан, ҳам психологик жиҳатдан ҳам мумкин эмас”[2].

Дарҳақиқат, ижтимоий хавфли қилмишни онгли равишда содир этган шахс уни содир этишни истамаслигини тасаввур этиш қийин. Бошқа томондан, агар шахс ўзи содир этаётган қилмишнинг ижтимоий хавфли эканлигини тушунган бўлса, бу формал таркибли жиноятда эгри қасд мавжудлигини инкор этади. Бинобарин, агар шахс ўзи содир этаётган қилмишнинг ижтимоий хавфли эканлигини тахмин қилса, у мазкур қилмишни эҳтиётсизлик орқасида содир этади; агар шахс ўз қилмиши ижтимоий хавфли эканлигини тушунса ва уни содир этишни хоҳласа, қасддан ҳаракат қилади.

---

[1]Алоуов Е.О. Квалификация хищений совершенных по подложным документам. - Т., Адолат, 1994.-С. 119; Бакунов П. Айб жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида. Т. «Адолат» 2006.-Б. 29.

[2] Никифоров Б.С. Субъективная сторона в «формальных» преступлениях / / Советское государство и право. 1971. №3. С. 117.

Демак, формал таркибли жиноятлар фақат тўғри қасд ёки жинояткорона бепарволик шаклидаги айб билан тавсифланади. Ёлғон гувоҳлик бериш ҳам фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин, бунда эҳтиётсизлик бўлиши мумкин эмас, чунки ЎзР ЖК 238-моддаси диспозициясида санаб ўтилган субъектлар била туриб ёлғон кўрсатув ёки хулоса бериши ёҳуд нотўғри таржима қилиши кўрсатиб ўтилган.

Хуллас, ёлғон гувоҳлик беришнинг субъектив томони, умуман олганда, тўғри қасд шаклидаги айб билан тавсифланади. Унинг мазмунига қисқача тўхталиб ўтамиз. Била туриб ёлғон кўрсатув беришга тўғри қасд қилишнинг мазмунига шахснинг қуйидаги ҳолатлар: 1) ўзи бераётган маълумотларнинг ёлғонлигини; 2) тергов қилинаётган ёки кўриб чиқилаётган иш учун уларнинг аҳамиятини; 3) жиноят ҳолатини, яъни қилмишнинг ваколатли органлар олдида содир этилаётганини; 4) шахсни махсус субъект сифатида тавсифловчи аломатларни тушуниши киради. Шу боис шахснинг айбини аниқлаш учун у юқорида зикр этилган барча ҳолатларни тушунганлиги аниқланиши зарур.

Бу ўринда “била туриб” атамасининг мазмунига ҳам аниқлик киритиш лозим. Мазкур атама ЎзР ЖК 238-моддасининг диспозициясида ушбу жиноят объектив томонининг аломатларидан бирига – берилаётган маълумотлар ёлғонлигининг тушунилишига тааллуқли, бинобарин, тўғри қасд билан бир хил маънога эга эмас. Бунда жиноятнинг муайян таркибида қилмишни била туриб содир этиш ҳар доим таркибнинг у тааллуқли бўлган аломатларига нисбатан қасднинг тафаккурий ҳолатини белгилайди. Қилмиш била туриб содир этилганига ишора мазкур атама шахснинг кўрсатув ҳолатни тўғри ва шак-шубҳасиз билишини англатади.

Айни вақтда, субъект “формал” таркибли жиноятнинг бошқа аломатларини ҳам “била туриб” атамаси ишора қилувчи ҳолатлар билан бир хил даражада тушуниши лозим[1]. Фақат шу маънода қонунда қилмиш “била

[1] Горелик А.С., Лобанова В.Л. Преступления против правосудия. СПб, 2005. –С.103

туриб" содир этилганининг кўрсатилиши шахс муайян ҳолатни жиноятни содир этганидан кейин эмас, балки уни содир этишдан олдин ёки содир этиш вақтида тушуниши лозимлигига урғу беради. "Била туриб" атамаси қонунда ижтимоий хавфли қилмишнинг жиноий жазога лойиқ қилмиш негизи-"скелети"ни ташкил этувчи, ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг мазмунини белгиловчи аломатларига тааллуқлидир. Ёлғон гувоҳлик беришда берилган маълумотларнинг ёлғонлиги мана шундай асос бўлиб ҳисобланади. Буни жиноят субъекти ёлғон кўрсатув ёки хулоса бериш, нотўғри таржима қилишдан олдин ёҳуд бу ҳаракатларни содир этиш вақтида тўғри, шак-шубҳасиз тушуниши лозим.

Ёлғон гувоҳлик беришда тўғри қасд мазмуни берилаётган маълумотларнинг ёлғонлигини аниқ билиш билангина чекланмаслигини биз юқорида қайд этиб ўтдик. Бундан ташқари, шахс берилаётган маълумотларнинг хусусиятини, чунончи, улар иш учун аҳамиятли эканлигини, яъни иш бўйича далиллар манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини ҳам тушуниши лозим. Қасд мазмунига ёлғон маълумотлар қандай вазиятда берилаётганини, яъни қилмиш тергов ва суд ҳаракатларини амалга оширишга ваколатли давлат органлари ходимлари қаршисида содир этилаётганини тушуниш ҳам кириши керак. Агар шахс жиноятни содир этишидан олдин ёки содир этиш вақтида, буларни тушунган бўлмаса, жиноят тўғри қасд билан содир этилган бўлмайди.

Бизнинг назаримизда, мазкур ҳолатларнинг аниқланиши жиноятни тўғри квалификация қилиш учун етарли эмас, чунки ёлғон кўрсатув бераётган айбланувчи бу кўрсатувлар одил судлов манфаатлари учун ижтимоий зарарли хусусиятга эга эканлигини тушунади. Субъектни ёлғон гувоҳлик беришда айбдор деб топиш учун у қилмишни содир этишдан олдин ёки содир этиш вақтида шахсни жиноятнинг махсус субъекти сифатида тавсифловчи баъзи бир аломатларни тушунганлигини аниқлаш зарур. Фуқаролик процессида бунинг учун шахс ўзи гувоҳ тариқасида сўроқ қилинаётганлигини тушуниши кифоя, жиноят процессида эса, бундан

ташқари, шахс кўрсатувларни у тергов қилинаётган ёки кўриб чиқилаётган ишнинг содир этилишига дахлсиз шахс сифатида бераётганини ҳам тушуниш лозим. Бу қоида ёлғон гувоҳлик беришнинг бошқа субъектларига ҳам таалluқли. Чунончи, эксперт ва таржимон улар бу вазифа суд-тергов органлари томонидан тайинланганини, жиноят процессида эса, улар тергов қилинаётган ёки кўриб чиқилаётган ишнинг содир этилишига дахлсиз эканлигини ҳам тушуниши лозим.

Тўғри қасд мавжуд бўлиши учун юқорида зикр этилган барча аломатлар, берилаётган маълумотларнинг ёлғонлиги каби мужмал ва тахминий эмас, балки аниқ ва қатъий тушунилиши керак. Акс ҳолда, содир этилган қилмишни қасддан содир этилган, деб бўлмайди. Қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини тахмин қилиш қасдга эмас, балки эҳтиётсизлкка хосдир.

Шу боис била туриб ёлғон кўрсатув бериш, хулоса бериш, нотўғри таржима қилишни адашиш, узрли ва ҳатто узрсиз хато қилиш натижасида йўл қўйилан ёлғон кўрсатув бериш, хулоса бериш ҳамда таржима қилишдан фарқлаш лозим.

Ёлғон гувоҳлик беришда айбни шаклини тўғри аниқлаш учун жиноятнинг мотив ва мақсадини аниқлаш ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Жиноятнинг мотив ва мақсади била туриб ёлғон кўрсатув беришнинг зарурий аломатлари ҳисобланмайди. Аммо, шунга қарамай, мотив ва мақсад қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини баҳолаш, ёлғон гувоҳлик беришда айбдор шахсларни тавсифлаш ва унга нисбатан одилона жазо тайинлашда муҳим рол ўйнайди.

## 2.5. Ёлғон гувоҳликнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари ва бу жиноятнинг ўхшаш қилмишлардан фарқлари

### 2.5.1. Ёлғон гувоҳлик беришнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари

ЎзР ЖК 238-моддасининг 2-қисмига биноан, суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёхуд ишни судда кўриш вақтида гувоҳ ёки

жабрланувчининг ёлғон кўрсатув бериши ёки экспертнинг нотўғри хулоса бериши ёҳуд таржимоннинг нотўғри таржима қилиши учун пора эвазига оғдириб олиш, шунингдек, уларга ёки уларнинг яқин қариндошларига руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказиш орқали ёлғон кўрсатув беришга мажбур қилиш ёлғон гувоҳлик беришнинг квалификация белгилари сифатида назарда тутилган.

Гувоҳ ёки жабрланувчининг ёлғон кўрсатув бериши ёки экспертнинг нотўғри хулоса бериши ёҳуд таржимоннинг нотўғри таржима қилиши учун пора эвазига оғдириб олиш, шунингдек, уларга ёки уларнинг яқин қариндошларига руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказиш орқали ёлғон кўрсатув беришга мажбур қилиш латентлик даражаси юқори жиноятлардан ҳисобланади.[1]

Пора эвазига оғдириб олиш деганда, моддий қимматга эга ҳар қандай буюмлар, нарсалар, хизматларни бериш ёки ваъда қилиш тушунилади. Агарда эксперт ёки таржимон мансабдор шахс бўлса, уларни пора эвазига оғдириб олиш, пора бериш сифатида квалификация қилиниши керак[2].

Гувоҳ ёки жабрланувчининг ёлғон кўрсатув бериши ёки экспертнинг нотўғри хулоса бериши ёҳуд таржимоннинг нотўғри таржима қилиши учун уларга ёки уларнинг яқин қариндошларига руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказиш процесс иштирокчилари томонидан ҳам (мас. фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, айбланувчи, бошқа гувоҳ ва ҳ.к.), шунингдек, учинчи шахслар томонидан ҳам содир этилиши мумкин.

Ушбу қилмиш содир этилиши гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ёки таржимоннинг гувоҳлигига таъсир кўрсатган ёки кўрсатмаганлигидан қатъий

---

[1]Алилов Г. Криминологический анализ подкупа или принуждения к даче показаний или уклонению от дачи показаний либо к неправильному переводу: региональный аспект. // Российский следователь. № 6 2006.-С 27; Кузьмина С.С. Ответственность за подстрекательство и понуждение к дачи заведомо ложных показаний // Законность. 1993. №8. С. 19-22; Лазовицкая Г.П. Правовые и криминологические аспекты борьбы с преступлениями, посягаюшими на участников правосудия // Российский следователь № 3 2006. С 30-33.

[2] Зайцев О.А. Государственная защита участников уголовного процесса. М, 2001.-С. 112; Бобранов И. Проблемы квалификации принуждения к даче показаний (ст. 302 УК. РФ) // Уголовное право. № 2. (апрель-июнь) 2005 С 8-10.

назар, у амалга оширилган вақтдан тамомланган ҳисобланади. Қилмиш тўғри қасд билан содир этилади, субъект қонунга хилоф иш қилаётганлигини билади ва ёлғон гувоҳликка эришиш мақсадида ҳаракат қилади. Республикамиз суд амалиётини ўрганиш натижасида биз, ЖК 238-моддаси 2-қисми билан қўзғатилган жиноят ишларини учратмадик. Бу ҳолат ушбу жиноятларнинг содир этилмаслигини англатмайди, балки мазкур жиноятнинг латентлик ҳолати юқорилиги, шу билан биргаликда турли хил таъсирларга дучор бўлган шахсларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилмасликлари билан ҳам изоҳланади. Шу билан биргаликда, ЖК 238-моддаси 2-қисми такомиллаштиришга муҳтож деб ҳисоблаймиз. Чунки ушбу, моддада гувоҳ ёки жабрланувчининг ёлғон кўрсатув бериши ёки экспертнинг нотўғри хулоса бериши ёҳуд таржимоннинг нотўғри таржима қилиши учун уларга ёки уларнинг яқин қариндошларига руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказиш оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги каби ҳолатлар ҳисобга олинмаган.

Бу борада Россия Федерацияси Жиноят Кодексида мазкур қилмиш ёлғон гувоҳлик учун жавобгарлик белгиланган моддадан алоҳида моддада берилганлиги (309-модда) диққатга сазовордир. Ушбу моддада гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ва таржимонни гувоҳлик бериш ёки бермаслик учун сотиб олиш ёхуд унга мажбурлаш каби қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган ҳамда унда ушбу қилмишни квалификация қилувчи белгилари ҳам очиб берилган. Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси ЖК 238-моддаси 2-қисмида кўзда тутилган жиноят ҳам алоҳида моддада берилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ЖК 238-моддасининг 3-қисмига биноан, ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этиш жавобгарликнинг оғир бўлишига олиб келиши белгиланган.

ЖК 238-моддасида белгиланган жавобгарлик айбдорнинг жазосини қилмишнинг даражасига кўра дифференциация қилиш имконини бермайди,

чунки жиноятнинг қандай оқибатларга олиб келиши, мотивига эътибор қаратилмаган. Шу сабабли ЖК 238-моддаси 3-қисмига қуйидагича ўзгартириш киритилиши таклиф қилинади:

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) айбловнинг сунъий далилларини келтирган ҳолда;

б) такроран;

в) оғир оқибатларга олиб келган бўлса,

уч йилдан беш йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланади.

### 2.5.2. Ёлғон гувоҳлик бериш ва ёлғон хабар бериш

Ёлғон гувоҳлик бериш била туриб ёлғон хабар бериш жиноятининг таркибига яқин туради, эски қонун ҳужжатларида, чунончи, 1926 йилги ЎзССР ЖК 95-моддасида бу қилмишлар битта моддада назарда тутилгани бежиз эмас. Дарҳақиқат, мазкур жиноятлар баъзи бир умумий жиҳатларига эга: махсус объектлари мос келади, иккала жиноят ҳам муайян нарсани ёлғон тарзда уқтириш билан боғлиқ, субъектив томондан ёлғон гувоҳлик ёки хабар била туриб берилиши билан тавсифланади. Лекин, шунга қарамай, била туриб ёлғон кўрсатув бериш ҳамда била туриб ёлғон хабар бериш мутлақо ҳар хил, ўз объектив ва субъектив аломатларига кўра бир-бирига кўп жиҳатдан қарама-қарши жиноятлардир.

Била туриб ёлғон хабар беришни ёлғон гувоҳлик беришнинг фақат бир туридан – айбловчи ёлғон кўрсатувлардан ажратиш ўринли бўлади[1]. Оқловчи хусусиятга эга ёлғон кўрсатувлар, фуқаролик процессида берилган ёлғон кўрсатувлар, ёлғон хулоса бериш ва нотўғри таржима қилиш ёлғон хабар бериш таркибига мутлақо яқин эмас.

Шунинг ўзиёқ таҳлил қилинаётган жиноятлар ўртасида жиддий тафовутлар мавжудлигини кўрсатади.

---

[1]Айдаров Т. Ёлғон хабар бериш ва ёлғон гувоҳлик бериш // Ҳаёт ва қонун. № 1. 2005. –Б. 58 ; Умархонов А. Ёлғон кўрсатма бериш // Ҳаёт ва қонун. № 3 2004. -Б. 23.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, айблов хусусиятига эга ёлғон кўрсатувлар суд амалиётида кам учрайди. Бу мазкур кўрсатувларнинг олдин одатда, ёлғон хабар берилиши билан изоҳланади.

Жиноятнинг содир этилиши хусусияти ва ҳолати бундай ёлғон кўрсатувларни ёлғон хабардан ажратиш учун мезон бўлиб хизмат қилади. Айбловчи ёлғон кўрсатувлар фақат қўзғатилган иш юзасидан берилиши мумкин, ёлғон хабар эса, қоида тариқасида, жиноят иши қўзғатилгунга қадар, баъзан қўзғатилган жиноят иши юзасидан берилади[1]. Сўнгги ҳолда ёлғон хабар бериш очилмаган жиноят бўйича учраши мумкин. Бунда ёлғон хабар берувчи “жиноятчи” ҳақида хабар беради. Очилган иш бўйича, эса, ёлғон хабар берувчи, айбдорни оқлаш мақсадида, тергов қилинаётган жиноятни содир этишда бошқа шахсни айблайди.

Юқорида тавсифланган вазиятда ёлғон маълумот бериш суд-тергов органлари томонидан ёлғон хабар бериш тўғрисидаги модда бўйича квалификация қилиниши лозим, башарти бу маълумотларни берувчи шахслар мазкур органлар ҳузурига ўз ихтиёри билан келган бўлса. Суд-тергов органлари ҳузурига жиноят тўғрисида ёки тергов қилинаётган иш бўйича жиноятни содир этган шахс тўғрисида хабар бериш учун ўз ихтиёрига кўра келган шахс аризачи ҳисобланади ва унинг хабари аризани қабул қилиш баённомаси билан расмийлаштирилиши, бунда аризачи ЖК 237- моддаси (ёлғон хабар берганлик учун жавобгарлик) тўғрисида огоҳлантирилиши лозим. Аммо оқлов хусусиятига эга ёлғон маълумотлар бериш учун ўз ихтиёри билан келган шахс иш бўйича гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши керак, чунки бундай маълумотлар ёлғон хабар бериш жиноятининг таркибини ҳосил қилиши мумкин эмас.

Ёлғон хабар беришдан баъзан ўзини-ўзи оқлаш ва ўзини-ўзи ҳимоя қилиш воситаси сифатида фойдаланилиши ҳам мумкин. Масалан, жиноятчи ўзи содир этган жиноят учун жавобгарликдан бўйин товлаш мақсадида ёлғон

---

[1] Айдаров Т. Ёлғон хабар бериш ва ёлғон гувоҳлик бериш // Ҳаёт ва қонун. № 1. 2005. –Б. 59

хабар бериши, бошқа шахсни бу жиноятни содир этганликда айблаши мумкин.

Жиноятни содир этган шахснинг ёлғон хабар бериши ЎзР ЖК 237-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим, башарти айбсиз шахс ҳақида ёлғон хабар бериш субъект томонидан унга қарши жиноят иши қўзғатилишидан олдин содир этилган бўлса. Шахс ўзига қарши жиноят иши қўзғатилганидан хабар топганидан кейин айбсиз шахс ҳақида ёлғон маълумот бериши ёлғон хабар бериш жиноятининг таркибини ҳосил қилмайди. ЎзССРнинг 1959 йилги ЖК бўйича бунга жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб қаралар эди.

Шундай қилиб, ёлғон хабар берган шахс ҳар хил мақсадларни кўзлаши мумкин, лекин объектив тарзда ёлғон хабар бериш жиноят иши қўзғатишга ёки шахсни у амалда содир этмаган жинояти учун жавобгарликка тортишга қаратилади.

Ёлғон кўрсатув беришнинг объектив йўналишлари ёлғон хабар беришникидан ранг-барангроқдир. Худди шунингдек, ёлғон кўрсатувлар берилиши мумкин бўлган ҳолатлар доираси ҳам ёлғон хабар беришнинг шундай ҳолатлари доирасидан кенгроқдир. Масалан, қилмишнинг квалификациялашга таъсир этмайдиган ҳолатлар юзасидан, чунончи: айбланувчи ёки жабрланувчи билан ўзаро муносабатлари, айбланувчининг шахси, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар тўғрисида ёлғон маълумот берилган бўлса, бундай қилмиш ёлғон хабар бериш бўлмайди. Бордию аризада айбдор мастлигида жиноят содир этгани тўғрисида ёлғон маълумот берилган бўлса, бунда ёлғон хабар бериш жиноятининг таркиби мавжуд эмас, лекин сўроқда гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида мана шундай ёлғон маълумот бериш ёлғон гувоҳлик беришнинг объектив томонини ташкил этади.

Бинобарин, ёлғон хабар беришни фақат жиноят таркиби элементларига тааллуқли ҳолатлар тўғрисидаги ёлғон маълумотлардан иборат бўлиши мумкин бўлса, нафақат қилмишни квалификация қилиш, балки жавобгарлик

ва жазони индивидуаллаштириш, далилларга тўғри баҳо бериш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар юзасидан ҳар қандай ёлғон маълумот тақдим этиш ҳам ёлғон гувоҳлик бериш ҳисобланади[1].

Учинчидан, ёлғон хабар бериш била туриб ёлғон кўрсатув беришнинг таркибидан жиноят содир этилган ҳолат бўйича ҳам фарқ қилади. Агар ёлғон хабар бериш жиноятининг таркиби мавжуд бўлиши учун мазкур хабар муайян давлат ҳокимияти органига берилишининг ўзи кифоя бўлса, ёлғон гувоҳлик беришнинг таркиби мавжуд бўлиши учун ёлғон кўрсатувлар фақат суд, суриштирув ва дастлабки тергов органлари қаршисида берилган бўлиши лозим.

Тўртинчидан, айбловчи ёлғон кўрсатувлар фақат гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида чақирилган шахслар томонидан берилиши мумкин, ёлғон хабар бериш эса аризачининг ташаббусига кўра содир этилади. Бундан ташқари, ёлғон хабар бериш била туриб ёлғон кўрсатув беришдан жиноят субъектига кўра ҳам фарқланади. Ёлғон хабар беришнинг субъектлари доираси била туриб ёлғон кўрсатув беришникига қараганда кенгроқдир.

Жиноят иши қўзғатилгунга қадар айблов мазмунида ёлғон кўрсатув беришдан олдин одатда, одил судлов органларига ёлғон ариза, яъни ёлғон хабар берилган бўлса қилмиш жиноятлар мажмуи сифатида квалификация қилинади. Ёлғон хабар беришни ёлғон гувоҳлик бериш билан бирга квалификация қилиш ҳолатлари суд амалиётида учраб туради. Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судида кўрилган иш бунга мисол бўлади. Фуқаро Ҳ.М. таниши Х.С.дан олган қарзини бермаслик мақсадида ИИБ га бориб Х.С. гиёҳванд моддалар сотиш билан шуғулланиши ҳақида хабар беради. Ҳ.М.ни тутиб бериш мақсадида уни ўзи ётган касалхонага пулни олиб кетиш учун чақиради. Касалхонада Ҳ.М. таниши Х.С.га 10000 сўм пулни беради. Х.С. касалхонадан чиқиб кетаётганида

[1] Гулямов З.Х. Преступления против правосудия. Т., Академия МВД РУз 1997.-С. 136; Горелик А.С., Лобанова В.Л. Преступления против правосудия. СПб, 2005. –С.203.

милиция ходимлари томонидан ушланади ва унинг ёнидан 10000 сўм пул чиқади. Ҳ.М. мана шу пулга Х.С. менга героин гиёҳванд моддасини сотди деб кўрсатма беради. Суд Ҳ.М.нинг ҳаракатларини ЖК 276-моддаси 2 қисми “а,б” бандлари, 237-моддаси 2- қисми “а,б” бандлари ва 238-моддаси 1-қисми билан айблаб ҳукм чиқаради[1].

Жиноятлар нотўғри квалификация қилинишининг асосий сабаби шундаки, жиноят содир этган шахс ўз қилмиши юзасидан ёлғон кўрсатув берганлиги учун жиноий жавобгар бўлиши мумкин эмас ва у ўзи жиноят содир этганлигини фош этиши мумкин эмас, деган қоидага суд амалиётида қатъий амал қилинмайди. Иккинчидан, ёлғон хабар берувчилар жабрланувчи ёки гувоҳ сифатида сўроқ қилинганларида, ёлғон гувоҳлик бериш учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириладилар ва бунга зид ўларок, била туриб ёлғон кўрсатув беришни амалиётчилар мустақил жиноят деб баҳолайдилар. Амалиётда эса бунга қарама-қарши бўлган вазият юзага келади: шахс ЖК 238-моддаси билан жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилади, аммо бундай жавобгарликка тортилмайди, башарти у олдин ёлғон хабар берган бўлса, зеро огоҳлантиришга зид иш тутиш ўз ҳолича ёлғон гувоҳлик бериш жиноятининг таркибини ҳосил қилмайди.

Ёлғон хабар бериш ёлғон гувоҳлик бериш билан бирга жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши мумкин эмас, чунки ёлғон хабар берувчининг кейинчалик ёлғон хабар билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан ёлғон кўрсатув бериши олдинги ҳаракатларининг мантиқий давоми ҳисобланади[2]. деб ёзган М. Хабибулин ва В. Мальков, шубҳасиз, ҳақдир.

Лекин А.В. Кузнецованинг фикрича, қуйидаги ҳолат юқорида зикр этилган жиноятларни жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилишга қарши асосий далил бўлиб хизмат қилади: «Била туриб ёлғон хабар беришда айбдор бўлган ва шу муносабат билан тергов ва суд органларига чақирилган

---

[1] Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг жорий архиви. 2006 йил 226-сонли жиноят иши

[2] Хабибуллин М., Малков В. Квалификация заведомо ложных показаний свидетелей и потерпевших по совокупности и иными преступлениями / / Советская юстиция, 1969. № 24. С.19.

шахс ўзини содир этилган жиноятда фош қилмасдан ҳаққоний кўрсатувлар бериши мумкин эмас»[1].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ёлғон хабар бериш билан ёлғон гувоҳлик бериш ўртасида фарқ амалда жиноятнинг объектив томонида намоён бўлади. Агар ёлғон хабар бериш айбсиз шахсни жиноят содир этганликда айблаш ёки айбдор шахсни амалдагидан оғирроқ жиноят содир этишда айблашга йўналтирилган ёлғон маълумотлар беришни назарда тутса, била туриб ёлғон кўрсатув бериш кўпинча айбдор шахсни оқлашга ёки унинг айбини енгиллаштиришга йўналтирилган бўлади, айблов хусусиятига эга ёлғон кўрсатувлардан олдин эса, одатда, ёлғон хабар берилган бўлади.

Бинобарин, айблов хусусиятига эга ёлғон кўрсатувлар, қоида тариқасида мустақил учрамайди. Амалиётчилар айбланувчига қарши била туриб ёлғон кўрсатув бериш ҳолатлари билан тўқнаш келганда, юқорида зикр этилган ҳолат уларни бу кўрсатувдан олдин ёлғон хабар берилган-берилмаганлигини муфассал аниқлашлари лозим бўлади.

### 2.5.3. Ёлғон гувоҳлик бериш ва туҳмат

ЖК 139-моддаси диспозициясида туҳмат қилиш била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш, деб таърифланади. Тергов жараёнида ёки судда айбсиз шахсни жиноят содир этганликда айблаш фуқаронинг шаъни ва қадр-қимматини қаттиқ таҳқирлайди, шу боис айблов мазмунидаги кўрсатувлар шарманда қиладиган маълумотлар ҳисобланади. “Била туриб ёлғон кўрсатув бериш нафақат одил судлов органларининг нормал фаолиятига қарши, балки жабр кўрган шахснинг шаъни ва қадр-қимматига қарши йўналтирилиши ҳам мумкин”[2].

Ёлғон гувоҳлик бериш билан туҳматнинг мазкур умумий жиҳати уларни бир-биридан ажратишни тақозо этади. Мазкур жиноятларни бир-биридан ажратишда асосий фарқ уларнинг тажовуз объекти ва объектив

---

[1]Кузнецова Н.Ф. Ответственность за заведомо ложных донос / / Советская юстиция, 1969. № 23. С.23.
[2]Шмидт А.А. Тактические основы распознавания ложных показаний и изобличения лжесвидетелей. (Криминалистическое и криминологическое исследование). Свердловск, 1973. –С. 34.

томонида намоён бўлади. Ёлғон гувоҳлик беришнинг объекти-ишларни тергов қилиш ва кўриб чиқиш манфаатлари, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати эса-туҳматнинг асосий объектидир. Объектив томондан, муайян жиноят ёки фуқаролик иши бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар юзасидан ёлғон кўрсатув берилган бўлса, ёлғон гувоҳлик бериш жиноятининг таркиби мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, бирга яшай олмаганлиги учун кўчириб юбориш тўғрисидаги фуқаролик даъвоси бўйича жавобгарнинг ғайриахлоқий ҳатти-ҳаракатлари уни кўчириб юбориш учун асос бўлади. Жавобгарнинг гўёки ғайриахлоқий ҳатти-ҳаракатлари тўғрисидаги берилган ёлғон хабар, уни шарманда қилувчи маълумот ҳисобланади, лекин туҳматнинг эмас, балки ёлғон гувоҳлик беришнинг таркибини ҳосил қилади, зеро, у одил судлов манфаатларига қарши йўналтирилгандир, чунки ёлғон маълумот ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар юзасидан берилган. Агар мана шундай шарманда қилувчи маълумотларни томонлар фуқаролик процессида берсалар, улар жабрланувчининг берган шикоят аризасига кўра туҳмат учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Шунингдек, жабрланувчи жиноят иши бўйича айбланувчини ҳам туҳмат учун жавобгарликка тортилишини талаб қилиши мумкин, чунки шахснинг шаъни ва қадр-қимматига тажовузни айбланувчиларнинг туҳматдан ҳимоя воситаси сифатида фойдаланганликлари тўғрисидаги фикри билан оқлаш мумкин эмас.

Туҳматда қилинганида ёлғон маълумотлар жисмоний шахслар ёки одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган идораларга берилади. Ёлғон гувоҳлик бериш эса фақат суриштирув, тергов ва суд органлари қаршисида содир этилади. Туҳмат вазиятга тааллуқли шартлар билан чекланмайди. Бундан ташқари, ёлғон кўрсатувлар фақат фуқаролик ёки жиноят судлов иш юритуви тартибида кўриб чиқилаётган қилмишларга тегишли бўлиши мумкин, туҳмат эса, бундан ташқари, ахлоқсиз ҳатти-ҳаракатларга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин. Шунингдек, туҳмат фактлар билан мустаҳкамланмаган шарманда қилувчи гапларда ифодаланиши ҳам

мумкин[1], ваҳоланки, ёлғон кўрсатувлар ҳар доим фактлар тўғрисидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштиради.

Охирги фарқ шундаки, ҳар қандай жисмоний шахс туҳмат субъекти бўлиши мумкин, аммо ёлғон гувоҳлик беришнинг субъекти фақат гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ва таржимондир.

Била туриб ёлғон кўрсатув бериш билан туҳмат амалда шахс иш учун аҳамиятли бўлган ёлғон маълумотлар берса ва айни вақтда, бошқа шахснинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирловчи, иш учун аҳамиятли бўлмаган уйдирмалар тарқатган бўлса жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши мумкин. Суд амалиётида бундай ҳолатлар учраб туради. Фуқаро Б.С. прокуратурага арз қилиб, учта милиция ходимлари уни рангли металл савдоси билан шуғулланганликда ноҳақ айблаб товламачилик йўли билан ундан 500000 сўм пул талаб қилганликларини билдирди. Ушбу кўрсатувини суриштирув ва дастлабки терговда ҳам такрорлади. Дастлабки тергов органи Б.С.нинг ҳаракатларини ЖКнинг 139-моддаси 3-қисмининг "а,г"бандлари (ғаразгуйлик ёки бошқа паст ниятларда оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айблаш) ва 238-моддаси 1-қисми билан квалификация қилган[2].

### 2.5.4. Ёлғон гувоҳлик бериш ва жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши

Жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши деганда, суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёки судда жабрланувчининг, гувоҳнинг кўрсатув беришни ёки экспертнинг хулоса беришни рад этиши ёхуд ундан бўйин товлаши тушунилади.

---

[1]Солодкин И.И., Филановский И.Г. Ответственность за оскорбление, клевету и побои. - М., Юрид.лит. 1969.-С. 34.

[2]Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Охангарон туман суди жорий архиви. 2006 йил

Жабрланувчи, гувоҳнинг кўрсатув беришни рад қилиши шахснинг кўрсатув беришдан бўйин товлашини очиқ, тўғридан-тўғри маълум қилишида ёки сукут сақлашида, сўроқ қилувчинининг саволларига жавоб бермаслигида намоён бўлади. Кўрсатув беришни рад қилиш шахснинг иш ҳолатларидан огоҳлигини билдиради. Кўрсатув беришдан бош тортар экан, шахс одил судлов органларини адаштирмайди. Ёлғон кўрсатув беришга таққослаганда, кўрсатув беришни рад қилишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси пастлиги шунда намоён бўлади. Агар кўрсатув беришдан бўйин товлаш билан бир вақтда, гувоҳ иш юзасидан ҳеч нарса билмаслигини ҳам маълум қилса, бу билан у ёлғон кўрсатув берган ва одил судлов органларини адаштиришга ҳаракат қилган бўлади.

Кўрсатув беришдан бўйин товлаш деганда, кўрсатув беришдан тўғридан - тўғри бош тортишда ҳам, ёлғон маълумот беришда ҳам намоён бўлмайдиган ҳаракатлар тушунилади. Кўрсатув беришдан бўйин товлаш бу, биринчидан, кўрсатув беришдан ўзини олиб қочиш мақсадида шахснинг чақирув бўйича келмаслиги, иккинчидан, берилган саволларга тўғридан-тўғри жавоб беришдан қочиши, ўзини ҳеч нарса тушунмаётган “анойи”, касал қилиб қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишидир. Кўрсатув беришдан бўйин товлаш сўроқ пайтида ўзини тоби қочган қилиб кўрсатиш, сўроққа сурункали маст ҳолда келиш ва ҳоказоларда ҳам намоён бўлиши мумкин[1]. Ҳозирда айниқса кенг тарқалган жиноят тури – шахснинг чақирув бўйича узрли сабабларсиз ҳозир бўлмаслиги ҳам, фикримизча кўрсатув беришдан бўйин товлаш жиноят таркиби аломатларига мос келади. Бу ҳолда чақирув бўйича ҳозир бўлишдан бўйин товлаш кўрсатув беришдан бўйин товлаш усули бўлиб хизмат қилади. Бунда шахс чақирув бўйича кўрсатув беришдан бўйин товлаш мақсадида ҳозир бўлмаганини исботлаш талаб этилади. Сўроқ жараёнида тергов қилинаётган ёки кўриб чиқилаётган ишнинг ҳолатларини

---

[1]Рахимов Ю. Вопросы психологичекского подхода к показаниям свидетеля. Фергана. Фер. Гос. Унив. 1996. –С. 24.

бузиб кўрсатиш мақсадида муайян фактларни била туриб яшириш ёлғон кўрсатув бериш деб квалификация қилиниши лозим.

В.Н. Кудрявцевнинг фикрича судга келишдан шахснинг бўйин товлаши кўрсатув беришдан бўйин товлаш ҳисобланмайди ва шу боис у жавобгар бўла олмайди. А.С. Михлин эса, аксинча, кўрсатув беришдан бўйин товлаш шахснинг судга, терговчи, суриштирув органига чақирув бўйича келишидан бўйин товлаш шакли бўлиши ҳам мумкин[1], деб қайд этади. Кўрсатув беришдан бўйин товлашни Б.В. Здравомыслов ва А.И. Чучаев ҳам шундай талқин қилади[2]. Хусусан, Б.В. Здравомыслов кўрсатув беришдан бўйин товлаш шахснинг бундан бўйин товлашида, яшириниб юришида, яшаш жойини ўзгартиришида, чақирув бўйича келмаслигида ифодаланиши мумкин[3], деб қайд этади.

Ёлғон гувоҳлик беришда шахс ёлғон маълумот беришни ва шу орқали ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни адаштиришни хоҳлайди, бунда у сукут сақлашдан ҳам фойдаланади. Кўрсатув беришдан бўйин товлашда шахс рост маълумот ҳам, ёлғон маълумот ҳам беришни хоҳламайди.

### 2.5.5. Ёлғон гувоҳлик бериш ва жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш

Била туриб ёлғон кўрсатувлар бериш ҳамда жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш (ЖК 241-моддаси) бир қанча умумий аломатларга эга бўлиб, амалда уларни бир-биридан ажрата олиш керак.

Ёлғон гувоҳлик берувчи оқловчи ёлғон кўрсатувлар берар экан, кўпинча жиноятчини одил судловдан яширади, унга жиноий жавобгарликдан қутулиб қолишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, жиноятчи, аниқроғи, унинг айбдорлиги жисмоний ҳаракатлар билан эмас, балки ақлий ҳаракатлар билан яширилади. Бу нуқтаи

---

[1]Российское уголовное право. Особенная часть / Под ред. В.Н.Кудрявцева. М.: Юрист, 1997. С.411.
[2]Уголовное право Российской Федерациии. Особенная часть / Под ред. Б.В.Здравомыслов. М.: Юрист, 1996. С.465; Уголовное право России. Особенная часть / Под ред. А.И.Рарога. М.:Триада, лтд, 1996. С.404.
[3]Уголовное право Российской Федерациии. Особенная часть / Под ред. Б.В.Здравомислов. М.: Юрист, 1996. С.465.

назардан олиб қараганда, жиноятчи жисмонан яширилганида ҳам, жиноятчини оқловчи ёлғон кўрсатув берилганида ҳам бир хил мақсадлар кўзланади, лекин ҳар хил ҳаракатлар ёрдамида амалга оширилади[1].

Маълумки, ЖК 241-моддасида жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш тушунчаси анча тор талқин қилинади.

Қонун (ЎзР ЖК)га биноан жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш деганда, тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаслик, оғир ёки ўта оғир жиноятларни олдиндан ваъда бермасдан яшириш назарда тутилади.

Ушбу моддада фақат тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган жиноятлар ҳақида хабар бермаслик учун жавобгарлик белгиланган, аммо содир этилаётган жиноят ҳақида хабар бермаслик ҳолати эътибордан четда қолган. Амалиётда жиноят қандай содир этилаётганлигини кўрган ва бу ҳақда ҳокимият органларига хабар бермаган шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилишда қийинчиликларга дуч келинмоқда, амалда ҳолатга кўра фақат тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилиб бўлинган жиноялар ҳақида хабар бермаганлик учун жавобгарлик белгиланган. Фикримизча, ЖК 241-моддаси 1-қисмида нафақат тайёргарлик кўрилаётган ва содир этилган жиноятлар ҳақида, балки содир этилаётган жиноят ҳақида хабар бермаслик учун жавобгарлик белгиланиши ушбу жиноятни квалификация қилишда амалиётда юзага келадиган муаммоларни бартараф қилишга хизмат қилади.

Бинобарин, ёлғон гувоҳлик бериш билан жиноятни яширишни объектив томонига қараб қуйидагича фарқлаш мумкин: жиноятни яшириш фақат жисмоний ҳаракатлар ёрдамида, ёлғон кўрсатув бериш эса-ақлий ҳаракатлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Ёлғон кўрсатув фақат

---

[1]Отажонов А. Жиноятга дахлдорлик // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 2008. № 1. 38-41; Зарубин А.В. Формы и виды прикосновенности к преступлению // Нучный вестник ТЮИ МВД России. Вып.2. –Тюмень, 2003. –С 53-55; Глухова О.В. Уголовная ответственность за недонесение об орудиях и средствах совершения преступления, следах преступления, предметах, добытих преступным путем // право и государство. –Минск: БГУ, 2004. –С. 204-205; Гулямов З.Х. Уголовная ответственност за несообщение о преступлении или его укрывательство. Учебное пособие. –Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1997. –С. 24; Хабибуллин М.Х. Ответственность за укрывательство преступлений и недоносительство по советскому уголовному праву. Казань, 1984. –С. 45.

муайян вазиятда: суриштирув, тергов жараёнида ёки судда берилиши мумкин. Ёлғон кўрсатув айблов мазмунида бўлиши ва нафақат жиноий қилмиш ҳолатларига, балки, айтайлик, айбланувчининг таърифига, шунингдек бошқа ҳуқуқбузарликлар ҳолатларига тааллуқли бўлиши ҳам мумкин.

Ёлғон кўрсатув беришдан фарқли ўлароқ, жиноятни яшириш учун жиноят содир этилган вазият таркибнинг мажбурий элементи ҳисобланмайди. Бундан ташқари, жиноятни яшириш, жисмонан кўмаклашиш сифатида, оғир ёки ўта оғир жиноятлар яширилган ҳоллардагина жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Била туриб ёлғон кўрсатув бериш, ёлғон гувоҳлик берилган жиноятнинг мазмуни ва оғирлигидан қатъи назар, жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Жиноятни содир этган ва яширилаётган шахсдан бошқа ҳар қандай шахс жиноятни яширишнинг субъекти бўлиши мумкин. Гувоҳ ёки жабрланувчи аломатларига эга шахсгина била туриб ёлғон кўрсатув беришнинг субъекти бўлиши мумкин.

Субъектив томондан, шахснинг яширганлик учун жавобгарлик келиб чиқадиган жиноят аломатларини билиши жиноятни яшириш учун жавобгарликнинг зарурий шарти ҳисобланади. Гувоҳ жавобгар бўлиши учун у ёлғон кўрсатув берилаётган ҳолат иш учун аҳамиятли эканлигини тушуниши кифоядир.

Қоида тариқасида, ёлғон гувоҳлик бериш билан жиноятни яширишни жиноятлар мажмуи бўйича тавсифлаш мумкин эмас. Жиноятни яшириш ва оқловчи ёлғон кўрсатув бериш дахлдор қилмишлар қаторига киради, яъни улар фақат асосий жиноят муносабати билан содир этилиши мумкин.

Лекин, жиноятни яширган шахс айбдорнинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи ёлғон кўрсатувлар берган бўлса, бундай қилмишни жиноятлар мажмуи бўйича тавсифлаш мумкин. Аммо жиноятни яширган шахсни мазкур ҳолат юзасидан сўроқ қилишда унга жиноят содир этган шахс

деб қараш лозим, бинобарин, у била туриб ёлғон кўрсатув бериш субъекти бўлиши мумкин эмас. Шундай қилиб, жиноятни яширган шахснинг ўз жиноий ҳаракатларини яшириши ёки ёлғон тарзда ёритиши ёлғон гувоҳлик бериш ҳисобланмайди.

Шунингдек, жиноятни яширган шахс асосий жиноят тўғрисида ҳаққоний кўрсатув бериш орқали ўзининг мазкур жиноятни яширганлигини фош қилиши мумкин бўлган ҳолларда ҳам ёлғон гувоҳлик бериш учун жавобгарлик мавжуд бўлмайди. Дарвоқе, бу юқорида зикр этилган қилмишларни жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилишга қарши асосий эътироз ҳисобланади. Агар асосий жиноятнинг ҳолатлари тўғрисида ёлғон кўрсатув бериш фош бўлишдан ҳимояланиш воситаси ҳисобланса, бу ёлғон гувоҳлик бериш учун жавобгарликни соқит этади.

Лекин амалиёт шуни кўрсатадики, жиноятни яширувчилар баъзан ўз ҳаракатлари тўғрисида ҳаққоний кўрсатув берганлари ҳолда, жиноятчини оқлаш ёки унинг жавобгарлигини енгиллаштириш мақсадида, асосий жиноят ҳолатларини била туриб бузиб кўрсатадилар. Ўзини-ўзи ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлмаган бундай ёлғон кўрсатувлар ҳам жиноий деб топилиши лозим[1].

Агар жиноятни яшириш жиноий жазога сазовор қилмиш бўлмаса, ёлғон кўрсатув бериш учун жавобгарликка тортишда жиноят ёки жиноятчини жисмонан яшириш ҳаракатлари шахсга айб қилиб қўйилмаслиги ва унинг жавобгарлигини оғирлаштирмаслиги керак.

---

[1]Гулямов З.Х. Уголовная ответственность за несообщение о преступлении или его укрывательство. Учебное пособие. –Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1997. –С. 24;Уголовное право Российской Федерации. Особенная часть / Под ред. Б.В.Здравомислова. М.: Юрист, 1996. С.465; Баймурзин Г.И. Ответственность за прикосновенность к преступлению.-Алма-Ата., Наука, 1968.-С. 118.

# III БОБ. ЁЛҒОН ГУВОҲЛИКНИНГ КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

## 3.1. Ёлғон гувоҳлик беришнинг криминологик тавсифи

Жиноятнинг криминологик тавсифи муайян жиноят тури ҳақидаги маълумотлар мажмуидан таркиб топади.Бу маълумотлардан жиноятнинг олдини олиш мақсадида фойдаланилади. А.И. Кудрявцев ва В.Е. Эминов жиноятнинг криминологик тавсифига жиноятчиликнинг ҳолатини, жиноятчининг шахсини ва жиноятчилик сабабларини тавсифловчи маълумотларни киритади[1].

Аммо кўпгина асарларда, шу жумладан барча дарсликларда «...криминологик тавсифи» кичик сарлавҳаси фақат муайян жиноятиинг ҳолати, тузилиши,динамикасива жиноят содир этган шахслар тўғрисидаги эмпирикмаълумотлар таҳлилини қамраб олади[2].

Бошқа муаллифларнинг асарларида келтирилган суд статистикасини ўрганиш, ёлғон гувоҳлик бериш анча кенг тарқалганлигига қарамай, бу қилмиш тўғрисидаги жиноят ишларининг жуда камлигини кўрсатади. Жиноятчиликнинг умумий таркибида ёлғон гувоҳлик беришнинг улуши жуда ҳам кам. Биз томонимиздан 2000 - 2007 йиллар мобайнида ўрганилган маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикасида ёлғон гувоҳлик бериш жиноятлари ўсиб бормоқда.

Одил судловга қарши жиноятлар ичида ёлғон гувоҳлик бериш тўғрисидаги ишлар кўпчиликни ташкил этади.

Тадқиқот олиб борилган йилларда пора эвазига кўрсатув бериш, нотўғри таржима қилишга оғдириш ёки мажбурлаганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш бўйича ишлар кузатилмади. Бу ушбу жиноятларнинг умуман содир этилмаслигидан далолат бермайди, аммо бундай тайзиққа учраган

---

[1]Эминов В.В. Криминологическая характеристика преступлений //Криминология; Учебник / Под ред, акад. А.И.Кудрявцева, проф.В.Е.Эминова. М.Юрист, 2005. С. 211.

[2]Криминология: Учебник / Под ред. А.И. Долговой. М.: Инфра-М-Норма. 1997; Криминология / Под ред. В.Н. Кудрявцева и В.Е. Эминова; Криминология: Курс лекций. СПб., 1995; Криминологья / Под ред Н.Ф. Кузнецовой и Г.М. Миньковского.М., 1994., Криминология: Учебное пособие. Под ред. д.ю.н., проф. Н.Ф.Кузнецовой. М. “Проспект”. 2007; Абдурасулова К.Р., Иркаходжаев А.К. Практикум по “Криминологии” ТГЮИ. 2006.

шахсларнинг одил судлов органларига бу ҳақда хабар бермасликлари мазкур жиноятларнинг латентлик даражаси юқорилигича қолишига сабаб бўлмоқда. Жабрланувчи ва гувоҳларга тазйиқ ўтказиш асосан уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилиши, жабрланувчилар ёки гувоҳларнинг ўч олинишдан қўрқишини ҳисобга оладиган бўлсак, мазкур жиноятлар латентлиги даражаси юқорилигининг сабаблари ойдинлашади. И.Исмоиловнинг фикрича эса, жиноят қурбонларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар қилиш зарурлигини, кимга ва қандай тартибда мурожаат қилиш кераклигини билмаслиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нисбатан ишончсизликнинг мавжудлиги, уюшган жиноий гуруҳлар содир қилаётган жиноятлар ҳақида хабар бермасликнинг асосий сабабларидандир[1].

Республикамизда аниқланган ёлғон гувоҳлик бериш жиноятларининг таҳлили мазкур жиноят динамикасида кескин ўзгаришлар мавжудлигини, буни ҳеч қандай объектив омиллар билан тушунтириб бўлмаслигини кўрсатади. Тадқиқотимиз жараёнида олинган маълумотларни бошқа тадқиқот ва таҳлилларнинг материалларига таққослаш ёлғон гувоҳлик бериш динамикасидаги бундай сакрашлар мазкур жиноят учун қонуний эканлигидан ва ёлғон гувоҳликка беришга нисбатан судьялар, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари асосан субъектив ёндошиши билан изоҳланишидан далолат беради. Шу нарса диққатга сазоворки, расмий органлар ҳеч қачон ёлғон гувоҳлик беришга қарши курашни кучайтиришни талаб қилмаганлар.

Россияда ёлғон гувоҳлик бериш учун ҳукм қилинганлар миқдори ҳақидаги айрим маълумотлар ҳам мазкур қилмишга қарши курашга муносабатанча пассив эканлигидан далолат беради. Масалан**,** 1924 йилда Россияда ёлғонхабар бериш ва ёлғон гувоҳлик бериш учунжами 3862 киши**,** шу жумладан 2835 та эркак ва 1027 та аёл жазога ҳукм қилинган[2]**.**

---

[1]Исмаилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. Тошкент. 2005. 142-143 б.
[2] Пионтковский А. Советское уголовное право. В 2-х т. т. 2. Часть Особенная. М.-Л., 1928. С. 337.

1962 йилда ёлғон хабар бериш, ёлғон гувоҳлик бериш ва кўрсатув беришдан бош тортишучун бир неча баравар кам одам жавобгар қилинган. 1965 йилдамазкур моддалар бўйича ҳукм қилинганлар сони 1962 йилдагига нисбатан 40,7% ўсган[1].

Ёлғон гувоҳлик беришни баъзи ҳуқуқшунослар анча кам учрайдиган жиноят деб ҳисоблашади. Аммо, биз томонимиздан ўрганилган ишларда ёлғон гувоҳлик бериш ҳоллари анча кўп учрайди, айниқса, дастлабки терговда ва судда берилган кўрсатувлар орасида фарқ қилувчи ҳолатлар кўпчиликни ташкил этади, бироқ улар ишнинг оқибатига жиддий таъсир қилмаганлиги сабабли судлар тарафидан ушбу ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатиш ҳоллари кам учрайди.

Судьялар, терговчиларва прокурорлар ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра,ёлғон гувоҳлик беришнинг латентлик даражаси 50% ни, фуқаролик ишлари бўйича эса — қарийб 90% ни ташкил этади.

Бошқа тадқиқотларнинг материаллариҳам ёлғон гувоҳлик бериш анча кенг тарқалганлигидандалолат беради. Судьяларўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, жами ҳолатларнинг 24,8% да судлар гувоҳлар ёки жабрланувчилар била туриб ёлғон кўрсатув берганлигини эътиборга олишмаган ёки унга жиддий эътибор қаратишмаган.

Дастлабки тергов органлари ва судьялар ёлғон гувоҳлик бериш ҳолларига нисбатан жиддий эътибор қаратмаганлигининг сабаблари сифатида уларнинг ортиқча иш учун вақти йўқлиги, мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасининг пастлиги, кўпинча ушбу жиноятларнинг амнистия акти асосида иш юритилишидан тўхтатилиши каби омилларни кўрсатишган. Республикамизда ёлғон гувоҳлик бериш билан боғлиқ жиноятларнинг 41,6 % и амнистия акти қўлланиб, айблилик масаласи ҳал этилмасдан суд ажрими билан иш юритувдан тўхтатилганлиги ҳам бундан далолат беради.

[1]Фельдблюм В.С. Уголовная ответственность за заведомо ложное показание Дисс. на соик. канд. Юрид. наук. М., 1972. С.89.

С.А. Новиков ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ёлғон гувоҳлик бериш ҳолларига нисбатан жиддий эътибор қаратмаслигига сабаб сифатида, мазкур жиноят учун жазонинг ҳаддан ташқари енгиллигини кўрсатади[1].

Б.И. Исмаилов республикамизда гувоҳларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ёлғон гувоҳлик бериш ҳоларини олдини олишга хизмат қилади деб ҳисоблайди[2].

Ўзбекистонда 2000-2007 йилларда кўрилган жиноят ишларини таҳлил қилиш жараёнида 100 та ёлғон гувоҳлик берганлик учун жиноят ишлари қўзғатилганини, шулардан фақат 58,4 % га нисбатан суд хукми чиққанлиги, 41,6 % да амнистия акти асосида иш юритувдан тўхтатилганлиги аниқланди.

Била туриб ёлғон кўрсатув бериш билан боғлиқ ҳолатларнинг 89,5% да ёлғон кўрсатувлар олдиндан тайёрлангани аниқланди. Бу ҳолатларнинг 84,7% да ёлғон кўрсатувларни айбдорларнинг ўзи, 5,1% да — манфаатдор шахслар тайёрлаган, 10,2% да ёлғон кўрсатув бериш нияти қўққисдан, хусусан, сўроқ жараёнида туғилган. Кўпинча (жами ҳолатларнинг 67,7% да) ёлғон гувоҳлик берувчилар дастлабки тергов жараёнида берилган кўрсатувларни суд мажлисида ўзгартирганлар.

А. Ратинов ва Ю. Адамов жами гувоҳлик бериш ҳолатларининг қарийб 80% дастлабки ҳаққоний кўрсатувларни кейинчалик ёлғон кўрсатувларга ўзгартиришда ифодаланишини қайд этадилар, бунда барча ёлғон гувоҳлик берувчиларнинг тўртдан уч қисми судда ёлғон кўрсатув берган[3]. Бизнинг тадқиқотларда ҳам шунга ўхшаш ҳолат кузатилди, яъни ёлғон гувоҳлик бериш билан боғлиқ ишларнинг 67,7 % да дастлабки терговда берилган кўрсатувларнинг судда ўзгартирилиши аниқланди.

Ёлғон гувоҳлик берганлар орасида хотин-қизлар фоизи юқорилигини барча тадқиқотчилар қайд этганлар. Ёлғон гувоҳлик берганлар орасида хотин — қизлар А.А. Закатов маълумотларига кўра — 43,6% ни, А. Ратинов ва Ю.

[1]Новиков С.А. Наказание за лжесвидетельство: дискуссионные вопросы. // Российский следователь.№ 5 2006. С 10-12.

[2]Исмаилов Б.И. Теоретические аспекты совершенствования законодательных основ защите потерпевших, свидетелей и иных участников уголовного судопроизводства. Суд-ҳуқуқислоҳотлари: ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш истиқболлари // Илмий-амалий конференция материаллари. Т. ТДЮИ. 2007 й. 120-б

[3]Ратинов А., Адамов Ю. Лжесвидетелство. М., 1970. С. 32, 34.

Адамов маълумотларига кўра — 35,4% ни, В.С. Фельдблюм маълумотларига кўра — 42,5% ни ташкил этади[1]. Бизнинг кузатишларимизда Республикамизда бу ҳолат 25 % ни ташкил этиши аниқланди. Бу ҳолат турли сабаблар билан изоҳланади. Биринчидан, республикамизда аёллар одатда турли ҳокимият идораларига, одил судлов органларига боришни ҳоҳлашмайди, иккинчидан хотин-қизлар томонидан берилган ёлғон гувоҳликлар кўпинча қариндошчилик туйғулари билан боғлиқлиги сабабли ҳам уларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиши ҳоллари кам учрайди.

Республикамизда ёлғон гувоҳлик берганлиги учун жавобгарликка тортилганлар ёшига қараб қуйидагича тавсифланади: вояга етмаганлар (16—18 ёшлилар) — 0%; 18 — 25 ёшлилар — 30 % ; 25-30 ёшлилар – 8 %; 30 — 35 ёшлилар — 16 %; 40 ёшдан катталар — 46%.

Умуман олганда, ёлғон гувоҳлик берувчилар ёш хусусиятига кўра бошқа жиноятчиларнинг ёш таркибидан унча фарқ қилмайди. Вояга етмаганлар томонидан ёлғон гувоҳлик берилиши бундан мустаснодир. Мазкур жиноятчилик даражаси вояга етмаганларнинг бошқа жиноятлари даражасидан жиддий фарқ қилади. Бу ҳолат шу билан изоҳланадики, биринчидан 16 ёшга тўлмаган гувоҳлар ёлғон кўрсатув берганликлари учун жавобгарликка тортилишмайди, иккинчидан вояга етмаганларни сўроқ қилишда қонуний вакиллар, ҳимоячиларнинг иштирок этиши ҳам улар кўрсатувларининг ҳаққонийлигини таъминлашга таъсир кўрсатади, учинчидан, дастлабки тергов органлари ва судьялар вояга етмаганларни мазкур жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортмасликни афзал кўришади.

Жиноятчилар ёшини уларнинг жинсига таққослаб таҳлил қилиш 18 — 25 яшар эркаклар орасида ёлғон гувоҳлик берганлар худди шу ёшдаги хотин-қизлар орасида ёлғон гувоҳлик берганлардан бир неча баравар кўплигини кўрсатади. 20 ёшдан бошлаб ёлғон гувоҳлик берган хотин-қизлар миқдори

---

[1]Закатов А.А. Ложь п борьба с нею. Волгоград, 1984. С. 51; Ратинов А., Адамов Ю. Лжесвидетельство. М., 1976. С .27; Фельдблюм В. С. Уголовная ответственность за заведомо ложное показание: Дисс.на соиск. канд. юрид. наук.. М., 1972. С. 277.

кўпайиб боради ва 45 ёшдан кейин яна камаяди. Буни, энг аввало, 20 — 45 ёшда аёлларнинг оилавий ҳаёти фаол кечиши ҳамда улар оилавий муносабатларни ҳамма нарсадан устун қўйиши билан изоҳлаш мумкин.

Ёлғон гувоҳлик берувчилар маълумот даражасининг тавсифи маълум криминологик аҳамиятга эга, зеро, шахс маданияти, унинг ижтимоий ҳолати, хаётда ўз олдига қўйган мақсадлари ва уларни рўёбга чиқариш имкониятлари билан боғлиқ[1]. Ёлғон гувоҳлик берувчилар маълумот даражасига кўра ҳам бошқа жиноятчилардан деярли фарқ қилмайди. Ҳозирги вақтда саводсиз ва маълумоти паст шахслар деярли учрамайди. Ёлғон гувоҳлик берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилганлар орасида ўрта маълумотлилар 58 % ни, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар — 9 % ни, олий ва тугалланмаган олий маълумотлилар — 33 % ни ташкил этади.

Табиийки, ўтган асрнинг 60 ва 70—йилларида ёлғон гувоҳлик берганларнинг маълумот даражаси анча паст бўлган. Бу ҳол олимларнинг тадқиқотларида ҳам қайд этилган. Масалан, В.С.Фельдблюм олган маълумотларга кўра, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар 51,7% ни, ўрта маълумотлилар— 23,4% ни, тўлиқсиз олий маълумотлилар — 1,5% ни ва олий маълумотлилар—2,3% ни ташкил этади[2]. Ёлғон гувоҳлик берувчилар маълумот даражасининг ўсгани гувоҳлик бурчига муносабат шахснинг маълумот даражаси билан белгиланмайди, деган фикрни яна бир карра тасдиқлайди.

Ёлғон гувоҳлик берганлар орасида илгари бошқа жиноят қилганлиги учун судланганлар 41,6 % ни ташкил этади, шундан илгари бир марта судланганлар 8,3 % ни, илгари икки марта судланганлар 33,3 % ни ташкил этади. Илгари судланганлик жинсга қараб қуйидагича тақсимланади; эркаклар -75 % , аёллар -25 %. Илгари ёлғон гувоҳлик бергани учун судланган шахслар (махсус рецидив) аниқланмади.

---

[1]Криминология // Под ред. Н.Ф. Кузнецовой и Г.М. Миньковского. М., 1994.С. 104.

[2]Фельдблюм В.С. Уголовная ответственность за заведомо ложное показание:Дисс.на соиск. канд. юрид. наук.. М., 1972. С. 278

Тадқиқотимиз натижаларига кўра ёлғон гувоҳлик берганлар орасида гувоҳлар ва жабрланувчилар кўпчиликни ташкил этади. Ёлғон гувоҳлик бериш субъектлари сифатида жабрланувчилар -16% ни, гувоҳлар 70% ни, экспертлар 14% ни ташкил қилди. Таржимонларнинг ёлғон гувоҳлик беришга доир жиноят ишлари аниқланмади.

Ёлғон гувоҳлик бериш субъектлари ижтимоий ҳолатига кўра қуйидагича тақсимланадилар; ишчилар — 16,%, хизматчилар — 25%, вақтинча ишсизлар – 50%, маҳкумлар – 9 %.

Бу жиноят, қоида тариқасида, бир шахс томонидан содир этилади. Ҳатто бир жиноят иши бўйича ўтаётган гувоҳлар ва жабрланувчилар ўзаро тил бириктирган ҳоллар ҳам жуда кам кузатилади. Асосан экспертлар томонидан нотўғри хулоса бериш иштирокчиликда содир этилади. Ёлғон гувоҳлик беришга доир ишларнинг 8% и иштирокчиликда амалга оширилган.

Ёлғон гувоҳлик беришнинг мотиви ўрганилганида мазкур жиноят кўпроқ айбдорларни оқлаш ёки уларнинг жавобгарлигини енгиллаштириш мақсадида содир этилиши аниқланди. Ўрганилган ишларнинг 33,3%ида айблов мазмунидаги кўрсатувлар, 66,6%ида оқлов мазмунидаги кўрсатувлар берилган.

Спиртли ичимлик ёки гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиш туфайли маст ҳолда била туриб ёлғон кўрсатув бериш амалда мумкин эмас, чунки бундай аҳволдаги гувоҳлар ва жабрланувчиларни сўроқ қилиш қонунда тақиқланади.

Ёлғон гувоҳлик беришнинг криминологик тавсифи қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, унинг одил судлов учун хавфлилиги ва мазкур жиноятни содир этувчи шахсларнинг хусусиятлари ўртасида жиддий фарқ мавжудлигини кўрсатади.

## 3.2. Ёлғон гувоҳлик беришнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар

Криминологияда жиноятчилик сабаблари ҳақидаги1) социологик, 2) ижтимоий, 3) психологик, 4) психологик ва ижтимоий-биологик назариялар мавжуддир.

Социологик назарияларнинг вакиллари жиноятчиликни онглиходисалар билан боғлиқ бўлмаган ижтимоий — иқтисодий сабаблар вужудга келтиради деб ҳисоблайдилар. Бунда айрим -тадқиқотчилар (В.С. Афанасьев, Я.И. Гилинский, П.Н. Осипов, В.В. Орехов) бу сабабларни фақат жиноятчиликнинг умумий сабабларига, бошқа тадқиқотчилар (Ю.Д. Блувштейн, В.А. Номоконов, Э.Э. Раска, Л.И. Спиридонов, А.М. Яковлев) эса сабабий боғланишнинг барча даражаларига: бутунжиноятчиликка, жиноятларнинг гуруҳлари ва турларига, муайян жиноятларга татбиқ этади[1].

Бунда жиноятчиликнинг асосий сабабини айрим олимлар ( П.П. Осипов) ишлаб чиқариш кучлари даражаси унча юқори эмаслиги, деб кўрсатсалар, бошқа олимлар ноантогонистик қарама — қаршиликларнинг салбий кўринишларида (С.С, Сидоров, В.Б. Ястребов), моддий ва бошқа тарздаги ижтимоий тенгсизликда (В.В. Орехов), жамият ҳаёти издан чиққанида (Ю.Д, Блувштейн, Э.Э. Раска, А.М. Яковлев), умуман ноантагонистик қарама-қаршиликларнинг мавжудлигида (Я.И. Гилинский) деб ҳисоблайдилар.

Ижтимоий-психологик йўналиш вакиллари жиноятчилик, шу жумладан, муайян жиноятларнинг сабабларини ижтимоий борлиқ ва онг билан боғлиқ ижтимоий ва психологик омиллар билан тушунтиради (Ю.А. Афиногенов, М.М. Бабаев, А.И. Долгова, К.Е. Игошев, И.И. Карпец, В.М. Коган, В.Н.

---

[1]Афанасьев В.С. О роли противоречий в развитии детерминации правонарушений при социализме// Советское государство и право. 1986. №5. С. 31-38, Блувштейн Ю.Д., Яковлев А.М. Введение в курс криминологии. Минск, 1983. С. 33-51; Гилинский Я.И. Проблема причинности в криминологической науке // Сов. гос. и право- 1986. №8. С. 67-72; Комплексное изучение системы воздействия на преступность. С. 41-54; Малеин Н.С. Правонарушения: понятия, причины, ответственность. М., 1985. С. 81-101; Номоконов В.А. 0 проблеме изучения причин преступности //Вопросы борьбы с преступностью. Вып. 44 М, 1986. С. 3-9; Орехов В.В. Социальное планирование и вопросы борьбы с преступностью- Л., 1972. С. 16-25; Спиридонов Л.И. Социология уголовного права. М., 1986. С. 52-61; Чуфаровский Ю.В. Криминология в вопросах и ответах. Учебное пособие. М. Проспект. 2004. С-144

Кудрявцев, Г.М. Миньковский, А.Б. Сахаров, Г.С. Саркисов, А.С. Шляпочников ва б.)[1].

Жиноятчилик сабабларини тушунтиришнинг психологик йўналишларига В.В. Волженкин, П.И. Гришаев, Н.Ф. Кузнецова, С.С. Остроумов, А.Р. Ратинов ва Н.А. Стручковларнинг илмий ишларида эътибор берилган[2]. Агар ўтган асрнинг 50-60 – йилларида чоп этилган адабиётларда ўтмиш сарқитларига айрим шахсларнинг реал муҳитда асосга эга бўлмаган маънавий-психологик нуқсонлари деб қаралган бўлса, ҳозирдаулар объектив ва субъектив хусусиятга эга бўлган маълум ижтимоий шарт-шароитлар билан ҳам боғланмоқда.

Жиноятчилик сабабларининг ижтимоий — биологик концепцияси тарафдорлари Ю.М. Антонян, Ю.А. Демидов, В.П. Емельянов, Б.Д. Овчинников ва И.С. Ной ҳисобланадилар[3].

Ижтимоий-психологик концепцияларнинг тарафдорлари жиноятчилик сабаблари билан муайян жиноятнинг сабаблари бир-бирига мос келмайди ва улар бир хил эмас, деб кўрсатадилар.

Жиноят объектив тарзда мавжуд бўлиб, ижтимоий қарама- қаршиликлар билан чамбарчас боғлиқдир; жиноятчилик сабаблари тарихан ўзгарувчандир;

---

[1] Долгова А.И. Социально-психологические аспекты преступности несовершеннолетних. М., 1979. С. 10; Дубинин Н.И., Карпец И.И., Кудрявцев В.Н Генетика. Поведение. Ответственность. М, 1982. С. 52-64; Карпец И.И. Современные проблемы уголовного права и криминологии. М., 1976 С. 65-1 13; Ковалев М.И. Основы криминологии. М, 1970. С. 62-157; Коган В.М. Социальный механизм уголовно-правового воздействия, М, 1968. С. 14-32; Кудрявцев В.Н. Генезис преступления. Опыт криминологического моделирования. М., 1998. С. 3-16, Сахаров А.Б. О личности преступника и причинах преступности в СССР. М., 1961; Саркисов Г.С. Объект индивидуального профилактического воздействия в теории предупреждения преступности, Ереван, 1985. С. 30-49; Криминология. Учебник. Отв. ред. Рогов И.М., Алауханов Е.О. Алматы. «Казыгурт» 2006 С-586.

[2] Волженкин Б.В. О понятии причины преступления // Преступность и еепредупреждение. Вып. 3. Л., 1978. С. 37-38; Гришаев П.И. Структура полнойпричинности. Классификация причин и условий преступности. М, 1984. С. 7-61.Кузнецова Н.В. Проблемы криминологической детерминации. М., 1984; Ратинов А.РПсихология личности преступника. Ценностно-нормативные подход // Личностьпреступника как объект психологического изучения. М, 1979. С. 22-38; Стручков Н.АПреступность как социальное явление. М, 1979.

[3]Емельянов В.П. Преступность несовершеннолетних и с психическимианомалиями. Саратов, 1980; Ной И.С. Методологические проблемы советскойкриминологии. Саратов, 1975. С. 88-154; Овчинников Б.Д. Вопросы теориикриминологии. Л., 1982. С. 49-52; Ной И.С., Шаболин В.В., Демидов Ю.А. 0расширении научной основы пзучения личности преступника. Тезись: докладов исообшений межвузовской конференции. Кишинёв, 1985. С. 214.

тизимлидир; бошқа ижтимоий ҳодисаларнинг сабаблари билан боғлиқдир (лекин улар билан бир хил эмас)[1].

Қ.Абдурасулова ва С. Ниёзовалар биринчидан, ғайриижтимоий ҳодисалар, шу жумладан жиноятчилик фақат ижтимоий муносабатлар доирасида ўз сабабларига эга бўлади, шу сабабли асосан ижтимоий хусусият касб этади, умуман олганда, бу ҳаётнинг иқтисодий шароитларини, инсон психологиясини, унинг эҳтиёжлари, манфаатлари, хулқ-атвор мотивлари ва мақсадларини, кичик ва катта ижтимоий гуруҳдаги одамларнинг ўзаро муносабатларини (оила, ишлаб чиқариш муносабатлари, яқин муҳитини), қарашлари, эътиқодлари, қадриятлари ва мўлжалларини қамраб олади, бинобарин, жиноятчилик сабаблари муаммолари ижтимоий институтлар нуқтаи назаридан ўрганилиши лозим; иккинчидан жиноятлар ва жиноятчиликнинг бирон-бир ягона сабабини кўрсатиш методологик жиҳатдан нотўғри, сабаб-комплекс ҳодиса, деб ҳисоблайдилар[2].

Буларнинг барчаси ёлғон гувоҳлик беришнинг атроф муҳит билан боғлиқ ташқи омиллари ҳамда шахснинг руҳиятида зоҳир бўлган ички омиллари мавжудлиги тўғрисида сўз юритиш имконини беради.

Ёлғон гувоҳлик беришнинг ташқи криминоген омиллари асосан қуйидагилардан иборат:

1) ёлғон гувоҳлик бериш субъектларига манфаатдор шахсларнинг ҳар хил шаклда таъсир кўрсатиши;

2) айбланувчи билан қариндошчилик ёки бошқа яқин муносабатлар;

3) иш якунидан шахсий манфаатдорлик;

4) асосий иш бўйича айбланувчига хизмат юзасидан боғлиқлик;

5) ёлғон гувоҳлик берувчи билан айбланувчи ёкижабрланувчи ўртасида адоватнинг мавжудлиги;

6) жабрланувчи ва гувоҳларнинг ғайриқонуний ёки ғайриахлоқий хулқ —атвори;

---

[1]Устинов В.С., Зарубин С.В., Конев А.А., Абросимов В.А. Криминология ипрофилактика преступлений. Горький, ВШ МВД СССР, 1989. С. 36-39.

[2] Қ.Абдурасулова, С.Ниёзова. Жиноятчилик ва жиноятчи шахси муаммолари. Ўқув қўлланма. Т. 2006. 22-б

7) ёлғон гувоҳлик бериш субъектларининг асосий жиноятга алоқадорлиги;

8) Айбланувчи ёки судланувчига ачиниш, уларнинг айбини енгиллаштириш мақсади.

Ёлғон гувоҳлик беришни бевосита вужудга келтирувчи омилларни тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, ушбу жиноят субъектлари асосан тергов олиб борилаётган ёки судда кўрилаётган ишга дахлдор бўлганлар. Мазкур ҳолат ўрганилган барча жиноят ишларининг 30,7% ни ташкил этади. Айбланувчи, жабрланувчи ёки ишга алоқадор бошқа шахслар билан қариндошчилик ёки бошқа яқин муносабатлар 15,3% ни, иш якунидан шахсий манфаатдорлик 23% ни, ёлғон гувоҳлик берувчи билан айбланувчи ёки жабрланувчи ўртасида адоватнинг мавжудлиги 7,6% ни, жабрланувчи ва гувоҳларнинг ғайриқонуний ёки ахлоқсиз хулқ-атвори (ўзгани ноҳақ айблаш) 15,3 %ни, айбланувчи, судланувчига ачиниш, уларнинг айбини енгиллаштириш мақсади 7,6 %ни ташкил этади.

Айбдорнинг шахсига тегишли қуйидаги криминоген омиллар аниқланди.

а) ўч, қасос олиниши ёки ўзгача тарзда зиён етказилишидан қўрқиш 16,7%;

б) ғаразгўйлик 18,3%;

в) гувоҳлик бурчини бажаришни истамаслик, бунга уятли, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ерга урадиган иш, деб қараш 6,4%;

г) айбланувчи ёки унинг оиласига нисбатан ҳамдардлик, рахм-шафқат, ачиниш 41,3%;

д) айбланувчидан ўч олиш 5%;

Ёлғон гувоҳлик беришда ғараз ният билан боғлиқ:

-таъмагирлик;

-гувоҳлик берувчининг судга ва тергов органларига салбий муносабати, терговчигаишонмаслик,бир-бириниқўллаб-қувватлашёкижиноий муҳитдаги бошқа урф-одатлар;

-айбланувчи ёки жабрланувчи билан касбий бирдамлик;

-миллий ёки динийбирдамлик;

-гумон қилинувчи (айбланувчи)га нисбатан адоват;

-айбланувчи, унинг оиласи, ота-онасига нисбатан ҳамдардлик ёки ачиниш [1]ни қайд этиш мумкин.

Айбдор шахсининг ахлоқий хусусиятлари билан белгиланувчи ёлғончилик адабиётларда ёлғон гувоҳлик беришнинг асосий сабабларидан бири сифатида тилга олинади, А. Ратинов ва Ю. Адамов бундай қарашни танқид қилиб, уни нафақат хато, балки зарарли, деб ҳам атайдилар. Уларнинг фикрича, мазкур қараш инсон хулқ-атворининг ижтимоий хусусиятларини эътиборга олмайди, ҳодисани ҳаддан ташқари соддалаштиради, муҳими, ёлғон гувоҳлик беришнинг асл сабаблари тадқиқотчилар эътиборидан четда қолади[2].

Фикримизча, ёлғончилик ёлғон гувоҳлик беришнинг субъектив сабабларидан бири бўлиши мумкинлигини инкор этиб бўлмайди. Бу таниқли психологлар ва ҳуқуқшуносларнинг асарлари, шунингдек суд-тергов амалиёти билан исботланган.

Ёлғон гувоҳлик беришнинг мақсади нисбатан бир хилдир.Ўрганилган жиноят ишларида айбланувчиларни оқлаш ёки уларнинг айбини енгиллаштириш мақсади биринчи ўринда туради(66,6). Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич 62 %ни, Тошкент вилоятида эса 70 %ни ташкил этади.

Айблов тарзидаги ёлғон кўрсатувлар анча кам учрайди (33,3 %).

Била туриб ёлғон кўрсатув беришга таъсир кўрсатувчи асосий криминоген омиллар билан бир қаторда, криминологияда кўпинча жиноят содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар деб аталадиган иккинчи даражали омилларни хам қайд этиш лозим деб ўйлаймиз.

---

[1]Закатов А.А. Ложь и борьба с нею Волгоград, 1984. С. 56.

[2]Ратинов А., Адамов 10. Лжесвидетелсьвто (Происхождение, предотврашение и разоблачение ложных показаний), М., 1976 С. 18-19.

Ёлғон гувоҳлик бериш тўғрисидаги ишларни ўрганиш жараёнида била туриб ёлғон кўрсатув бериш тўғрисида қарор қабул қилишда хал қилувчи рол ўйнамаган турли омиллар аниқланди.

Кўрсатувларни кайд этиш механизмининг номукаммаллиги, уларни олишда процессуал шаклларга риоя этмаслик ёлғон гувоҳлик берилишига имкон берувчи омиллардан биридир.

Суд-тергов амалиётида қонунда белгиланган гувоҳлар, жабрланувчиларнинг барча муҳим қўшимчалари, тузатишларини сўроқ баённомасига киритилишини талаб қилиш, кўрсатувларни ўз қўли билан ёзиш ҳуқуқлари, иш юзасидан ўзларига маълум бўлган барча ҳолатлар тўғрисида аниқ ва тўлиқ маълумот бериш, берилган саволларга ҳаққоний жавоблар бериш мажбуриятларининг тушунтирилиши зарурлиги тўғрисидаги қоидага ҳар доим ҳам риоя этилавермайди.

Суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари, айрим судьялар касбий малакасининг, баъзан эса-ҳуқуқий маданиятидаражасининг пастлиги ҳам ёлғон гувоҳлик берилишига сабаб бўлмоқда[1]. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари кадрларининг қўнимсизлиги уларнинг касбий даражасига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Кўпгина суриштирувчи ва терговчилар сўроқ тактикаси ва методикасига риоя қилмайдилар, жабрланувчилар ва гувоҳлар психологиясини билмайдилар.

Ҳуқуқий маданият даражасининг пастлиги гувоҳларга қўпол, ҳурматсиз муносабатда бўлиш, уларнинг кўрсатувларига очиқ-ойдин ишончсизлик билан қараш, улар билан тил топиша олмасликда намоён бўлади[2].

Жиноят оқибатида етказилган зарарнинг қопланмаслиги, жиноятларнинг очилмаслиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари

---

[1]Воробьев И.А. Защита свидетелей как одно из ключевых условий эффективной борьбы с организованной преступностью // журнал Российского права. 1999. № 2 . С-134

[2] Новикова М.Н. Обеспечение безопасности участников уголовного судопроизводства как гарантия осуществления правосудия в современных условиях // Автореф. дисс.канд.юрид.наук. Уральский юридический институт МВД России. Екатеринбург. 2006. С-23; ЖўрабоевА. Вояга етмаган жабрланувчиларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлашга оид хориж қонунчилиги таҳлили // Фалсафа ва ҳуқуқ. -2006. № 4. –Б. 44-46.

ходимларининг жабрланувчига нисбатан қўпол, беҳурматларча муносабати ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нисбатан ишончнинг йўқолиши ва ёлғон гувоҳлик берилишига сабаб бўлиши мумкин[1].

Ҳуқуқни мухофаза қилиш органлари ходимлари жиноятларни очиш ва жиноятчиларни фош қилиш вазифаларини бажарар эканлар, жабрланувчиларнинг аҳволига мутлақо эътибор бермайдилар, уларга хамдардлик билдириш, зарур ҳолда психологик ёрдам кўрсатиш ҳақида ўйламайдилар. Уларнинг жабрланувчига муносабати гумон қилинувчилар ва айбланувчиларга бўлган муносабатдан жуда кам фарқ қилади.

Г.И. Шнайдернинг фикрича, иккиламчи зиён баъзан бирламчи зиёндан ҳам жиддийроқ таъсир кўрсатиши мумкин. Бу, айниқса, зўрлик ишлатиб содир этилган жиноятлардан жабр кўрган шахсларга тааллуқлидир. Бундай шахслар билан нотўғри муносабатда бўлиниши натижасида улар ўзларини жамиятдан ажралган, ёрдамга муҳтож, ёлғиз ҳис этадилар. Судья ва терговчи терговга ва судга чақирилаётган жабрланувчилар, уларнинг изтироблари ҳақида эмас, балки энг аввало жиноятчи ва жиноят ҳақида ўйлайдилар. Процесс баъзан бошқа кунга кўчирилади ва ҳеч ким, яъни терговчи ёки судья одамлардан узр сўрамайди. Айбланувчилар, судланувчилар билан учрашувларда, адвокат билан суҳбатларда жабрланувчиларнинг қаттиқ руҳий изтиробларга чидашларига тўғри келади. Жиноят очилганидан ва жиноятчи жазога тортилганидан кейин ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари жабрланувчининг аҳволи ва тақдири билан умуман қизиқмай қўяди, уни бошига тушган мусибат билан ёлғиз қолдиради[2].

Номусга тегиш, одам ўғирлаш, гаров сифатида ушлаб туриш каби жиноятлардан жабр кўрган шахслар кўпинча қаттиқ азоб-уқубатга дучор бўладилар, руҳан изтироб чекадилар. Жабрланувчиларда депрессия,

---

[1] Чекулаев Д. Применение мер безопасности в отношении потерпевших и других участников процесса. // Законность. 2005 № 5 С-31

[2]Шнайдер Г.И. Криминология, С. 363.

тушкунлик ҳолати ривожланиши, жамиятга, одамларга ишонч, ўзига нисбатан ҳурмат йўқолиши мумкин.

Шу боис жиноятдан жабр кўрган шахсларга ёрдам кўрсатувчи махсус хизматлар иккиламчи зарарли ижтимоий ва психологик оқибатлар келиб чиқишига йўл қўймаслиги керак[1], деб қайд этади А.А.Меньших. Бу жабрланувчилар била туриб ёлғон кўрсатув беришининг олдини олиш учун ҳам муҳимдир.

Ёлғон гувоҳлик беришга жамоатчиликнинг муносабати ҳам мазкур жиноятга кўмаклашувчи шартлардан бири ҳисобланади. Бу муносабат асосан бефарқлик, лоқайдлик билан тавсифланади. Ёлғон гувоҳлик беришга жамоатчиликнинг бундай муносабати терговчилар ва судьяларга ҳам таъсир кўрсатади. Улар ёлғон гувоҳлик бериш ҳолатлари бўйича жиноят иши қўзғатмайдилар ёки ёлғон гувоҳлик берганшахсларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг анча енгил чораларини қўллайдилар.

Олий суд ва ЎзР Бош прокуратураси хам судларни ва тергов ходимларини ёлғон гувоҳлик беришга қарши курашга йўналтирмайди. Бундай жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти таҳлилқилинмаган ва умумлаштирилмаган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг юқорида зикр этилган масала юзасидан махсус қарорини қабул қилиш фурсати етган. Бундай қарорнинг қабул қилиниши била туриб ёлғон кўрсатув беришга қарши курашни фаоллаштирган, бу соҳада шаклланган амалиётни янада мукаммалаштирган бўлур эди.

## 3.3. Ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олиш чоралари

Криминологияда жиноятчиликнинг олдини олишга катта эътибор берилади. Бу ҳақда ўз вақтида Ч.Беккариа ҳам айтиб ўтган эди[2]. Криминологияда жиноятларнинг олдини олиш, уларни тўхтатиш ва

---

[1]Меньших А.А. О возмещении ущерба жертвам преступлений во Франции // Журнал Российского права. 1999. № 9 С-158-159

[2]Беккариа Чезаре. О преступлениях и наказаниях. М. Инфра-М, 2004. –С 91.

профилактика қилишнинг ҳар хил концепциялари ишлаб чиқилган. Жиноятчиликнинг олдини олиш концепциясига: 1) профилактика қилиш (жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш фаолияти); 2) огоҳлантириш (жиноят содир этиш ниятидаги шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан чора кўриш); 3) тўхтатиш (жиноятни тайёрлаётган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан чора кўриш) фаолияти киради[1].

П.П. Осипов ўзи ишлаб чиққан жиноятчиликнинг олдини олиш тизимини «жиноятчиликка таъсир кўрсатиш тизими» деб номлаган. У мазкур тизимни асосий вазифаси жиноятчиликнинг ҳолатига ижобий ўзгартишлар киритишдан иборат бўлган ижтимоий институтлар мажмуи деб тавсифлайди. Ушбу тизимнинг асосий унсурлари қаторида у: 1) криминологик огоҳлантириш; 2) жиноят-судлов фаолияти; 3) маҳкумларни меҳнатга жалб қилиш орқали тарбиявий таъсир кўрсатишни қайд этади[2].

Қ.Абдурасулова ва С.Ниёзовалар эса “жиноятлар профилактикаси ёки жиноятларнинг олдини олиш-давлат органлари (шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари), жамоат бирлашмалари, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларнинг жиноятлар содир этилишига имконият яратувчи шарт-шароит ва сабабларни нейтраллаштириш ёки уларга барҳам беришга қаратилган, ўз мазмунига кўра ҳар хил чора-тадбирларни (таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини) қамраб олувчи, объектив ташқи омилларга ва муайян жисмоний шахсларга йўналтирилган фаолиятидир[3]” деб кўрсатадилар.

Таълим-тарбия сингари умумижтимоий чора-тадбирлар ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олишда мухим рол ўйнайди. Бу чора — тадбирлар махсус сарф-харажатларни талаб этмайди. Жиноятчиликнинг олдини олишнинг умумижтимоий чора-тадбирлари шахс гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ёки

---

[1]Лекарь А.Г. Профилактика преступлений. М., 1972. С. 3.
[2]Осипов П.П. Комплексное изучение системы воздействия на преступность (методологические и теоретические основы) М. 1978. С. 15.
[3] Қ.Абдурасулова, С.Ниёзова. Жиноятчилик ва жиноятчи шахси муаммолари. Ўқув қўлланма. Т. 2006. 67-б

таржимон сифатида жалб қилинишидан анча олдин амалга оширилади. Шу боис бундай огоҳлантиришни дастлабки огоҳлантириш деб аташ мумкин. Дастлабки умумижтимоий огохлантириш чора-тадбирлари орасида, энг аввало, инсонда тўғрисўзликни тарбиялашни қайд этиш лозим. Бундай тарбия инсон дунёга келган пайтдан бошланади. Тўғри сўзлаш ва ёзиш, ҳар қандай ёлғонга салбий муносабатда бўлиш одатини инсонга сингдириш ёлғон гувоҳлик беришни олдини олишнинг негизидир.

Фуқароларда қонунга ҳурматни ҳиссини тарбиялаш, қонунга итоаткор, юксак ҳуқуқий маданиятли фуқарони шакллантириш, адлия ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг обрўсини ошириш чора-тадбирлари ҳам умумижтимоий хусусиятга эгадир. Бу чора-тадбирлар ҳам ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олишда аҳамиятга эга.

А. Ратинов ва Ю. Адамов ташкилий йўсиндаги чора — тадбирларни ҳам дастлабки огоҳлантириш чора—тадбирлари қаторига киритади. Бундай чора -тадбирлар орасида улар тергов ва суд фаолиятининг сифат даражасини ошириш ва тарбиявий томонини кучайтиришни тилга оладилар. Уларнинг фикрича, фуқаролик ва жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўришнинг сифатини ошириш ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олишга жиддий таъсир кўрсатади[1].

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда, Лекин бу ҳокимият фуқаролар ишончини ҳали тўлиқ қозониб улгургани йўқ. Суд ҳокимиятига ишончсизлик эса ёлғон гувоҳлик беришга йўл очади. Суд қарорларининг бажарилмаслиги, суд харажатларининг қимматлиги айниқса, салбий таъсир кўрсатади. Суд ҳокимиятини такомиллаштириш, унинг обрўсини ошириш бўйича қонун йўли билан ҳамда амалий тартибда қабул қилинаётган ташкилий чора-тадбирлар одил судлов қаршисида фуқаролик бурчини виждонан бажаришга кўмаклашиши шубҳасиз.

---

[1]Ратинов А., Адамов Ю. Лжесвидстельство (Происхождение, предотвращение и разоблачение ложннх показаиип). N4., 1976. С. 59.

Жиноятчиликни махсус олдини олиш, яъни ёлғон гувоҳлик беришга изчил таъсир кўрсатиш тизими чора-тадбирларнинг бир нечта гуруҳидан таркиб топади: криминологик, процессуал, криминалистик, жиноят-хуқуқий чора-тадбирлар гуруҳлари шулар жумласидандир[1]. Бундай таснифда муҳофаза (қўриқлаш) йўсинидаги чора—тадбирлар процессуал чора-тадбирлар билан қамраб олиниши мумкин.

Судлар, суриштирув ва дастлабки тергов органлари, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини қўриқловчи органлар ёлғон гувоҳлик беришни махсус огоҳлантиришнинг асосий субъектлари одил судловнинг тўғри, самарали амалга оширилишидан манфаатдор бўлишлари лозим.

Сўнгги йилларда бу органлар маърифий, ҳуқуқий — тарбиявий ишлар: маърузалар ўқиш, суҳбатлар ўтказиш, ҳуқуқбузарларнинг хулқ-атворларини муҳокама қилиш, кўчма суд мажлислари ўтказишга етарлича эътибор бермай қўйдилар. Бу вазифаларни улар ўз мажбуриятлари доирасига кирмайдиган вазифалар деб ҳисоблайдилар, яъни ушбу вазифалар қонун ҳужжатларида уларнинг зиммасига юклатилмаган. Аммо суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари хизмат бурчидан ташқари фуқаролик бурчи, ниҳоят, фуқаролик туйғуси ҳам мавжудлигини ёддан чиқармасликлари керак. Ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий тарғибот фаолиятидан судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ўзини олиб қочиши уларнинг обрў-эътибори ошишига кўмаклашмайди. Тўғри, улар бундай фаолиятни амалга оширишга мажбур эмаслар, лекин уларга ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланмайди. Ҳозирда айрим судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари нафақат олий ўқув юртларида, балки мактабларда ҳам муайян юридик фанлардан таълим бермоқдалар, аммо бу фаолият тизимга солинмаган.

[1]Устинов В.С. Методы предупредительного воздействия на преступность. Горький, 1989. С. 8-9.

Судлар, суриштирув ва дастлабки тергов органлари жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида ёлғон гувоҳлик беришни тўғридан-тўғри профилактика қилиш учун катта имкониятларга эга. Масалан, дастлабки тергов босқичидаги сўроқ билан суддаги сўроқ ўртасида мумкин қадар оз вақт ўтиши ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олиш учун жуда муҳимдир. Ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, кейинчалик ёлғон кўрсатув берган гувоҳларнинг катта қисми-67%и терговнинг дастлабки кунларида ўтказилган сўроқларда ҳаққоний кўрсатув берган. Сўроқлар ўртасидаги вақт узайишига қараб берилган кўрсатувларни ўзгартириш ҳолатлари кўпайиб боради. Бунда, гувоҳлар ва жабрланувчилар кўрсатувларининг турғунлиги нуқтаи назаридан олдинги сўроқ ўтказилганидан ва дастлабки тергов бошланганидан бир ой ўтганидан кейинги давр “кризис даври” ҳисобланади: бу даврда гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг 60%иўз кўрсатувларини ўзгартиради.

Бу вақтга келиб иш бўйича асосий гувоҳлар аниқланади, улар берган кўрсатувларнинг аҳамияти аён бўлади, жиноят билан боғлиқ изтироблар камаяди, уларнинг ўрнини раҳм-шафқат ва ачиниш туйғулари эгаллайди. Сўроқларга чақирувлар эса малол кела бошлайди. Айни вақтда, айбланувчининг қариндош-уруғлари, таниш-билишлари томонидан таъсир ва тазйиқ ҳам кучайиб боради. Бунда улар ҳар хил усулларни қўллайдилар, хусусан, ачинтириш учун кўз ёши тўкадилар, қўрқитадилар, пора эвазига оғдиришга ҳаракат қиладилар ва ҳ,к.

Юқорида зикр этилган ҳолатларни бартараф этиш учун суд иш юритуви тартибини соддалаштириш, ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича судга тўғридан-тўғри мурожаат этиш имкониятини кенгайтириш зарур, деб ўйлаймиз.

Жиноятларнинг олдини олишнинг махсус тури криминологик профилактика жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган

шарт-шароитларни аниқлаш ва ўрганиш амда уларга таъсир кўрсатиш фаолиятини қамраб олади[1].

Ёлғон гувоҳлик беришга қарши курашнинг мумкинлиги унинг генезиси ва бошқа ҳолатларининг тизимли тадқиқ қилинишни йўлга қўйиш зарурлигини кўрсатади. Шу муносабат билан даврий мониторинг ўтказишни ташкил этишни таклиф қилиш мумкин. Бу иш билан Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган сифатида шуғулланиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамиятини таъминлаш мақсадида вилоятлардаги терговчилар ва судьяларга хар бир жиноят иши бўйича тўлдириш учун махсус сўровномалар таклиф этиш ва бевосита ёлғон гувоҳлик беришга қарши кураш чораларини амалиётда жорий қилиш масалаларини ўрганиш мумкин.

Криминоген омилларни кузатиш ва таҳлил қилиш асосида Республикамизда ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олишга қаратилган, гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўзда тутадиган «Гувоҳ» мақсадли дастурини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёлғон гувоҳлик беришни умумий профилактика қилиш оммавий ахборот воситаларидан фаол фойдаланиш, ёлғон гувоҳлик берувчилар устидан бўлиб ўтган суд процессларидан лавҳалар кўрсатиш кабилар йўлга қўйилиши лозим. Бунда ёлғон гувоҳлик беришнинг салбий оқибатлари ёрқинроқ ва ишончлироқ кўрсатиб берилиши зарур.

Ёлғон гувоҳлик беришни профилактика қилишнинг виктимологик жиҳатлари деярли мавжуд эмас. Шахслар айблов мазмунидаги ёлғон кўрсатувлар берилганидагина ёлғон гувоҳлик беришдан жабр кўришлари мумкин. Ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олиш тактикасини танлаш учун гувоҳ ёки жабрланувчининг шахсини биринчи сўроққача ўрганиб чиқиш

---

[1]Криминология / Под род. Н.Ф.Кузнецовой и Г.М. Миньковского. М., 1994. Устинов В.С. Методы предупредительного воздействия на преступность. Горький, 1989. С. 5.; Криминология. Учебник. Отв. ред. И.М.Рогов, Е.О.Алауханов. Алматы. Қазығурт. 2006. С.123

тавсия этилади. Жиноят процессида ёлғон кўрсатувлар берилишига йўл қўймасликнинг тактик усулларини ишлаб чиқиш билан криминалистика ва суд психологияси вакиллари шуғулланадилар.

Ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олишда дастлабки терговдаги сўроқлар билан суддаги сўроқлар ўртасидаги вақт оралиғи энг катта муаммолардан биридир[1]. Жабрланувчи ёки гувоҳ судда ўзини қандай тутиши мумкинлигини олдиндан прогноз қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи гувоҳ ёки жабрланувчининг бу вақт оралиғидаги хулқ-атвори ва ниятлари тўғрисида ахборотга эга бўлиши лозим. Бундай ахборотни фақат мазкур шахслар аризасига биноан қўриқлаш чора-тадбирлари амалга оширилган ҳолларда олиш мумкин. Агар гувоҳ ёки жабрланувчи манфаатдор шахслар таъсирида била туриб ёлғон кўрсатув беришга тайёрланаётгани ҳақида ҳаққоний маълумотлар бўлса, бу ҳақда терговни ўтказган терговчига, иш юборилган суд раисига ва прокурорга хабар бериш керак. Терговчига ёлғон гувоҳлик бериш ниятида бўлган шахснинг барча ўзига хос хусусиятлари тўғрисида гапириб беришни тавсия этиш мумкин деб ўйлаймиз.

Уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг самарадорлигини оширишда жабрланувчилар ва гувоҳлар хавфсизлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, И.Исмаилов келтирган маълумотларга кўра уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилаётган босқинчиликнинг 70-80%, талончиликнинг 65-70%, товламачиликнинг 30-40%, фирибгарликнинг 20-25%, ўзлаштириш ва растратанинг 5-10%, ўғриликнинг 40-50% аниқланиб, қайд этилган[2]. Бунда албатта, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг хавфсизлиги

---

[1]Фитцжеральд Д. Программа обеспечения безопасности свидетелей // Правоохранительная деятельность в США. М., 1998. С 174-177; Воробьев И.А. Защита свидетелей как одно из ключевых условий эффективной борьбы с организованной преступностью // Журнал Российского права. 1999 № 2 –С. 134; Новикова М.Н. Обеспечение безопасности участников уголовного судопроизводства как гарантия осуществления правосудия в современных условиях // Автереф. дисс. канд. юрид.наук. Уральский юридический институт МВД России. 2006. –С 23-24; Брусницын Л. Как обезопасить лиц, содействующих уголовному правосудию // Российская юстиция. 1996. № 9 –С. 49; Брусницын Л. Обеспечение безопасности участников процесса: возможности и перспективы развития УПК // Российская юстиция. 2003. №5 –С.29; Чекулаев Д. Применение мер безопасности в отношении потерпевших и других участников процесса. // Законность. 2005 № 5 С-31

[2]Исмаилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. Т. 2005. 140-б.

қонун йўли билан етарлича муҳофаза қилинмаганлиги ҳам мазкур жиноятларнинг очилмаслиги омилларидан биридир.

Шу сабабли ҳам суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судлар жабрланувчилар, гувоҳлар ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш, уларга нисбатан турли хил таъсирлар ўтказилишини олдини олиш масаласига жиддий эътибор қаратишлари керак.

## 3.4. Ёлғон гувоҳлик беришни олдини олишнинг жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал чоралари

Ёлғон гувоҳлик беришни олдини олишнинг энг самарали воситалари бу жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал чоралар ҳисобланади.

Ёлғон гувоҳлик беришга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий чоралари ичида мазкур қилмишлар учун жиноий жазоларнинг қўлланилиши самарадорлигини таъминлаш муҳим ўрин тутади.

Суд амалиёти шундан далолат берадики, ёлғон гувоҳлик бериш билан боғлиқ ишларда судлар айбдорга нисбатан кўпроқ жарима ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаган (41,6% ) ёки амнистия акти асосида жавобгарликдан ва жазодан озод қилган (41,6 %). Фақат 8,3 % ҳолатда жазо чораси сифатида қамоқ жазоси қўлланилган.

Амалдаги ЖКда оддий ёлғон гувоҳлик бериш учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланмаган, лекин олти ойгача камоқ жазоси жорий этилдики, бу жазо ўзининг хуқуқий табиатига кўра озодликдан маҳрум қилишдан ҳам оғирроқдир[1].

ЖК 238-моддасининг 1-қисмида ёлғон гувоҳлик бериш учун муқобил тарзда қуйидаги жазолар назарда тутилади;

1) энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима;

2) икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари;

---

[1] М.Х.Рустамбаев. Комментарий к Уголовному Кодексу Республики Узбекистан. Обшая часть. Т. Укитувчи. 2004.; Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқида жазо тайинлашнинг умумий асослари. Т. Адолат 2001.

3) олти ойгача қамоқ.

Ёлғон гувоҳлик беришга такрорийлик хос эмас, чунки бир одам ўз ҳаётида бир неча марта жиноятнинг гувоҳи бўлиши кам учрайди. Ёлғон гувоҳлик бериш учун жазога тортиш кўпроқ умумий превенция, яъни бошқа шахслар томонидан ёлғон гувоҳлик бериш ҳолатларининг олдини олиш учун зарур. Лекин белгиланган жазоларнинг енгиллиги ва амалда кам қўлланилиши ёлғон гувоҳлик бериш учун жиноий жазонинг умумий олдини олишга қаратилган таъсирини камайтиради.

Айни вақтда, амалдаги ЖКда оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган ёлғон гувоҳлик бериш учун озодликдан махрум қилиш жазоси сақлаб қолинди, лекин унинг муддати камайтирилди. ЖК 238-моддаси иккинчи қисмида жазо чораси сифатида икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

Биз ўтказган тадқиқотларда ЖК 238-моддаси моддасининг 2-қисми ва 3-қисмига кўра жавобгарликка тортилган ишлар учрамади.

Ёлғон гувоҳлик бериш учун жазо тайинлаш амалиётининг таҳлили мазкур жиноий жазо самарали эмаслигини кўрсатади. Жумладан, ёлғон гувоҳлик беришга оид жиноятларнинг республика бўйича ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. 2000-2007 йиллар мобайнида ёлғон гувоҳлик беришга оид ишларнинг умумий сонида 2000 йилда ёлғон гувоҳлик беришга доир ишлар 9 % ни ташкил этган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 15 %ни, 2007 йилда эса 17 %ни ташкил этган[1].

Айрим ҳуқуқшунослар ёлғон гувоҳлик бериш учун жиноий жавобгарликнинг ҳаддан ташқари енгиллиги мазкур жиноятларга қарши кураш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади[2] деб ҳисоблайдилар.

Баъзи хорижий мамлакатларда ёлғон гувоҳлик беришга нисбатан қаттиқ жазо чоралари кўзда тутилган. Масалан. Норвегияда ҳар қандай ҳокимият

---

[1] Ёлғон гувоҳлик беришга оид 2000-2007 йиллардаги суд амалиёти материалларини таҳлил қилиш асосида олинган маълумотлар.

[2]Горелик А., Лобанова В.Л. Преступления против правосудия. СПб., 2005, С. 303; Александров А.И. Уголовная политика и уголовный процесс в российской государственности. СПб., 2003. С. 397; Новиков С.А.Наказание за лжесвидетельство: дискуссионные вопросы.// Российский следователь. 2006№ 5 -С. 10-12

органига берилган ёлғон гувоҳлик учун жарима ёки икки йилгача қамоқ жазоси, судда қасамёд қилганидан кейин берилган ёлғон гувоҳлик учун эса 5 йилгача қамоқ (ЖК 163, 166 параграфлари) жазоси қўлланиши мумкин. Агарда ёлғон гувоҳлик айбсиз шахсни жиноят содир этишда айблаб содир этилган бўлса, олти ойдан саккиз йилгача қамоқ жазоси қўлланиши мумкин. Ёлғондан айбланган шахс озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазога ҳукм қилиниб жазони қисман ёки тўлиқ ўтаган бўлса, ёхуд ўлим жазосига ҳукм қилинган бўлса, ёлғон гувоҳлик берган шахс бир йилдан кам бўлмаган муддатга қамоқ жазосига тортилиши мумкин. Ўлим жазоси ижро этилган ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ муддати беш йилдан кўп бўлган бўлса, ёлғон гувоҳлик берган шахс 21 йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин (ЖК 168,169 параграфлари).

Японияда эса қасамёд қилган ва судда ёлғон гувоҳлик берган шахс мажбурий жисмоний меҳнатга жалб қилинган ҳолда 3 ойдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш (ЖК 169-м) жазосига ҳукм қилиниши мумкин[1].

Айни вақтда, биз ёлғон гувоҳлик бериш учун жазони кучайтириш тарафдори эмасмиз, аммо оғир оқибатларга олиб келадиган ёлғон гувоҳлик бериш (айбланган шахсга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазонинг тайинланиши, ёлғон айблов асосида жазога тортилган шахснинг соғлиги бузилиши ва х.к.) ҳолларида оғирроқ жазо чораси қўлланиши ЖК 238-моддаси 3-қисмида акс эттирилиши керак деб ҳисоблаймиз.

Жиноят-процессуал чоралар. Ёлғон гувоҳлик бериш айнан суриштирув, дастлабки тергов олиб боришда ёки судда ишларни кўриш жараёнида содир қилинар экан, унинг сабабларини, унга қарши кураш ва олдини олиш чораларини тўғри белгилаш ва самарадорлигини оширишда ёлғон гувоҳлик бериш субъектлари бўлган гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ва таржимонларнинг

---

[1] Новиков С.А.Наказание за лжесвидетельство: дискуссионные вопросы.// Российский следователь. № 5 2006 стр. 12

процессуал ҳолати ҳамда мазкур жиноят содир этилишини олдини олишга қаратилган процессуал воситаларни тадқиқ қилиш лозим бўлади[1].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексида ёлғон гувоҳлик бериш жиноятларини олдини олишга қаратилган нормалар ишлаб чиқилган бўлиб, уларни мазмунига кўра таъқиқловчи, гувоҳлик бериш субъектларига таъсир ўтказишнинг олдини олишга қаратилган ва рағбатлантирувчи нормаларга бўлиш мумкин.

Ёлғон гувоҳлик беришни тақиқловчи нормаларга Жиноят процессуал кодексининг 55-, 66-, 68-, 72-, 117-,271- ва 441-моддаларини киритиш мумкин. ЖПКнинг 55-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмларида жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув берганлиги учун; 66-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмларида гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатув берганлиги учун; 68-моддаси тўртинчи қисмида экспертнинг била туриб ёлғон хулоса берганлиги учун; 72-моддаси учинчи қисмида таржимоннинг била туриб ёлғон таржима қилганлиги учун жавобгарлиги белгиланган.

Бундан ташқари Жиноят процессуал кодексининг жиноят ишини юритиш тегишли босқичларини тартибга солувчи нормаларида ҳам ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олишга қаратилган қоидалар мустаҳкамланган. Жумладан, ЖПК 117-моддаси биринчи қисмида гувоҳ ёки жабрланувчининг шахси аниқлангандан ва унга процессуал ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тушунтирилгандан кейин у кўрсатув беришдан бош тортсаёки била туриб ёлғон кўрсатув берсаунинг жиноий жавобгарликкатортилиши ҳақида огоҳлантирилиб, бу ҳақда сўроқ баённомаси ёки суд малжиси баённомасига ёзиб қўйилиши кўрсатилган. 271-модданинг биринчи қисмида эса жиноят ишини юритиш чоғида Жиноят кодексининг 230-241 моддаларида назарда тутилган, одил судловга қарши жиноятларни содир этган процесс иштирокчилари тегишли тартибда жавобгарликка тортилишлари; ЖПК 441-

---

[1]Қаранг: Кузьмина С.С. Лжесвидетельство. Уголовно-правовые и уголовно-процессуальные проблемы. М., 1995. С. 10-11; Брусницын Л. Обеспечение безопасности участников процесса: возможности и перспективы развития УПК // Российская юстиция. 2003. №5 –С.28;Воробьев И.А. Защита свидетелей как одно из ключевых условий эффективной борьбы с организованной преступностью // Журнал Российского права. 1999 № 2 –С. 133-134.

моддасида суд терговида гувоҳни ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириш кўзда тутилган.

Юқорида кўрсатилган нормаларда жиноят процесси иштирокчиларини ёлғон гувоҳлик беришиниолдини олиш мақсадида уларни жавобгарликка тортилишлари мумкинлиги билан огоҳлантирилади.

Кўпинча ёлғон гувоҳлик бериш қариндош уруғчилик муносабатлари билан боғлиқ бўлади. Чунки, яқин қариндошлар одатда, ўз яқинлари ҳақида уларни ҳимоя қилиб ёлғон гувоҳлик берадилар. Бундай ҳолларда қонунда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг яқин қариндошларига гувоҳлик бериш уларнинг ўз ҳоҳишига кўра ҳал қилиниши кўзда тутилади. Шу сабабли ҳам ЖПК 116-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчига, айбланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида гувоҳ ва жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розилиги билан сўроқ қилинишлари мумкинлиги белгиланган. Агарда улар ўз розиликлари билан жабрланувчи ёки гувоҳ сифатида сўроқ қилинадиган бўлса, унда улар ҳам ёлғон гувоҳлик берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириладилар.

16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахслар  ёлғон гувоҳлик бериш жиноятининг субъекти бўлиши мумкин[1]. Аммо баъзан жабрланувчи ёки гувоҳ 16 ёшга тўлмаган шахслар ҳам бўлиши мумкин. Улар ёши билан боғлиқ хусусиятига кўра воқеаларни тўғри англай олмаган бўлиши, жиноят ҳақида гувоҳлик беришни уятли, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ерга урадиган иш, деб ҳисоблаши ёхуд терговчи, суд мажлисида кўпчилик олдида ҳаяжонланиши туфайли нотўғри маълумотлар бериши мумкин. Бундай ҳолларда улардан ҳаққоний кўрсатувлар олиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. ЖПК121-моддасида вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчиларни сўроқ қилишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олиниб, 16 ёшга тўлмаган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш уларнинг қонуний вакили ёки катта ёшдаги

---

[1] М.Х.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисми. Дарслик. Т. Адолат. 2003 й 492.бет

яқин қариндоши, педагог ёки жабрланувчининг вакили иштирокида уларнинг розилиги билан ўтказилиши белгиланган.

Ўн олти ёшга тўлмаган гувоҳлар ва жабрланувчилар кўрсатув беришдан бош торганлик ва била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайдилар, бироқ, суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи шу гувоҳ ва жабрланувчиларга уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш чоғида ҳаққоний кўрсатув бериш ва бу билан жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга кўмаклашиш маънавий бурч эканлигини эслатиб ўтишлари керак[1].

Гувоҳлик бериш субъектларига таъсир ўтказишнинг олдини олишга қаратилган нормалар, деганда гувоҳлик бериш субъектларига иш бўйича ҳақиқатни сўзламаслик, фактларни яшириш мақсадида тазйиқ ўтказилишини олдини олишга қаратилган нормаларни киритишимиз мумкин. Бундай нормаларга ЖПК 170-моддаси ва 270-моддалари мисол бўла олади.

Жиноят процессуал кодексининг 170-моддаси иккинчи қисмида жабрланувчи, гувоҳ, шунингдек уларнинг қариндошлари ва яқинларига нисбатан зўрлик ишлатиш, товламачилик  ёки бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар содир этиш хавфи мавжуд бўлса, бу шахсларнинг аризаларигакўра ёки уларнинг ёзма розилиги ва прокурорнинг санкцияси билан ёхуд суднинг ажримига кўра уларнинг телефон ёки бошқа сўзлашувларини эшитиш амалга оширилиши мумкин. Ушбу чора орқали гувоҳлик бериш субъектлари ёки уларнинг яқинларига телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали таҳдид қилишга қарши курашиш мумкин бўлади. Жиноят процессуал кодекси 270-моддасида жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга, шунингдек, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларига ўлдириш, куч ишлатиш, мол-мулкини

---

[1] Жиноят процесси. Дарслик. (Муал. Ҳамкор.). Т., Янги аср авлоди. 2002.; Ўзбекистон Республикасининг ЖПКсига шархлар. (Муал. хамкор). Т., 2000; Хакбердиева Р.Т. Жиноят процесси. Ўқув қўлланма. Т., УзМУ. 2003.; Рахимов Ю. Процессуальные гарантии полноты и достоверности  показаний свидетеля. Фергана. Фер.Гос.Унив. 1997.; Рахимов Ю. Вопросы психологического подхода к показаниям свидетеля. Фергана. Фер.Гос.Унив. 1996.

йўқ қилиб ташлаш ёхуд мол-мулкига шикаст етказиш билан ёки ўзга ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилинаётир дейиш учун етарли маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд бу шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулкини муҳофаза қилиш, шунингдек айбдорларни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш чораларини кўришлари кераклиги белгиланган. Ушбу чораларни амалга ошириш учун суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ички ишлар органларига тегишли кўрсатмалар бериши мумкин[1].

Гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг тергов ҳаракатларини ўтказиш вақтида берган кўрсатувлари ҳақида маълумотларнинг сир сақланиши ҳам улар хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. ЖПКнинг 375-моддасида ушбу масала ўз ечимини топган. Ушбу модда мазмунига кўра терговчи дастлабки тергов тамомланганидан кейин жиноят иши материаллари билан айбланувчи ва унинг ҳимоячисини танишиб чиқиши учун шароит яратиб бериши керак. Бунда жабрланувчилар, гувоҳлар ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тергов ҳаракатлари баённомасининг кириш қисмлари танишиб чиқиш учун тақдим қилинмайди ва кўрсатиб ўтилган процесс иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган кириш қисмлари мухрланган ҳолда сақланади. Афсуски, амалиётда ушбу қоидаларга етарли даражада эътибор қаратилмаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз деб ҳисоблаймиз.

Жиноятларнинг олдини олиш, уларни фош этишда кўрсатув беришни рағбатлантирувчи нормаларнинг ҳам ўрни бор. Рағбатлантирувчи нормалар, деганда ихтиёрий ҳаққоний гувоҳлик беришни таъминлашга, гувоҳлик бериш субъектларига сарф қилган харажатларини қоплаш ва бошқача тарзда гувоҳлик берган шахсларни рағбатлантиришга қаратилган нормалар тушунилади.

Жиноят процессуал кодексининг 300-моддасида кўрсатилган асосларда жиноятнинг олдини олиш ёки уни очишда ҳаққоний гувоҳлик берган,

---

[1]Қаранг. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси. Т. Адолат. 2004. 128-б

ижтимоий бурчини намунали бажарган шахсларни рағбатлантиришни сўраб суриштирувчи, терговчи, прокурор тақдимнома чиқариш билан, суд эса ажрим чиқариш йўли билан шахс ишлаётган, таълим олаётган корхона, муассаса раҳбарини ва жамоасини хабардор қилиши мумкин. Бу ҳаракат билан корхона, муассаса жамоаси ва раҳбарлари орасида жиноятларни олдини олиш ва уларни фош этиш бўйича тарбиявий аҳамиятга эга вазифалар амалга оширилади[1].

Маълумки, кўп ҳолларда гувоҳлик беришни ҳоҳламаслик, ундан ўзини олиб қочишга, гувоҳларнинг тергов ва судга келиб кетишга кўп вақт сарфлашлари, хизмат вазифасини бажара олмаслиги, тергов ва судга келиб кетиш учун сарфлаган харажатларининг қопланмаслиги сабаб бўлади. Жиноят процессуал қонунида бундай ҳолатларни бартараф қилиш чоралари ҳам кўзда тутилади. ЖПК 318-моддасида: жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, экспертларга, таржимонларга уларнинг процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга келиб кетиш, турар жойни ижарага олиш харажатларини қоплаш учун; шунингдек суткалик харажат пули учун; доимий иш ҳақи олмайдиган жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, уларнинг одатдаги машғулотларидан чалғитганлик учун ҳамда экспертларга, таржимонларга суриштирув, дастлабки тергов ёки судда ўз вазифаларини бажарганлиги учун пул маблағлари тўланиши белгиланган. Бу харажатларни тўлаш суриштирувчи, терговчи, прокурор қарори ёки суднинг ажрими билан бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бундан ташқари ЖПКнинг 319-моддаси мазмунига кўра гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ва таржимонларга суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга чақирилганлиги билан боғлиқ буткул вақт учун уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолади[2].

---

[1]Рахимов Ю. Становление, развитие и проблемы процессуально-психологического допроса свидетеля (потерпевшего) в уголовном судопроизводстве. Фергана. Фер.Гос.Унив. 1996; Петрухин И.Л. Неприкосновенность личности и принуждение в уголовном процессе. М., 1989; Иноғомжонова З. Суднинг хусусий ажримининг айрим мухим масалалари ҳусусида (тўплам). Т.,Адолат, 1993й

[2]Ўзбекистон Республикасининг ЖПКсига шархлар. (Муал. хамкор). Т., 2000; Уголовный процесс. Учебник. (Кол.автор) Т., “Адолат” 2000; Жиноят процесси. Дарслик. (Муал. Ҳамкор.). Т., Янги аср авлоди. 2002.;

Албатта, ушбу чораларга қарамасдан ёлғон гувоҳлик бериш жиноятлари содир этилмоқда ва унинг натижасида судларнинг нотўғри қарор чиқариш ҳолатлари учрамоқда. Жиноят процессуал кодекси бундай ҳолатларни ҳам эътиборга олган. Ушбу кодекснинг 522-моддасида жабрланувчи ёки гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатув ёхуд экспертнинг била туриб ёлғон хулоса берганлиги, шунингдек, ашёвий далиллар, тергов ҳамда суд ҳаракатлари баённомалари ва бошқа ҳужжатлар сохта эканлиги ёки била туриб ёлғон таржима қилинганлиги қонунга хилоф ва асоссиз ҳукм ёки ажрим (қарор) чиқарилишига сабаб бўлганлиги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланса, жиноят иши янгидан очилган ҳолатлар муносабати билан қайтадан кўрилиши кўзда тутилган. Янгидан очилган ҳолатларга кўра жиноят ишининг қайтадан кўрилиши ёлғон гувоҳлик натижасида асоссиз айбланиб, жазоланган шахсларни оқлаб, ҳуқуқларини тиклашга ҳамда жавобгарликдан қутулиб қолган шахсларни жавобгарликка тортиш ва жазолашга, умуман олганда жиноят иши бўйича ҳақиқатни тиклашга хизмат қилади.

Суд-тергов амалиётида ёлғон гувоҳлик бериш жиноятларининг учраётганлигига сабаблардан бири бу жиноят процессуал қонунчиликда белгиланган процессуал воситаларга ҳар доим ҳам тўлиқ амал қилинмаётганлигидир. Масалан, биз юқорида қайд қилиб ўтган жабрланувчиларга, гувоҳларга, таржимонларга харажат пулларини қоплаш масаласига амалда панжа орасидан қараб келинмоқда.

Фикримизча, ёлғон гувоҳликни олдини олишда жиноят процессуал кодексининг рағбатлантирувчи нормаларини янада кенгайтириш, уларни амалда кенгроқ қўлланишига эришиш зарур, чунки жазолаб жиноят содир этилишининг олдини олишдан кўра, ишонтириб, рағбатлантириб жиноят содир этишнинг олдини олиш кўпроқ тарбиявий таъсир кўрсатади.

---

Основы уголовного процесса. (Кол. Авт.) Учебное пособие. “Фергана” 1998; Хакбердиева Р.Т. Жиноят процесси. Ўқув қўлланма. Т., УзМУ. 2003.

Аммо, юқорида кўрсатиб ўтилган қоидалар ҳозирги замон талабига жавоб бермайди ва ушбу қоидаларни янада такомиллаштириш зарур.

Хорижий, айниқса ривожланган ғарб мамлакатлари жиноят процессида жабрланувчилар ва гувоҳлар хавфсизлигини таъминлашга оид бир қанча ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу механизмлардан уюшган жиноятчиликка қарши курашда самарали тарзда фойдаланилмоқда[1].

Айрим МДҲ мамлакатларида ҳам ушбу масалага жиддий ёндошилмоқда. Жумладан, Россия Федерациясида жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят ишлари бўйича одил судловнинг бошқа иштирокчиларини давлат томонидан ҳимоя қилишга оид қонун[2]нинг қабул қилинганлиги ёки Қозоғистон Республикасида гувоҳларни ҳимоя қилиш Дастурининг қабул қилинганлиги бунга мисол бўла олади.

Республикамизда ҳам жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида жабрланувчилар ва гувоҳлар хавфсизлигини таъминлашга оид махсус қонун ёки дастурнинг ишлаб чиқилиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Бунда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

АҚШда гувоҳлар хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизими ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ҳуқуқий асосини 1984 йил 12 октябрда қабул қилинган “Гувоҳлар хавфсизлиги институтини ислоҳ қилиш тўғрисидаги қонун” (Witness Security Reform Act)[3] ташкил этади. Мазкур қонунга мувофиқ гувоҳлар хавфсизлигини таъминлашнинг қуйидаги чоралари қўлланилиши мумкин: шахсий ҳужжатларни алмаштириш, яшаш жойини

---

[1]Исмаилов Б.И. Теоретические аспекты совершенствования законодательных основ защите потерпевших, свидетелей и иных участников уголовного судопроизводства // Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари: ҳозирги ҳолати ва ткаомиллаштириш истиқболлари. Илмий-амалий конференция материаллари. ТДЮИ. 2007. 113-114 б; Фитцжеральд Д. Программа обеспечения безопасности свидетелей // Правоохранительная деятельность в США. М., 1998. С 174-177;Григорьев Ф.Г. Право свидетеля и других участников уголовного судопроизводства на обепечение их безопасности // Вестник Московского униврститета. Серия 11. Право. № 3 2006 С 91-103.; Джагаев У.Ф. Виды свидетелского иммунитета в уголовном судопроизводстве Казахстана // Российский следователь. № 10. 2006 С 49-50.; Зайцев Е.О. Анонимный свидетель в уголовном процессе Республики Польша // Российский следователь. № 10. 2006 С 50-53.; Гуценко К.Ф. , Головко Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств. М. 2002, С.-238

[2]Қаранг. Федеральный закон от 20 августа 2004 г. «О государственной защите потерпевших, свидетелей и иных участников уголовного судопроизводства» // СЗ РФ. 2004. № 34 Ст. 3534

[3]Гуценко К.Ф. , Головко Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств. М. 2002, С.-238

ўзгартириш, бошқа жойга кўчишини таъминлаш, янги турар жойга мослашиш учун пул ажратиш, ишга жойлаштиришда ёрдам бериш, гувоҳлик берган шахсга оид маълумотларни махфийлаштириш ва бошқалар. Бунда гувоҳ билан битим имзоланади ва бу битимда гувоҳнинг жиноятни очиш ва айбдорларни фош қилишга оид маълумотларни бериш мажбурияти кўрсатилади, гувоҳ томонидан ушбу мажбуриятларнинг бажарилмаслиги хавфсизлик чораларининг бекор бўлишига олиб келиши мумкин.

Канадада ҳам гувоҳларни ҳимоя қилиш дастури тўғрисидаги қонун мавжуд бўлиб, унда гувоҳларни ҳимоя қилишнинг: яшаш жойини ўзгартириш, вақтинчалик хавфсиз жойга жойлаштириш, шахсий ҳужжатларни алмаштириш, маслаҳат бериш, пул билан таъминлаш каби чоралар кўзда тутилган.

Францияда эса, гувоҳлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида суриштирув босқичида “аноним кўрсатувлар”дан фойдаланиш тартиби ҳам қўлланилади. Бунда, кўрсатув берган шахсга оид маълумотлар сўроқ баённомасида кўрсатилмайди ва унда ушбу кўрсатувлар “ишончга сазовор, аммо ўзининг кимлигини махфий сақлашни ҳоҳлаган шахс” томонидан олинганлиги ҳақида белги қўйилади[1].

Албатта, бундай қоидаларни республикамиз суд-тергов амалиётида тўғридан-тўғри қўллаб бўлмайди. Шу сабабли ҳам процесс иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашга оид чораларни: 1) процессуал чоралар; 2) давлат томонидан амалга ошириладиган ҳимоя чораларига бўлиш зарур бўлади. Процессуал чораларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКда белгиланган яъни, ўз ҳолатига кўра процессуал ҳаракатлар ҳисобланган чоралар (телефон орқали сўзлашувларни эшитиш, таниб олиш учун кўрсатиш, ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш, дастлабки тергов материаллари билан танишиш) киради.

---

[1]Григорьев Ф.Г. Право свидетеля и других участников уголовного судопроизводства на обеспечение их безопасности. // Вестник Московского Университета. Серия 11. Право. №3 2006 С -94.

Давлат томонидан амалга ошириладиган ҳимоя чораларига эса жабрланувчилар, гувоҳлар, холислар, уларнинг яқинларини қўриқлаш, уларга оид маълумотларнинг сир сақланишини таъминлаш, жиноий гуруҳлар, уюшмаларга қарши гувоҳлик берган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш каби чораларни киритиш мумкин.

Ҳозирда кўп давлатларда гувоҳлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида судда унинг ўзи қатнашмасдан аудио ва видео техникалардан фойдаланиб (аноним гувоҳлик) кўрсатувлар олиш масаласини кенгроқ жорий қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Аммо, гувоҳнинг бевосита судда қатнашмаслиги ва судланувчи, ҳимоячиларнинг унинг кимлигини билмаслиги ва унга саволлар бера олмаслиги ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига (Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидиги халқаро Пакт) тўғри келиши ёки келмаслиги ҳақида турли қарашлар мавжуд. Халқаро суд амалиёти ҳам бунга бир хилда жавоб бера олмайди. Масалан, инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди 1989 йил 20 ноябрдаги қарорида миллий суднинг айбланувчи К.га нисбатан айблов ҳукми судда сўроқ қилинмасдан кўрсатувлари таништирилган иккита “аноним” гувоҳ кўрсатувларига асосланганлиги ҳамда судьялар гувоҳларни ўз кўзлари билан кўрмаганлиги ва уларнинг шахси ҳақида тасаввурга эга бўла олмаганликлари сабабли, айбланувчининг ҳуқуқи бузилган, деб топган[1].

Бошқа бир иш бўйича эса, Европа инсон ҳуқуқлари бўйича суди гувоҳларнинг бевосита судда сўроқ қилиниши шарт эмаслигини кўрсатиб, “айбланувчи ва ҳимоячи томонидан саволлар бевосита судда сўроқ қилиш йўли билан берилиши шарт эмас. Аудио ёки видео ёзувларни намойиш қилиш ёхуд сўроқ баённомасини ўқиб эшиттириш гувоҳнинг кўрсатувларини рад қилиш ва унинг тўғрилигини гумон остига қўйиш учун етарли”[2] деб ҳисоблайди.

---

[1]Қаранг. Гомьен Д., Харрис Д., Зваак Л. Европейская Конвенция о правах человека и Европейская Социальная Хартия. М., 1998. С. 254

[2]Постановление Европейского суда по правам чловека № 34209/96 С.Н. против Швеции. // Бюллетень Европейского суда по правам чловека 2003. № 1 С. 33-34

Аммо, судда тарафлар манфаатлари орасидаги тенгликни таъминлаш мақсадида “аноним гувоҳ”ларнинг сўроқ баённомасини ўқиб эшиттириш билан чекланмасдан, уларни судда техник воситалардан фойдаланиб сўроқ қилиш масаласига кўпроқ эътибор қаратилиши керак. Л. Брусницын бунда, саволга жавоб сўроқ қилинувчининг шахси маълум бўлишига олиб келадиган бўлса унинг кўрсатуви тўлиқ ёки қисман таништирилмайди, видеотрансляциядан фойдаланиб сўроқ қилишда сўроқ қилинаётганнинг шахсига оид саволлар рад қилиниши керак деб ҳисоблайди[1].

Албатта, Европа судининг “аноним гувоҳлик”ка доир қарорларини тўғридан-тўғри бизнинг қонунни қўллаш амалиётимизда қўллаб бўлмайди, лекин ундаги ижобий тажрибалар ўрганилиб, мамлакатимиз Олий суди томонидан гувоҳларни процессуал ҳимоя қилиш чораларини қўллашга доир тушунтиришлар берилиши мумкин.

[1] Бруницын Л. Псевдонимы в уголовном процессе // Законность №2 2005. С. 16

# ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси жиноят ва жиноят-процессуал қонунлари, махсус адабиётларни ўрганиш, суд амалиётини таҳлил қилиш мавжуд қонунларни такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ушбу соҳадаги фаолияти самардорлигини ошириш юзасидан қатор хулосалар қилиш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш имкониятини берди:

1.Ёлғон гувоҳлик беришга қарши кураш ва унинг олдини олиш умуман жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш билан боғлиқ муаммоларнинг узвий таркибий қисмидир. Ёлғон гувоҳлик бериш ва унинг олдини олишга тор маънода фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолияти сифатида қарамаслик керак. Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш давлатнинг аниқ мақсадга йўналтирилган фаолият йўналиши сифатида ҳам, ушбу фаолиятни амалга оширувчи ташкилий тизим сифатида ҳам намоён бўлади. Ҳозирги даврда ташкилий тизимда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳуқуқий ҳолати, ваколатлари, ўзаро муносабатларини ташкил қилиш хусусиятлари ўзгармоқда. Бу ўзгариш амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларида яққол намоён бўлмоқда. Ёлғон гувоҳлик беришга қарши кураш ва уни олдини олишда ҳам ана шу имкониятлар эътиборга олиниши зарур.

2. Жиноятчилик, айниқса унинг уюшган турларига қарши курашиш самарадорлигини оширишда процесс иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш муҳим ўрин тутади, бу ёлғон гувоҳлик беришнинг хусусиятлари ва унга турки берувчи сабабларни баҳолашда ҳам намоён бўлади.

3. Ёлғон гувоҳлик беришнинг асосий детерминантларига процесс иштирокчилари ўртасидаги қариндошлик ёки бошқа яқин муносабатлар, иш якунидан манфаатдорлик, манфаатдор шахс томонидан таъсир кўрсатилиши эҳтимолидан қўрқиш, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига

нисбатан ишончсизлиги, процесс иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган процессуал нормаларга амалиётда эътибор берилмаётганлиги кабилар киради.

4. Ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олишда ҳар бир шахсда жиноятларга қарши кураш борасидаги фуқаролик позициясини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳадаги фаолиятни йўналтириш учун махсус услубий қўлланмалар, йўл-йўриқ ва тавсияномалар зарур. Бу нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки жамоатчилик ва олимлар олдида турган муҳим вазифадир.

5. Ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олишда аҳоли ўртасида тарбиявий, ўқув хусусиятидаги умумижтимоий чораларни кўриш, гувоҳлик мажбуриятини холисона бажарганлик учун моддий ва маънавий рағбатлантириш каби тадбирларни қўллаш, тергов ва суд муҳокамасида сўроқ қилишнинг самарали психологик услубларидан, шунингдек, замонавий техника воситаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

6. Ёлғон гувоҳлик учун жавобгарликни қўллашда гувоҳлик иммунитетига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Чунки, шахснинг ўзига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги тўғрисидаги қоидани амалга оширмасдан туриб жиноят процессида фуқароларнинг ҳимояланиш ҳуқуқига эгалиги тўғрисидаги конституциявий принципни рўёбга чиқариш ҳам мумкин эмас

7. Гувоҳ ва жабрланувчиларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий тизими яратилиши зарур. Бу гувоҳларга кўрсатув берилишидан манфаатдор бўлган шахслар томонидан тазйиқ ўтказилишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бунда процесс иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашга оид чораларни: а) ижтимоий-иқтисодий (биографик маълумотлар, турар-жой ва иш жойини, касбини ўзгартириш имкониятини яратиш, ҳимоя қилинаётган шахс ҳалок бўлган тақдирда унинг оила аъзоларини моддий таъминлаш ва ҳ.к.); б) ҳуқуқий, ўз навбатида ушбу чоралар: жиноят-ҳуқуқий (ҳимоя

қилинаётган шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ёки мулкига тажовуз қилганлик учун жавобгарлик белгиланиши) ва жиноят-процессуал (далиллар тўплаш, процесс иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш тартибини такомиллаштириш) чораларга бўлинади; в) жисмоний (шахсни қўриқлаш, турар-жой ва хизмат биноларини муҳофаза қилиш ва ҳ.к.) чораларга бўлиш мумкин.

8. Ҳозирда кўп давлатларда гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида судда унинг ўзи қатнашмасдан аудио ва видео техникалардан фойдаланиб кўрсатувлар олиш амалиёти кенг жорий этилмоқда. Бундай усуллардан республикамиз тергов ва суд амалиётида фойдаланиш ижобий натижа беради.

Гувоҳлик ўз мазмунига кўра эксперт хулосаси ва таржимадан фарқ қилади, шунингдек, турли усуллардан фойдаланиб ёлғон гувоҳлик беришга мажбур қилиш объектив томонигакўра бошқа жиноят ҳисобланади.Шу сабабли ушбу қилмишлар учун жавобгарликни алоҳида моддаларда белгилаш, бунинг учун:

1. ЖК 238-моддасининг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилиниши мақсадга мувофиқ:

“Ёлғ гувоҳлик бериш, яъни суриштирув, дастлабки тергов ёки ишни судда кўриш вақ ҳ ёки жабрланувчининг била туриб ёлғ бериши-

энг кам ойлик иш хақ

ёки икки йилгача ахлоқ

жазоланади”.

2. ЖКга “Нотўғри хулоса бериш ва нотўғри таржима қилиш” деб номланган қуйидаги таҳрирда 238[1]-модда киритилиши лозим:

“ЖК 238[1]-модда. Нотўғри хулоса бериш ва нотўғри таржима қилиш.

Суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёки ишни судда кўриш вақ

тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғ -

энг кам ойлик иш хақ
ёки икки йилгача ахлоқ
жазоланади”.

3. ЖК 238-моддасининг учинчи қисмига қуйидагича ўзгартиш киритилиши таклиф қилинади:

“Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) айблов учун сунъий далиллар келтирган ҳолда;

б) такроран содир этилса;

в) оғир оқибатларга олиб келган бўлса,

уч йилдан беш йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланади”.

4. ЖКнинг 238-моддаси қуйидаги мазмундаги рағбатлантирувчи тўртинчи қисм билан тўлдирилиши лозим:

“Ўзига ёки яқин қариндошларига нисбатан жисмоний ёки руҳий тайзиқ ўтказилиши натижасида ёлғон гувоҳлик беришга мажбур бўлган шахслар ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб, бу ҳақда хабар берсалар, жиноий жавобгарликдан озод қилинади”.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Асарлар. Т.1.Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.-Т., Ўзбекистон, 1996.-364 б.
2. Каримов И.А. Асарлар. Т.2. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.-Т.,Ўзбекистон, 1996.-382 б.
3. Каримов И.А. Асарлар. Т.3. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.-Т.,Ўзбекистон, 1996.-366 б.
4. Каримов И.А. Асарлар. Т.4. Бунёдкорлик йўлидан.-Т.,Ўзбекистон, 1996.-349 б.
5. Каримов И.А. Асарлар. Т.5. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби.-Т.,Ўзбекистон, 1997.-384 б.
6. Каримов И.А. Асарлар. Т.6. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан.-Т.,Ўзбекистон, 1998.-429 б.
7. Каримов И.А. Асарлар. Т.7. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз.-Т.,Ўзбекистон, 1999.-410 б.
8. Каримов И.А. Асарлар. Т.8. Озод ва обод Ватан-эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз .-Т.,Ўзбекистон, 2000.-526 б.
9. Каримов И.А. Асарлар. Т.9. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.-Т.,Ўзбекистон, 2001.-439 б.
10. Каримов И.А. Асарлар. Т.10. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. -Т.,Ўзбекистон, 2002.-429 б.
11. Каримов И.А. Асарлар. Т.11. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли.-Т.,Ўзбекистон, 2003.-320 б.
12. Каримов И.А. Асарлар. Т.12. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ.-Т.,Ўзбекистон, 2004.-398 б.
13. Каримов И.А. Асарлар. Т.13. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.-Т.,Ўзбекистон, 2005.-445 б.

14. Всеобщая декларация прав человека// В.кн. Международные Конвенции по защите прав человека и борьбы с преступностью: (Сб. междунар.документов) Сост. Ю.С.Пулатов. –Т.: Шарк, 1995. -448 с.
15. Декларация о защите всех лиц от пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих видов обращения и наказания // В.кн. Международные Конвенции по защите прав человека и борьбы с преступностью: (Сб. междунар.документов) Сост. Ю.С.Пулатов. –Т.: Шарк, 1995. -448 с.
16. Конвенция о защите всех лиц от пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих видов обращения и наказания // В.кн. Международные Конвенции по защите прав человека и борьбы с преступностью: (Сб. междунар.документов) Сост. Ю.С.Пулатов. –Т.: Шарк, 1995. -448 с.
17. Свод принципов защиты всех лиц, подвергаемых задержанию или заключению в какой бы то ни было форме // В.кн. Международные Конвенции по защите прав человека и борьбы с преступностью: (Сб. междунар.документов) Сост. Ю.С.Пулатов. –Т.: Шарк, 1995. -448 с.
18. Декларация основных принципов правосудия для жертв преступлений и злоупотреблений властью // В.кн. Международные Конвенции по защите прав человека и борьбы с преступностью: (Сб. междунар.документов) Сост. Ю.С.Пулатов. –Т.: Шарк, 1995. -448 с.
19. Конвенция о правовой помощи и правовых отношений по гражданским, семейным и уголовным делам // В.кн. Международные Конвенции по защите прав человека и борьбы с преступностью: (Сб. междунар.документов) Сост. Ю.С.Пулатов. –Т.: Шарк, 1995. -448 с.
20. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т., Ўзбекистон. 2003. 32-б.
21. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Расмий нашр-Т., Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. 2008.-384 б.

22. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси. Расмий нашр-Т., Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. 2008.-384 б
23. Закон Республики Узбекистан О порядке и размерах возмещения свидетелям, потерпевшим, экспертам, специалистам, переводчикам и понятым понесенных расходов. № 661-XII от 3 июля 1992 года
24. Абдумажидов Ғ. Расследование преступлений. Процессуально-правовое исследование. Ташкент, 1986.
25. Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти. Ўқув қўлланма. – Т.,ТДЮИ, 2005.-124 б.
26. Абдурасулова Қ., Зокирова О. Криминология. Ўқув қўлланма. ТДЮИ. 2004. -145 б
27. Абдурасулова Қ., Ниёзова С. Жиноятчилик ва жиноятчи шахси муаммолари. Ўқув қўлланма. ТДЮИ. 2006. 86- б
28. Абдурасулова К.Р., Иркаходжаев А.К. Практикум по “Криминологии” ТГЮИ. 2006. –С 280
29. Абдурасулова Қ. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари. Т. ТДЮИ, 2005, 231-б
30. Абдурасулова Қ., Зокирова О. Криминология. Т. ТДЮИ, 2003 77-б
31. Александров А.И. Уголовная политика и уголовный процесс в российской государственности. СПб, 2003. - 397
32. Алимджанов Б.Г., Вальдман В.М. Компетенция эксперта в уголовном процессе. Теоретические и практические аспекты. Ташкент, 1986
33. Алимова Р., Отахўжаев С. Суд экспертизасини ташкил қилиш ва ўтказиш масалалари. Т., “Янги аср авлоди” 2001.
34. Алоуов Е.О. Квалификация хищений совершенных по подложным документам. - Т., Адолат, 1994.-196 с.
35. Баймурзин Г.И. Ответственность за прикосновенность к преступлению.- Алма-Ата., Наука, 1968.-188 с.
36. Бакунов П. Айб жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида. Т. «Адолат» 2006.-99 б

37. Бахин В.П., Когамов М.Ч., Карпов Н.С. Допрос на предварительном следствии. Уголовно-процессуальные и криминалистические вопросы. Алматы, Оркениет. 1999

38. Бедняков Д.И. Непроцессуальная информация и расследование преступлений. М., 1991.-205 с

39. Брусницын Л.В. Правовое обеспечение безопасности лиц, содействующих уголовному правосудию. М., 1999

40. Бушуев Н.А. Ответственность за укрывательство преступлений и недоносительство. - М., Юрид.лит. 1965.-138 с.

41. Власов Н.С., Тяжкова И.М. Ответственность за преступления против правосудия. М., Юрид. лит. 1968.-134 с.

42. Гаврилов С.Т., Покаместов А.В., Тямкин А.В. Проблемы квалификации отдельных видов преступлений. Воронеж. ВШ МВД 1997.-99 с

43. Гаврилов Н.И. Влияние внушения на формирование свидетельских показаний. (Уголовно-процессуальное, криминалистическое и судебно-психологическое исследование). М., 1975

44. Гаухман Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. М. Юринформ. 2001. -315 с.

45. Гомьен Д., Харрис Д., Зваак Л. Европейская конвенция о правах человека и Европейская Социальная Хартия. М. 1998.- 298 с

46. Горелик А.С. Конкуренция уголовно-правовых норм. Красноярск ун-т. 1998.-106.

47. Горелик А.С., Лобанова В.Л. Преступления против правосудия. СПб, 2005. – 303 с.

48. Гричанин И.Г., Щиголев Ю.В. Квалификация преступлений, предусматривающих подлог документа в качестве признака состава. - М., Юрид.лит. 1977.-240 с.

49. Гулямов З.Х. Преступления против правосудия. Т., Академия МВД РУз 1997.-236 с

50.Гулямов З.Х. Уголовная ответственности за несообщение о преступлении или его укрывательство. Учебное пособие. –Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1997. -5.2 п.л.
51. Гуценко К.Ф., Головко В.Л., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств. М., 2002.- 438 с.
52.Джалолов Д.Д,.Бахриев И.И, Жуманиёзов Э.Х, Хакбердиева Р.Т. Суд-тиббий экспертиза объектларини текширишда экспертнинг ҳуқуқий асослари. Т., ЎзМУ. 2004.
53. Елизаров Н. Преступления против правосудия.-Киев., ВШ МВД УССР. 1965.-71-с.
54.Жалыбин С.М. Защита прав граждан в уголовном судопроизводстве.-Алматы, 2002.-304 с.
55. Жиноят ҳуқуқи: Умумий қисм / Масъул муҳаррир М.Усмоналиев.-Т., Адолат. 1998.-287 с.
56.Жиноят процесси. Дарслик. (Муал. Ҳамкор.). Т., Янги аср авлоди. 2002.
57. Зайцев О.А. Государственная защита участников уголовного процесса. М, 2001.- 234 с
58. Закатов А.А. Ложь и борьба снею.-Волгоград., Нижне-Волжское кн. Изд-во. 1984.-192 с.
59. Защита прав потерпевшего в уголовном процессе. Сравнительное исследование. Отв.ред. А.М.Ларин. М., 1993
60.Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик. Т. 2004. -220-б
61. Иномжонов Ш.Х. Жиноят процессида далилларни тақдим қилиш ва улардан фойдаланиш муаммолари. (Монография 2-нашр). –Т.: ТДЮИ, 2006. -179 б.
62.Каиржанов Е.И. Криминология. (Общая часть). Алматы, 1995. -202 с
63. Калашникова Н.Я. Гарантия прав свидетеля, эксперта, переводчика и понятого в советском уголовном процессе.- М., МГУ. 1966.-154 с.
64. Камалходжаев Д. Реабилитация в уголовном процессе. Т., Академия МВД Республики Узбекистан, 1996

65. Каракетов Ю., Усмоналиев М. Жиноятчиликка қарши курашнинг криминологик чоралари. Т., “Ўзбекистон”. 1994
66. Карпец И.И. Уголовное право и этика. М., Юрид. лит. 1995.-256 с.
67. Кипнис Н.М. Допустимость доказательств в уголовном судопроизводстве. М., 1995
68. Комментарий к УК РФ. Под ред. А.В.Наумова.- М., Юристь. 1996.-824 с.
69. Комментарий к УК РФ Особенная часть. Под общей ред. Ю.И.Скуратова и В.М.Лебедева. - М., Инфра-М-Норма. 1996.-592 с.
70. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Общая и особенная части // Под общ.ред.И.Ш.Борчашвили. Изд. 2-е. –Алматы: жеты Жаргы, 2007. -992 с.
71. Костарева Т.А. Квалифицирующие обстоятельства в уголовном праве.-Москва., Юристь. 1999.-317 с.
72. Красиков А.Н. Уголовно-правовая охрана прав и свобод человека в России. - Саратов., Гос.акад.права. 1996.-211 с.
73. Криминология. Тошкент., ТДЮИ, 2002 й.
74. Криминология: Учебник. Под ред. В.Н.Кудрявцева и В.Е.Эминова.-М., Юристь. 1997.-512 с.
75. Криминология. Учебник. Отв. ред. И.М.Рогов, Е.О.Алауханов. Алматы. Қазығурт. 2007. –С 584
76. Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. 2-е изд. перераб. и допол. - Москва., Юристь. 2001.-301 с.
77. Кузьмина С.С. Лжесвидетельство: уголовно-правовые и уголовно-процессульные проблемы.- СПб., Ин-т усовер. прокурор. и след. работников. 1995.-64 с.
78. Метелица Б.Н. Судебно-психиатрическая экспертиза потерпевших. М., 1991
79. Мусаев М. Жиноий уюшма ташкил этишга қарши кураш муаммолари. Т., 2005. 168 б

80. Ниёзова С. Иштирокчилик тушунчаси, турлари, шакллари ва жавобгарлик масалалари. Т. ТДЮИ. 2003
81. Обеспечение прав человека и законности в деятельности правоохранительных органов. Учебное пособие. М., 2001
82. Орлов Ю.Х. Заключение эксперта и его оценка по уголовным делам. М., 1995
83. Порубов И.И. Тактика допроса на предварительном следствии. - М., Бек. 1998.-208 с.
84. Преступления против правосудия // под ред. А.В.Галаховой. М.: 2005. – С.343
85. Ратинов А., Адамов Ю. Лжесвидетельство (Присхождение, предотвращение и разоблачение ложных показаний). - М., Всес. ин-т по изуч. причин и разработка мер предупр. прест. 1976.-135 с.
86. Рахимов Ю. Процессуальные гарантии полноты и достоверности паказаний свидетеля. Фергана. Фер. Гос. Унив. 1997.
87. Рахимов Ю. Вопросы психологичекского подхода к показаниям свидетеля. Фергана. Фер. Гос. Унив. 1996.
88. Рахимов Ю. Становление, развитие и проблемы процессуально-психологического допроса свидетеля (потерпевшего) в уголовном судопроизводстве. Фергана. Фер. Гос. Унив. 1996.
89. Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Дарслик. Т. Ўқитувчи 2003
90. Рустамбоев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Особенная часть. - Т., ИПТД “O’qituvchi”. 2004.-1024 с.
91. Рустамбоев М.Х.,Тухташева У.А. Судебная власть и судебно-правовая реформа в Республики Узбекистан: научно-публицистическое издание. – Т.:Издательство ТГЮИ, 2008. -538.
92. Рыжаков А.П. Возобновление уголовных дел по вновь открывшимся обстоятельствам. М., 1997

93. Сартаева Н.А. Концептуальные основы предупреждения преступности. Астана. 2004. -186 с
94. Солодкин И.И., Филановский И.Г. Ответственность за оскорбление, клевету и побои. - М., Юрид.лит. 1969.-63 с.
95. Уголовный кодекс Республики Узбекистан: научно-практический комментарий. Под ред. А.С.Якубова, М.Х.Рустамбаева, Р.Кабулова, Х.И.Пирмухамедова.-Т., Адолат. 1996.-388 с.
96. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. Под ред. Б.В.Здравомыслова.-М., Юристь. 1996.-456 с.
97. Уголовное право. Особенная часть. В 2-х частях. Ч.2. Под ред. Н.А.Беляева., Д.П.Водяникова., В.В.Орехова.-СПб., ГУ. 1995.-284-с.
98. Уголовно-процессуальное право. Под. Ред. П.А.Лупинской. М: Учебник. Юрист, 1997
99. Усмоналиев М.. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисми. Дарслик. Т. ТДЮИ 2005
100. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқида жазо тайинлашнинг умумий асослари. Т. Адолат 2001
101. Умархонов А.Ш. Одил судловга кўмаклашувчи шахслар хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий чоралари. Ўқув қўлланма. –Т.: ИИВ Академияси, 2005. -76 б.
102. Хабибулин М.Х. Ответственность за заведомо ложный донос и заведомо ложное показание.- Казань., КГУ. 1975.-165 с.
103. Хабибуллин М.Х. Ответственность за укрывательство преступлений и недоносительство по советскому уголовному праву. Казань, 1984.
104. Шаргородский М.Д. Избранные труды. СПб, 2004.-315 с
105. Шкода Е.В. Правовой статус понятых и их роль в уголовном процессе. Т., Кибернетика 2000.
106. Шмидт А.А. Тактические основы распознавания ложных показаний и изобличения лжесвидетелей. (Криминалистическое и криминологическое исследование). Свердловск, 1973
107. Шнайдер Г.Й. Криминология. - М.,Прогресс. 1994.-504 с.

108. Щерба С.Н., Зайцев О.А. Охрана прав потерпевших и свидетелей по уголовным делам. - М., Спарк. 1996.-123 с.

109. Эйсман А.А. Заключение эксперта. - М., Юрид.лит. 1967.-218 с.

110. Юридик энцеклопедия. У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида.-Т., Шарқ. 2001.-656 б.

111. Якуб М.А. Показания свидетелей и потерпевших.- М., МГУ. 1968.-193 с.

112. Якушин В.А. Ошибка и ее уголовно-правовое значение.- Казань., Казанский гос.ун-т. 1988.-128 с.

113. Қодиров А. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар.- Т., Адолат. 1998. –119 б.

114. Адамов Ю.Н. Борьба со лжесвидетельством: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. - Москва, 1974.-24с.

115. Гулямов З.Х. Проблемы борьбы с преступлениями против правосудия: теория и практика: Автореф. дисс. д-ра. юрид. наук.- Т.,-2002.-46 с.

116. Зуфаров Р.А. Порахўрликка қарши курашнинг жиноят ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: назария ва амалиёт. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т., 2005. – 46-б

117. Исмаилов И. Уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т., 2006. – 47-б

118. Мусаев М.А. Жиноий уюшма ташкил этишга қарши кураш муаммолари. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т., 2006. – 25-б

119. Мухитдинов Ф.М. Уголовно-процессуальная форма: проблемы теории и методологии. Автореф. дисс. д-ра. юрид. наук.- Т.,-2005.-43 с.

120. Найимов С.С. Қилмишни жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилишнинг назарий ва амалий масалалари. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т., 2007. – 26-б

121. Новикова М.Н. Обеспечение безопасности участников уголовного судопроизводства как гарантия осуществления правосудия в современных условиях. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. Екатеринбург. 2006 –С. 26

122. Фельдблюм В.С. Уголовная ответственность за заведомо ложное показание. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. - М.: 1972. С.315.

123. Абдумажидов Г. Актуальные вопросы реализации принципа состязательности и равноправия сторон в судебном производстве. Адвокат 1999. № 1. -Б. 12-15

124. Абдумажидов Ғ.А. Право на судебную защиту интересов. // Имплементация норм международного права в законодательстве Республики Узбекистан. –Т.: УМЭД, 1999. –С. 15-18.

125. Абдумажидов Ғ. Ўзбекистон ҳудудида жиноий-ҳуқуқий тафаккурнинг ривожланишидан лавҳалар // Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқнинг тарихий ривожланиши. ТДЮИ ва Конрад Аденауэр жамғармаси ташкил этган илмий семинар материаллари. Т. 2007. –Б.23-27

126. Абдумажидов Ғ.А. Процессуал кафолат самарали бўлсин. Ҳуқуқ ва бурч. № 3. 2007. 46-48 б.

127. Абдусаломов Г.М. Манфаатга эга бўлган шахслар ҳуқуқларини кафолатлашнинг жиноят процесси принциплари билан узвий боғлиқлиги // Суд-ҳуқуқ мслоҳотлари: ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш истиқболлари. Илмий-амалий конференция материаллари ТДЮИ 2007. 141-147 б.

128. Абдурасулова Қ. Жиноий жазо институти тарихидан // Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқнинг тарихий ривожланиши. ТДЮИ ва Конрад Аденауэр жамғармаси ташкил этган илмий семинар материаллари. Т. 2007 27-30 б

129. Аберхаев Э.Р. Свидетельский иммунитет как гарантия право на неприкосновенность частной жизни. // Российский следователь. № 4. 2006. С 8-12.

130. Айдаров Т. Ёлғон хабар бериш ва ёлғон гувоҳлик бериш // Ҳаёт ва қонун. № 1 2005. 58-60 б.

131. Алламуратов А.Т. Правовые основы свидетельского иммунитета. // Ж. Право-Ҳуқуқ-Law. -2002. -№1. –С. 34-38.

132. Алламуратов А.Т. Свидетельские показания. // Ёш олимлар тўплами. – Т.: ТГЮИ, 2004. –С. 98-103.

133. Алламуратов А.Т. Соотношение иммунитетов с некоторыми принципами уголовного процесса // Ж. ТДЮИ Ахборотномаси, -2005. -№1. –С 58-63.

134. Алилов Г. Криминологический анализ подкупа или принуждение к даче показаний или уклонению от дачи показаний либо к неправильному переводу: региональный аспект // Российский следователь. № 9. 2006. С 26-29.

135. Антонина А. Закон о государственной защите свидетелей // Российская юстиция. № 1. 2004. С 34-39.

136. Ахмедов Ш.Г. Уголовная ответственность за заведомо ложное показание // Уголовно-правовые меры борьбы с преступностью. –Ташкент., Фан. 1987 С.154-157.

137. Ахмедова М. Терговда психолог иштироки. Ҳуқуқ ва бурч. № 5. 2007. 45-46 б.

138. Ачилов С. Обеспечение потерпевшему права на судебную защиту на предварительном следствии // Суд-ҳуқуқ мслоҳотлари: ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш истиқболлари. Илмий-амалий конференция материаллари ТДЮИ 2007. 135-138 б.

139. Бояров С.А. Правовое положение потерпевшего // Уголовный процесс. № 7 (19) 2006. С 14-18.

140. Бобранов И. Проблемы квалификации принуждения к даче показаний (ст. 302 УК. РФ) // Уголовное право. № 2. (апрель-июнь) 2005 С 8-10.

141. Брусницын Л. Обеспечение безопасности участников процесса: возможности и перспективы развития УПК // Российская юстиция. № 5. 2003. С 23-27

142. Брусницын Л. Псевдонимы в уголовном процессе // Законность. № 2. 2005 С 16-19.

143. Брусницын Л. Как обезопасить лиц, содействующих уголовному правосудию // Российская юстиция 1996 № 9 С 47-50

144. Брусницын Л. Посткриминальное воздействие-угроза правосудию XXI века // Государство и право. -2001. № 11. –С. 82-89

145. Бойков А.Д. Защита прав потерпевшего // Уголовный процесс. № 8 (20) 2006 С 58-64.

146. Воробьев И.А. Защита свидетелей как одно из ключевых условий борьбы с организованной преступностью // Журнал Российского права. 1999 №2 С 134-138

147. Глухова О.В. Уголовная ответственность за недонесение об орудиях и средствах совершения преступления, следах преступления, предметах, добытих преступным путем // право и государство. –Минск: БГУ, 2004. – С. 204-205.

148. Григорьев Ф.Г. Право свидетеля и других участников уголовного судопроизводства на обеспечение их безопасности // Вестник Московского университета. Серия 11. Право. № 3 2006 С 91-103.

149. Гулямов З.Х. Общая характеристика преступлении против правосудия в Республики Узбекистан. // Ж. Российская права. -2002. -№4. –С. 122-130.

150. Джагаев У.Ф. Виды свидетельского иммунитета в уголовном судопроизводстве Казахстана // Российский следователь. № 10. 2006 С 49-50.

151. Джуманиёзов Н. Роль мотивации в преступном поведении. ТДЮИ Ахборотномаси. № 2. 2007. 59-61 б.

152. Жалыбин С.М. Обеспечение прав человека при уголовном преследовании // Правовая реформа в Казахстане. -2001. № 1. С. 3-6

153. Жўрабоев А. Вояга етмаган жабрланувчиларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлашга оид хориж қонунчилиги таҳлили // Фалсафа ва ҳуқуқ. -2006. № 4. –Б. 44-46.

154. Зайцев Е.О. Анонимный свидетель в уголовном процессе Республики Польша // Российский следователь. № 10. 2006 С 50-53.

155. Зарубин А.В. Некоторые аспекты законодательного регулирования прикосновенности к преступлению // Межвузовский сборник научных трудов к конференции адъюнктов и соискателей: «Подходы к решению проблем законотворчества и правоприменения» Вып.9. –Омск: Омская академия МВД России, 2003. –С.4-6.

156. Зарубин А.В. Формы и виды прикосновенности к преступлению // Нучный вестник ТЮИ МВД России. Вып.2. –Тюмень, 2003. –С 53-55.

157. Зокирова О.Ғ. Рашк мотиви билан содир этилган жиноятларда жабрланувчининг хулқ-атвори. // Давлат ва ҳуқуқ. -2002.-3 (11)сон.- Б. 57-59.

158. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолатлари. // Илмий-назарий анжуман материаллари. –Т.: ТДЮИ, -2003. –Б. 71-73.

159. Исмаилов Б.И. Теоретические аспекты совершенствования законодательных основ защите потерпевших, свидетелей и иных участников уголовного судопроизводства // Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари: ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш истиқболлари. Илмий-амалий конференция материаллари ТДЮИ 2007. 113-120 б

160. Карнеева Л.М., Кертэс И. Проблемы свидетелского иммунитета // Советское государство и право. 1989. №6. С. 57-63.

161. Кипнис Н. Законодательное регулирование свидетельского иммунитета // Российская юстиция. 1994. №3 С. 47-48.

162. Конев В., Громов Н., Николайник В. Свидетельский иммунитет в уголовном процессе // Российская юстиция, 1997. № 9. –С. 48-50

163. Коробеев А., Кулешов Ю. Уголовно-правовая защита независимости правосудия // Уголовное право. № 5 (ноябрь-декабрь) 2005 С 4-7.

164. Кузьмина С.С. Ответственность за подстрекательство и понуждение к дачи заведомо ложных показаний // Законность. 1993. №8. С. 19-22.

165. Лазовицкая Г.П., Винокурова Н.С. О некоторых криминологических и уголовно-правовых проблемах борьбы с посягательствами, совершенными в составе организованных групп и преступных сообществ, на участников правосудия // Российкий следователь. № 2. 2006 С 36-41.

166. Лазовицкая Г.П. Правовые и криминологические аспекты борьбы с преступлениями, посягаюшими на участников правосудия // Российский следователь № 3 2006. С 30-33.

167. Ларин А.М. Преступность и раскрываемость преступлений // Государство и право.-1999. № 4. –С. 83-89.

168. Лупинская П. Допустимость доказательств //Российская юстиция. № 11. 1998 С 34-36

169. Макаров А.Д. Попустительство преступлению как вид прикосновенности к преступлению в свете совершенствования уголовного законодательства // Закон и право. -2004. № 11. –С. 32-34.

170. Маткаримов Қ. Жиноят процессида гувоҳлик иммунитети // ТДЮИ Ахборотномаси. № 6. 2007, 83-84 б.

171. Маткаримов Қ. Хорижий мамлакатлар жиноят процессида гувоҳлик иммунитети // ТДЮИ Ахборотномаси. № 2. 2007, 64-65 б.

172. Меньших А.А. О возмещение ущерба преступлений во Франции // Журнал Российского права. 1999 № 9 С 158-160

173. Мухитдинов Ф.М. Жиноят ҳуқуқи ва жиноят процессуал ҳуқуқининг ўзаро уйғунлик жиҳатлари. // Давлат ва ҳуқуқ. № 2 2004. 32-36 б

174. Мустафоев Б. Инсонпарварлик ва адолат тамойилларига садоқат ифодаси // Ҳаёт ва қонун. № 4 2005 3-5 б.

175. Новиков С.А. Наказание за лжиседетельство: дискуссионные вопросы // Российский следователь № 5 2006 С 10-12

176. Никулина Х.А., Горбунова Н.А. Участники уголовного процесса с неопределенным положением // Уголовный процесс № 7 (19) 2006 С 19-27.

177. Никифорова Е.Н. Гарантии прав обвиняемого в уголовном процессе // “Хукук” Право 1999 г. № 1. (5) С 19-22

178. Отажонов А. Жиноятга дахлдорлик // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 2008. № 1. 38-41.

179. Отахўжаев С. Экспертлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари // Ҳуқуқ ва бурч. № 5. 2007, 24-26 б.

180. Попов В.В. Некоторые формы появления правового нигилизма и пути его преодоления // Юрист.-2002. №1.- С.10-13.

181. Ражабова М. Жиноятдан ихтиёрий қайтиш // Ҳаёт ва қонун № 4 2004 5-6 б.

182. Рахманова С.М. Жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. // Ж.. Ҳаёт ва қонун. -2002. -7-сон. –Б. 39-43.

183. Рустамбоев М.Х., Ниёзов А. Ответсвенность за угрозу в зарубежном законодательстве. // Давлат ва ҳуқуқ. -2000. -№ 2. –С.64-68

184. Рыжаков А.П. Свидетель в российском уголовном процессе: понятия, права, обязанности и ответственность. Комментарий к. ст. 56 УПК РФ // Материалы подготовлен для публикации в системах Консультант Плюс. 2004 С 1-2.

185. Саидов Б. Дастлабки терговда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари // Фалсафа ва ҳуқуқ. -2007. № 3. –Б. 46-48

186. Соттиев И.А. Уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб жиноят содир этиш. // Ж. Қонун ҳимоясида. -2001. -2-сон. Б.38-39

187. Соттиев И.А., Аппаков М.П. Уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган жиноятларни баҳолаш. // Ж. Қонун ҳимоясида. -1998.-2-сон. –Б. 21-23.

188. Суяров Қ., Анваров И. Эксперт хулосаси ва унинг жиноятни очиш ва олдини олишдаги аҳамияти // Илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2002. –Б. 30-31.

189. Умархонов А. Ёлғон кўрсатма бериш // Ҳаёт ва қонун. № 3 2004. 23-24 б.

190. Феофилактов А.С. Фальсификация доказательств: уголовно-правовая квалификация // Уголовный процесс. № 9 (21) 2006 С 10-21
191. Фитцжеральд Д. Программа обеспечения безопасности свидетелей // Правоохранительная деятельность в США М. 1998. С 174-177
192. Чекулаев Д. Применение мер безопасности в отношении потерпевших и других участников процесса // Законность. 2005. № 5 С 31-33
193. Шакуров Р.Р. Юридическая природа уголовно-правового поощрения. // Ж. Конституция-ҳуқуқий давлат қуришнинг асоси. -1998. –№ 1. –С. 137-139.
194. Шокиржонова Н. Психологические основы получения необходимой информации от свидетелей, потерпевших, подозреваемых и обвиняемых. // Ж. Давлат ва ҳуқуқ. -2005. –С. 19-20
195. Юсуфжонов О. Двойная форма вины в совершении преступления // Фалсафа ва ҳуқуқ. -2008. № 1. –С.94-96.
196. Юридик атамалар ва иборалар луғати. / Б.Ахмедов таҳрир остида.-Т., Адолат. 1993.-52 б.
197. Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд амалиёти. 1-сон.-Т., 2002.-81 б.
198. Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд амалиёти. 2-сон.-Т., 2002.-83 б.
199. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорларининг тўплами. 1991-1997: Икки жилдли. I жилд Таҳрир ҳайъати: У.Қ.Мингбоев (раҳбар) ва бошқ.- Т., Шарқ. 1997.-256 б.
200. http://www.legislation.org.ru.
201. http://www.jurisconsult.ru.
202. http://www.expert.ru.
203. http://www.disser.law.edu.ru/
204. http://www.lawbook.by.ru/
205. http://www.cis.minsk.by/

# МУНДАРИЖА

КИРИШ ........................................................ Ошибка! Закладка не определена.
1-БОБ. ЁЛҒОН ГУВОҲЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН ҚОНУНЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ВА УМУМИЙ ТАВСИФИ. **13**
**1.1. Ёлғон гувоҳлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган қонунларнинг ривожланиш тарихи**........ 14
**1.2. Ёлғон гувоҳлик беришнинг ижтимоий хавфлилиги ва умумий тавсифи** ........ 21
II БОБ. ЁЛҒОН ГУВОҲЛИКНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ ........ **32**
**2.1. Ёлғон гувоҳликнинг объекти**........ 32
**2.2. Ёлғон гувоҳликнинг объектив томони** ........ 39
**2.3. Ёлғон гувоҳликнинг субъекти.** ........ 59
**2.4. Ёлғон гувоҳликнинг субъектив томони**........ 71
**2.5. Ёлғон гувоҳликнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари ва бу жиноятнинг ўхшаш қилмишлардан фарқлари**........ 77
III БОБ. ЁЛҒОН ГУВОҲЛИКНИНГ КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ ........ **93**
**3.1. Ёлғон гувоҳлик беришнинг криминологик тавсифи**........ 93
**3.2. Ёлғон гувоҳлик беришнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар** ........ 100
**3.3. Ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олиш чоралари** ........ 107
**3.4. Ёлғон гувоҳлик беришнинг олдини олишнинг жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал чоралари**........ 114
ХУЛОСА ........ **131**
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ........ **131**
ИЛОВАЛАР ........ **148**